№1 (17)
Январь-Март
2022

ISSN 2181-0567
ISSN 2181-1830

# IQTISODIYOT: TAHLILLAR VA PROGNOZLAR

## ЭКОНОМИКА: АНАЛИЗЫ И ПРОГНОЗЫ

## ECONOMY: ANALYSIS AND FORECASTS

**Бизга ҳозир тушум ошиши асосийси эмас. Биринчи навбатда, тизимни тўғри қилиб, билмаганларга ўргатиб, солиқ юкини камайтириб, тадбиркорларнинг эмин-эркин, ҳалол ишлашини йўлга қўйишимиз керак.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**




Журнал Ўзбекистон Республикаси Иктисодий тараккиёт ва камбағалликни кискартириш вазирлиги билан хамкорликда нашр этилмокда

ISSN 2181-0567



# ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИДА СОҲАНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА НАВБАТДАГИ ВАЗИФАЛАР ЮЗАСИДАН ЙИҒИЛИШ ЎТКАЗДИ

Сўнгги йилларда мамлакатимиз солиқ маъмуриятчилиги тубдан ислоҳ қилинмоқда. 2019 йил декабрда янги таҳрирдаги Солиқ кодекси қабул қилиниб, тўғридан-тўғри қўлланувчи нормалар жорий этилди. Солиқлар сони 13 тадан 9 тага камайтирилди. Мулк солиғи ставкаси 5 фоиздан 1,5 фоизга, қўшилган қиймат солиғи 20 фоиздан 15 фоизга туширилди. Иш ҳақига нисбатан солиқ юки қарийб 2 баравар камайтирилди.

Буларнинг натижасида тадбиркорларнинг ислоҳотларга ишончи ортиб, солиқ тушумлари 4 баравар кўпайди. Қўшилган қиймат солиғи тўловчилар сони 6 мингдан 152 мингтага етди.

Тараққиёт стратегиясида бу борадаги ислоҳотларни давом эттириб, солиқ маъмуриятчилигини соддалаштириш вазифалари белгиланган.

– Биз инсон қадрини улуғлашни эълон қилдик, халқимизни рози қилишга ҳаракат қилаяпмиз. Халқимиз қачон рози бўлади? Солиқ кам бўлиб, даромади ошса, – деди Шавкат Мирзиёев.

Хусусан, 2026 йилга бориб иқтисодиётга солиқ юкини 25 фоизгача камайтириш мақсад қилинган. Шунингдек, 2023 йилдан қўшилган қиймат солиғини 12 фоизгача тушириш, кейинчалик ер ва мулк солиқларини бирлаштириш мўлжалланган.

# IQTISODIYOT: TAHLILLAR VA PROGNOZLAR

ЭКОНОМИКА: АНАЛИЗЫ И ПРОГНОЗЫ

ECONOMY: ANALYSIS AND FORECASTS

№ 1 (17)
Январь-Март, 2022 йил

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

**Ж.Қўчқоров** – Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири, таҳрир ҳайъати раиси

**И.Норқулов** – Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг биринчи ўринбосари, таҳрир ҳайъати раиси ўринбосари

**У. Абидхаджаев,** и.ф.д. – Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти директори

**З. Халдаров,** PhD – Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти директори ўринбосари

**Т.Ахмедов,** и.ф.д., проф. – Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти директори ўринбосари – Илмий марказ директори

**Д.Курбанова,** и.ф.н., доц. – Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти илмий котиби

**С.Чепель,** и.ф.д. – Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти бош илмий ходими

**Н.Расулов,** и.ф.д., доц. – Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти лойиҳа раҳбари

**Д.Каримова,** и.ф.д., проф. – Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти лойиҳа раҳбари

**Р.Хасанов,** и.ф.д., проф. – Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти лойиҳа раҳбари

**Ҳ. Сайдалиев,** и.ф.д. – Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти гурух раҳбари

**Н.Ибрагимова,** PhD., доц. – Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти лойиҳа раҳбари

**Ё.Файзуллаев,** и.ф.н. – Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги бўлим бошлиғи

**ТАҲРИРИЯТ:**

Бош муҳаррир – **Т. Аҳмедов**

Масъул муҳаррир – **А. Юлдашев**

Техник муҳаррир – **И. Одашев**

Компьютер графикаси дизайнери – **И. Саидов**

Нашр учун масъул – **Н. Примов**

**Журнал Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2019 йил 29 июндаги 266/8-сонли қарорига асосан ОАК диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига ва Россия Федерациясининг Илмий иқтибос индекси (РИНЦ) рўйхатига киритилган.**

Журнал Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 2021 йил 22 апрелда 1043-сонли гувоҳнома бўйича қайта рўйхатга олинган.

Босма ISSN 2181-0567; Электрон ISSN 2181-1830.
Формат 84/60, 1/8, 9,6 б.т.
Чоп этишга 31.03.2022 йилда рухсат этилди.

Журналнинг «Matbuot tarqatuvchi» АК обуна каталогидаги индекси – 1360.
Журнал уч ойда бир марта чоп этилади. Баҳоси келишилган нархда.

«Iqtisodiyot: tahlillar va prognozlar» журналидан кўчириб босиш фақат таҳририятнинг ёзма розилиги билан амалга оширилади.
Таҳририят фикри муаллифлар фикрига мос келмаслиги мумкин.
Мақоладаги далилларнинг ҳаққонийлигига муаллифлар шахсан масъул ҳисобланади.
Тақдим қилинган мақолалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

**Таҳририят манзили:**

100011, Тошкент ш., Хадра массиви, 33А. Тел.: (+998 71) 244-01-77. **E-mail:** jurnal@ifmr.uz

Тарқатиш бўлими телефони: (+998 71) 244-01-77

# Мундарижа / Содержание / Contents

**Макроиқтисодиёт ва прогнозлаштириш /**
**Макроэкономика и прогнозирование /**
**Macroeconomics and forecasting**

4 *Ботир АБДУЛЛАЕВ, Турсун АХМЕДОВ.* **Ижтимоий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасини баҳолаш (Жиззах вилояти мисолида)**

11 *Сергей ЧЕПЕЛЬ, Нурбек ОМОНОВ.* **Оценка последствий роста транспортных тарифов для потребительской инфляции в Узбекистане**

20 *Maqsud RUSTAMOV.* **Kichik biznes sub'ektlariga berilgan kreditlarning ARDL modeli orqali makroiqtisodiy ko'rsatkichlarga ta'sirining ekonometrik tahlili**

25 *Nurbek OMONOV, Behzod MADJIDOV.* **Institutsional tuzilmalar faoliyati samaradorligining soliq tushumlariga ta'siri: O'zbekiston misolida empirik tadqiqot**

**Саноат, аграр ва ҳудудий иқтисодиёт /**
**Промышленность, сельское хозяйство и региональная экономика /**
**Industry, agriculturel and regional economy**

30 *Галия ФЕДЯШЕВА, Рустамжон ЖУМАМАТОВ.* **Структурные изменения в производстве продукции свободных экономических зон Узбекистана: влияние внутренних факторов и кризиса пандемии**

40 *Мэлс РАШИДОВ.* **Минтақаларда эркин иқтисодий зоналарни жойлаштиришнинг ривожланган мамлакатлар тажрибаси таҳлили**

49 *Дарья ИЛЬИНА.* **Состояние продовольственной безопасности в Узбекистане и возможные риски на перспективу**

60 *Азизбек МАТЧАНОВ.* **Ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга оид дастурларни ишлаб чиқишнинг ягона тартибини амалиётга жорий этиш**

67 *Жаъсур УМИРЗОҚОВ.* **Махсус иқтисодий зоналар сифатида оффшор ҳудудларнинг глобал инвестициялар ва халқаро иқтисодий хавфсизликка таъсири**

78 *Ҳулкар ТУРОБОВА, Зумрад ҚАЙИМОВА.* **Ўзбекистонда биоиқтисодиётни ривожлантириш омиллари**

**Хизмат кўрсатиш, логистика ва инфратузилма /**
**Сервис, логистика и инфраструктура /**
**Service, logistics and infrastructure**

85 *Тоҳир ҲАСАНОВ.* **Уй-жой фондини бошқаришнинг хорижий тажрибалари ва улардан Ўзбекистонда фойдаланиш масалалари**

91 *Абдусатторжон АБДУМУМИНОВ.* **Развитие «зеленого» автотранспорта: возможности и вклад в снижении выбросов $CO_2$**

**Инвестиция, рақамли ва инновацион технологиялар /**
**Инвестиции, цифровые и инновационные технологии /**
**Investment, Digital and Innovative Technologies**

98 *Мухтор СУННАТОВ.* **Интеллектуал мулк объектларини тижоратлаштиришда Краудфандинг институтининг имкониятлари**

106 *Одилжон НАЗАРОВ.* **Роль информационных и коммуникационных технологий в экономическом росте на примере стран Центральной Азии и крупных торговых партнеров**

114 *Зафар АХМЕДОВ.* **Интернет савдо (электрон тижорат) соҳасини солиққа тортиш ва уни такомиллаштириш масалалари**

**Ижтимоий масалалар, фан, таълим ва камбағалликни қисқартириш /**
**Социальные вопросы, наука, образование и сокращение бедности /**
**Science, education poverty reduction, and Social issues**

120 *Рустам ХАСАНОВ, Равшанбек ЮСУПОВ.* **Аҳоли ҳаёт сифати мамлакат ижтимоий хавфсизлигининг меъёри сифатида**

129 *Abdimalik IBRAGIMOV, Ikrom MURADOV.* **Xorij tajribalari asosida O‘zbekistonda pedagog kadrlar tayyorlashni takomillashtirish masalalari**

136 *Шаҳзод ҲАМДАМОВ.* **Камбағалликни қисқартиришда маҳаллаларда аёллар бандлигини таъминлашнинг янги механизмларини шакллантириш**

142 *Муҳаббат АХМЕДОВА.* **Ёшларнинг меҳнат бозорида иштирок этишига таъсир этувчи омилларни аниқлаш (Жиззах вилояти мисолида)**

149 *Дилафруз ҚУРБОНОВА.* **Ходимларни рағбатлантиришнинг илғор хорижий мамлакатлар тажрибаси**

**Макроиқтисодиёт ва прогнозлаштириш / Макроэкономика и прогнозирование / Macroeconomics and forecasting**

**УЎК: 338.22.01**

**Ботир АБДУЛЛАЕВ,**
*Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти гуруҳ раҳбари,*
**E-mail: abs1965@mail.ru**
**Турсун АХМЕДОВ,**
*иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти директор ўринбосари*

# Ижтимоий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасини баҳолаш
## (Жиззах вилояти мисолида)

**Кириш.** Жойларда, жумладан туманлар ва маҳаллалар кесимида аҳоли фаровонлигини ўрганишда, расмий статистик маълумотлар йўқлигини эътиборга олган ҳолда ижтимоий тадқиқотлар (сўровнома) усулидан фойдаланиш жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб энг самарали ҳисобланади.

Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти томонидан Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан келишилган ҳолда аҳоли турмуш фаровонлиги ва камбағаллик даражасини аниқлашга қаратилган сўровнома Жиззах вилоятида ўтказилди. Ушбу ижтимоий тадқиқот алоҳида танлаб олинган вилоятнинг барча шаҳар ва туманлари қамраб олинганлиги билан ажралиб туради. Олинган натижалар вилоятнинг барча туманларида, шу жумладан маҳаллаларидаги аҳоли фаровонлигини қиёсий баҳолаш, мавжуд туманлараро ижтимоий фарқлар ва табақалашувнинг шаклланиши, унинг асосий сабабларини аниқлаш имконини беради. Шунингдек, ушбу тадқиқот туманлар ва маҳаллаларнинг ижтимоий хавф-хатарлик рейтингини аниқлаш орқали энг қолоқ туманларни ва маҳаллаларни, муаммоли ижтимоий соҳаларни аниқлаш орқали мақсадли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш имконини беради.

**Тадқиқот методологияси.** Ижтимоий тадқиқот махсус тайёрланган сўровнома асосида амалга оширилган. Сўров ўтказиладиган уй хўжаликларини саралаш ҳар бир туман (шаҳар) бўйича маълумотларнинг намунавийлигини (репрезентативность) таъминлаш мақсадида маълум мезонларга мос равишда танлаб олинган.

Ҳисоб-китобларга ва танланма қонуниятларига таянган ҳолда, туман даражасида 100 тагача уй хўжалигини ўрганиш 0,95 ишончлилик эҳтимолида нисбий хатоликлар 15,0% дан юқори бўлмаслигини таъминлайди. Бундай хатолик даражаси ижтимоий тадқиқотлар ўтказадиган халқаро ташкилотларнинг[1] хулосасига кўра туман миқёсида қабул қилиш мумкин деб эътироф этилган. Ҳар бир туман ва шаҳарга тўғри келадиган танланманинг энг кам миқдори 50- 100 та уй хўжаликларидан иборат.

Аҳоли сўровномаси учун – вилоятнинг ҳар бир туман ва шаҳарда келтирилган ҳисоблар (ҳудуддаги аҳоли ва маҳаллалар сони ҳамда туманнинг иқтисодий кўрсаткичларини инобатга олган ҳолда) асосида 3-7 та маҳаллалар танлаб олинган. Бунда маҳаллаларнинг туман марказигача масофаси, аҳоли сони, унинг турли ижтимоий гуруҳлари эътиборга олинган. Аниқланган маҳаллаларнинг ҳар биридан 10 та уй хўжалиги танлаб олинган.

1. Турмуш даражаси тадқиқотларини режалаштириш ва амалга ошириш йўриқномаси. – ТДИТ. № 126 R иш хужжати. Жаҳон банки. 1999й.

Тадқиқот натижалари бевосита ҳозирда маҳаллаларда таъсис этилган ҳоким ёрдамчилари, маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги учун қўлланма ва амалиётда қўллашга қаратилган.

Мазкур тадқиқот аҳолининг ижтимоий хизматлардан қониқиш даражасига таъсир кўрсатадиган 21 та муҳим индикаторлар (кўрсаткичлар) тизимини қамраб олган. Ушбу индикаторлар - мактабгача таълим муассасалари хизмати, ичимлик суви, электр энергияси ва табиий газ таъминоти, ёқилғи ва бошқа коммунал хизматлар (иссиқ сув ва канализация шаҳар ҳудуди учун), таълим ва соғлиқни сақлаш, транспорт инфратузилмаси, уй хўжаликлари аъзоларининг бандлиги, банк ва молиявий хизматлар, уй-жой шароитлари, жойлардаги секторларнинг аҳоли билан ишлаш сифати, касбга ўқитиш ва қайта тайёрлаш хизматлари, экологик вазият шунингдек, уй хўжалиги аъзоларининг (ишсиз аҳолининг) бандлик имкониятлари, режалари ва даромадлари ҳамда фаровонлик даражаси бўйича сифат ўзгаришларини баҳолашдан иборат.

Сўровнома Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги кўмагида 2021 йилнинг 6 - 10 декабрида Жиззах вилоятининг барча ҳудудларида, (Жиззах шаҳри ва 12 та туманда) жумладан, танлаб олинган 671 бирликни ташкил этди, улардан 61 та маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва 610 та уй хўжаликлари аъзолари билан бевосита уйма-уй кирган ҳолда сўров ўтказилган.

**Асосий қисм.** Уй хўжаликлари аъзоларининг ижтимоий-демографик портрети. Вилоят бўйича сўровномада жами 3087 нафар аҳоли қамраб олинган. Иштирок этганларнинг ёши бўйича тақсимланишига кўра 15 ёшгача бўлганлар 32,1%, 16-29 ёшгача бўлганлар 25,6%, 30 ёш ва ундан катта ёшдагилар 42,3%ни ташкил этади. Уй хўжаликларининг оилавий аҳволи бўйича таркиби ҳам ўзига хос хусусиятга эга. Уларнинг асосий қисми оилали (69,7%). Оила қурмаганларнинг улуши 22,1% ни ташкил этган. Уйланганлар 71,3% ва турмуш қурган аёллар 68,1%. Ажрашган ва бева аёлларнинг улуши нисбатан юқори (14,7%) эканлигини кўриш мумкин. Бу кўрсаткич ёш жиҳатидан кўриладиган бўлса 30 ёш ва ундан катталарнинг улуши ёшларга нисбатан юқори (12,1%) эканлиги кузатилган.

Уй хўжаликларида таълим олганлик даражаси билан бандлик муаммоси ўртасидаги маълум даражада боғлиқлик борлигини кўриш мумкин. Оилаларда маълумотлиларнинг кўпи ўрта махсус касб-ҳунар таълим муассасаларига тўғри келади (42,3%). Тўлиқ ўрта маълумотлиларнинг улуши 35,0%, олий маълумотлиларнинг улуши эса нисбатан кам (14,6%). Улар орасида тугалланмаган ўрта маълумотлилар (8-9 синфлар 8,1%) ҳам йўқ эмас.

Маҳаллалар аҳолисининг жами бандлик ҳолатини шу жумладан, ёш гуруҳлари бўйича таҳлил қилинганда қуйидагилар аниқланган. Ишлайдиганлар 33,0%, ишсизлар 10,9%, уй бекалари 11,5%, пенсионерлар 11,8%, 3 ёшгача бола парвариши билан бандлар 5,2% ни ташкил этган.

Асосий банд бўлган тармоқларидан қишлоқ хўжалигида 23,1%, қурилишда 15,7%, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳасида 9,7%, саноатда эса 9,4% банд эканлиги кузатилган.

Умуман вилоят ва унинг туманларидаги уй хўжаликлари аҳолининг 58,0% га яқини 0-30 ёшлиларни ташкил этиши, 70,0% оилали эканлиги, олий маълумотлилар улуши (14,6%), умумий ўрта маълумотлар (8-9 синфни битирганлар) 8,1% бўлиши таълим салоҳияти талаб даражасида эмаслигини, ишсизлар (10,9%) ва уй хўжалигида бандлар улуши (16,7%), пенсионерлар (11,8%) нисбатан юқори эканлигини кўрсатмоқда.

Ижтимоий соҳадаги чора-тадбирларнинг натижадорлиги. Тадқиқот натижаларига кўра, Жиззах вилоятида сўнгги 2021 йил давомида кўрсатилаётган хизматларнинг аҳоли эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда натижадорлиги аниқланган. Таҳлилларнинг кўрсатишича асосий ижобий ўзгаришлар қуйидаги хизматлар турида рўй берганлигини кўриш мумкин.

Вилоят маҳаллаларида охирги 2 йилда электр энергия соҳасидаги силжишлар борасида 74,9% аҳоли ижобий жавоб берган, жумладан Зомин, Зарбдор, Мирзачўл, Арнасой туманлари ва Жиззах шаҳри маҳаллалар аҳолиси электр таъминотидан қониқишларини билдиришган. Мактабгача таълим муассасалари хизматларининг яхшилангани (46,7%) кўрсатилган. Жумладан Зафаробод (86,7%), Ғаллаорол (71,7%), Дўстлик (75,0%) туманлари ва Жиззах шаҳри (75,0%) аҳолиси томонидан мазкур хизматлар яхшиланганлиги кузатилган. Шунингдек аҳоли томонидан - турар жой билан таъминланишда (62,6%), тиббиёт хизматлари (62,0%), алоқа ва ахборот хизматлари (63,0%) ижобий томонга ўзгарганлиги қайд этилган (1-расм).




**1-расм. Вилоятда аҳолига кўрсатилаётган хизматларнинг яхшиланганлик ҳолати, %**

**Манба:** *сўровнома натижалари асосида муаллиф ишланмаси.*

Шуни таъкидлаш жоизки, маҳаллаларда аҳоли билан бевосита мулоқот натижалари ҳақиқатдан ҳам мавжуд тизимли муаммоларни ҳал қилишда ижобий ютуқларга эришилганлигини кўрсатмоқда.

Маълум ижобий натижалар билан бир қаторда 2021 йилда айрим хизматлар соҳасида ўзгаришлар деярли бўлмаганлигини ҳам сўровнома натижалари кўрсатмоқда. Масалан, вазият ўзгаришсиз қолганлигини ва ҳолат ёмонлашганлигини аҳоли бандлигини таъминлашда (65,2%) кўриш мумкин. Ушбу кўрсаткич Ш.Рашидов, Бахмал, Фориш ва Янгиобод туманларида ўзгаришсиз қолгани ва юқори




**2-расм. Кўрсатилаётган хизматларнинг ўзгаришсиз ва ёмонлашганлик ҳолати, %**

**Манба:** *сўровнома натижалари асосида муаллиф ишланмаси.*

эканлиги таъкидланган. Шунингдек, транспорт инфратузилмаси ҳолати (50,3%), дори воситалари ҳамда ёқилғи таъминоти (49,0%) хизматлари бўйича жавоблардан аҳолининг қониқмаслиги юқори эканлигини кўриш мумкин. Айниқса, қишлоқ жойларида тизимли муаммоларда реал ўзгаришлар нисбатан кам бўлган.

Аҳолининг ижтимоий соҳадаги ўзгаришларга берган субъектив баҳоларини чуқурроқ ўрганиш ва туманлар (маҳаллалар) ривожланишининг устувор йўналишларини шакллантиришни эътиборга олиш мақсадга мувофиқ.

**Ижтимоий хатарлилик рейтинги.** Сўровнома давомида олинган маълумотлар базаси ва аҳолини ижтимоий хизматлардан қониқмаслик даражасига кўра хатарлилик рейтинги аниқланган.

**Олинган натижаларга кўра рейтингда эгалланган ўринлар қуйидагича:** биринчи ўрин - аҳолини иш билан таъминлаш (қониқмаслик даражаси 39,0%), иккинчи - транспорт инфратузилмаси хизматлари (26,2%), учинчи - дори воситалари билан таъминланганлик (24,8%), тўртинчи - маиший хизмат кўрсатиш хизматлари – 23,6% ва бешинчи - экологик вазият – (16,4%) .

Қуйида аҳолининг хизматлардан қониқмаслигининг асосий сабаблари ва хатарлилик даражаси кўрсатилган.

Олинган жавобларга кўра, иш билан таъминлашдаги муаммоларнинг асосий сабаби доимий иш ўринларининг етишмаслигидир (67,6%).

Транспорт инфратузилмасидаги норозиликлар асосан ички йўлларнинг таъмирланмаганлиги билан боғлиқ (81,9%).

Дори воситалари билан таъминлашдаги камчиликларнинг асосий сабаби сифатида ҳудудда дорихона мавжуд эмаслиги (47,0%) билдирилган.

Аҳолининг кўрсатилаётган хизматлардан қониқмаслигининг сабабларини чуқур таҳлил қилган ҳолда, туманларни (маҳаллалар)ни ривожлантиришда қўшимча чора-тадбирлар ва мақсадли дастурларни тайёрлашда эътиборга олиш зарур.

**Интеграл баҳолашга кўра ижтимоий хизматлардан аҳолининг қониқмаслик даражасига кўра туманларни шартли равишда уч гуруҳга бўлиш мумкин:**

1 - гуруҳ ижтимоий хизматлардан қониқмасликнинг юқори даражаси – Зомин, Бахмал, Арнасой ва Ш.Рашидов туманлари;

2 - гуруҳ ижтимоий хизматлардан қониқмаслик-

нинг ўрта даражаси – Зарбдор, Мирзачўл, Пахтакор туманлари ва Жиззах шаҳри;

3 - гуруҳ ижтимоий хизматлардан қониқмасликнинг нисбатан паст даражали – Зафаробод, Янгиобод, Дўстлик, Фориш ва Ғаллаорол туманлари.

**Сўровнома натижаларига кўра алоҳида хизмат турлари бўйича энг юқори қониқарсизлик даражаси қуйидаги туман маҳаллаларида кузатилган:**

– иш билан таъминланганлик (бандлик): Ш.Рашидов (78,3%), Бахмал (68,3%), Зомин (64,0%) туманлари;

– автотранспорт билан боғлиқ хизматлардан қониқмаслик (ички йўллар таъмир талаб): Ш.Рашидов (60,0%), Бахмал (50,0%), Арнасой (47,5%) туманлари;

– маиший хизмат кўрсатиш соҳасидан қониқмаслик: Ш.Рашидов (51,7%), Арнасой (50,0%), Бахмал (43,3%) туманлари;

– экологик вазият: Фориш (46,0%), Янгиобод (40,0%) туманлари;

– ёқилғи (кўмир, брикет, ўтин) билан таъминланишдан қониқмаслик Арнасой (42,5%), Мирзачўл (32,5%), Зомин (32,0%) туманлари.

Бундан ташқари маҳаллалар кесимида таҳлил қилинганда алоҳида хизмат турлари бўйича энг юқори қониқмаслик даражаси бир қанча маҳаллаларда кузатилган. Жумладан, иш билан таъминланганлик (бандлик): Бахмал туманининг – Мустақиллик (70%), Ўсмат (80%), Дўстлик (80%) ва Тонготар (60%) маҳаллалари. Ш.Рашидов туманининг – Гандумтош (70%), Қангли (90%) ва Файзобод (60%) маҳаллалари.

Юқоридаги таҳлилдан келиб чиққан ҳолда, вилоят туманлари ва маҳаллалари бўйича 2022 йилда ишлаб чиқиладиган ва амалга ошириладиган дастурлар йўл хариталарида аҳолининг хавфсизлик рейтингидан келиб чиқиб қўшимча чора – тадбирлар ишлаб чиқиш лозим.

**Аҳоли фаровонлигини субъектив баҳолаш.** Ўтказилган ижтимоий тадқиқотнинг асосий натижалари сифатида аҳоли фаровонлик даражасини субъектив баҳолашни кўрсатиш мумкин. Маҳалла раислари ва уй хўжалиги аъзоларидан олинган субъектив маълумотларга кўра Жиззах вилояти бўйича ўрганилган маҳаллаларда кам таъминланганлик даражаси 14,0% ни ташкил этган (расмий статистик маълумотларга кўра 2020 йилда вилоятда камбағаллик даражаси 13,0% бўлган). Аҳолининг асосий қисмининг (73,0%) яшаш шароити ўртача эканлиги таъкидланган. Кам таъминланган аҳолининг нисбатан юқори даражаси Зарбдор (24%), Янгиобод (22,2%) ва Фориш (21,0%) туманлари маҳаллаларида кузатилган.

**Камбағал оилалар ижтимоий ҳимоясининг самарадорлиги.** Жиззах вилояти аҳолисининг турли ижтимоий гуруҳлари бўйича яъни, фаровонлик даражасига кўра (юқори, ўрта ва кам таъминланган оилалар) асосий хизмат турларидан қониқмаслик даражасини ўрганилганда, ҳақиқатдан ҳам, кам таъминланган оилаларнинг ушбу хизматлардан қониқмаслик даражаси юқори ҳамда ўрта таъминланган оилаларга нисбатан нисбий баҳоланганда бир мунча юқори эканлиги кузатилган. Масалан: иш билан бандлик муаммоси юқори ва ўрта ҳол оилаларда ўртача қониқмаслик кўрсаткичи 28,4% бўлганда, кам таъминланган оилаларда эса ушбу қониқмаслик даражаси 59,0% ни ташкил этган. Шунингдек дори воситалари билан таъминланганлик мос равишда 20,7% - 35,9%, тиббиёт хизматларидан қониқмаслик 11,4% - 26,9%, турар жой билан таъминланганлик 4,4% - 19,2%ни ташкил этган. Юқоридаги рақамлардан кўриниб турибдики, аҳолининг ижтимоий гуруҳларининг хизматлардан қониқмаслик даражаси ўрта ва юқори таъминланган оилаларга нисбатан кам таъминланган оилаларда хизмат турларига кўра тафовут 1,5 баравардан 3,5 бараваргача юқори эканлиги кузатилган.




**3-расм. Ижтимоий нафақаларнинг самарадорлиги, %**
**Манба:** *сўровнома натижалари асосида муаллиф ишланмаси.*

Сўровнома натижасига кўра уй хўжалигининг аъзолари сўнгги 2 йил давомида нафақа ёки моддий ёрдам олиш учун маҳаллага расман 44,8% мурожаат қилганлиги ва натижада уларнинг 74,0% и, яъни

деярли тўртдан уч қисми нафақа ёки моддий ёрдам олганлиги маълум бўлди.

Аҳолидан ижтимоий нафақаларнинг самарадорлик натижаси сўралганда 49,0% асосан болаларга сарфланадиган харажатларда фойдаланганлигини, 33,7% бевосита харажатларни қоплашда фойдаланилгани ва 19,3% дори дармонлар учун сарфланганлигини билдиришган. Бироқ, ушбу нафақалар болалар учун бевосита харажатларни қоплашда сарфланганлиги нисбатан камлигини (31,5%) кўриш мумкин (3 - расм).

Оиланинг мухтожлик ҳолатидан чиқиб кетиши оиланинг ўзига қанчалик боғлиқ эканлиги сўралганда респондентлардан қуйидаги жавоблар олинди. Оиланинг фақат ўзига боғлиқлигини 40,3%, маълум даражада оиланинг ўзига боғлиқлигини 43,6% ва мухтожлик ҳолатидан чиқиш оилага боғлиқ эмаслигини 5,6% иштирокчилар билдирганлар. Шунингдек, 10,3% иштирокчилар “давлат бизга ғамхўрлик қилиши керак” деган боқимандалик фикрларини ҳам билдирганлар (4-расм).




**4-расм. Оиланинг мухтожлик ҳолатидан чиқиб кетиши оиланинг ўзига қанчалик боғлиқ эканлиги**
**Манба:** *сўровнома натижалари асосида муаллиф ишланмаси.*

Мухтожлик ҳолатидан чиқиб кетиш учун асосий чора-тадбирлар қаторига қорамол боқиш – 25,8%, паррандачилик билан шуғулланиш – 19,6%, деҳқончилик 18,1%, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш учун иссиқхона ташкил қилиш 9,6% ва тадбиркорлик фаолиятини юритиш 13,0% кераклиги таъкидланган.

Бундан ташқари, коммунал хизматлар ҳақини тўлашда ҳамда паррандачиликни ташкил этиш учун бепул жўжалар олиб беришда кўмак кўрсатилганлиги таъкидланган (5 - расм).




**5-расм. Оилаларга кўрсатилаётган ёрдам турлари, %**
**Манба:** *сўровнома натижалари асосида муаллиф ишланмаси.*

Юқоридаги келтирилган маълумотлар таҳлили, маҳаллалар кесимида аҳолини мақсадли ижтимоий ҳимоя қилишда маълум номутаносибликлар борлигини кўрсатмоқда.

Булар эҳтиёж ва таклиф, ягона реестр ва темир дафтар рўйхати ўртасидаги фарқланиш, камбағал оилаларга маҳалла, маҳаллий ҳокимият, қариндош-уруғлар ва тадбиркорлар томонидан кўрсатилаётган ижтимоий ёрдамнинг тўлиқ ҳисобга олинмаслиги ва бошқалар.

**Хулоса ва таклифлар.** Сўровномадан олинган маълумотларнинг таҳлили бўйича қуйидаги хулосаларни келтириш мумкин:

- ижтимоий соҳани ривожлантириш ва аҳоли эҳтиёжларини қондириш бўйича охирги йилдаги эришилган ижобий натижалар (мактабгача ва ўрта таълим, турар жой, электр энергия ва бошқалар) билан бир қаторда айрим хизматлар соҳасида етарли даражада ўзгаришлар бўлмаганлиги қайд этилган. Улар аҳоли бандлиги, транспорт инфратузилмаси, ичимлик суви, дори воситалари, табиий газ ва ёқилғи билан таъминланганлик даражасидир;
- ижтимоий хавфсизлик рейтинги бўйича аҳолининг қониқмаслик даражасига кўра энг юқори рейтинглар ҳиссасига аҳолининг бандлиги масаласи, транспорт инфратузилмаси хизматлари (ички йўллар), дори воситалари билан таъминланганлик, маиший хизмат кўрсатиш соҳалари тўғри келмоқда. Ушбу йўналишдаги муаммоларнинг асосий сабаблари доимий иш ўринларининг етишмаслиги, ички йўлларнинг таъмир талаблиги, узоқ қишлоқ ҳудудларида дорихона ҳамда маиший хизмат кўрсатиш объектларининг мавжуд эмаслиги билан боғлиқ;

- жойларда аҳоли эҳтиёжларини қондиришда шаҳар ва қишлоқ, туманлар, маҳаллалар ўртасидаги тафовут юқорилигича қолмоқда. Айниқса аҳолини тоза ичимлик суви, ёқилғи, мактабгача тарбия, маиший ва алоқа хизматлари, электр энергияси билан таъминлашда норозилик даражасидаги тафовут бир неча мартагача етади. Туманлараро камбағаллик даражасидаги тафовут 2,6 марта, маҳаллалар ўртасида эса 10 мартадан юқори;

- жойлардаги вазиятни ўрганиш чоғида камбағал оилаларнинг маълум даражада сони ошиб бораётганлиги, бой ва камбағаллар ўртасидаги тафовутнинг кучаяётганлиги кузатилган. Туманлар ва маҳаллалардаги ушбу жараёнлар ўз навбатида аҳоли норозилигининг шаклланиши маълум хатарликлар учун омил бўлиб қолмоқда.

**Тадқиқот натижалари асосида маҳаллалардаги мавжуд муаммоларни эътиборга олган ҳолда қуйидаги асосий чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:**

- вилоят туманлари ва маҳаллаларидаги ижтимоий-иқтисодий вазият уларнинг ҳар бирида ўзига хос омиллар асосида шаклланган. Ижтимоий хавф хатарлик ва камбағаллик даражаси нафақат айрим ҳудудлар (туманлар, маҳаллалар) кесимида эмас, балки алоҳида уй хўжаликлари (оилалар)да турли хил ижтимоий – демографик, ижтимоий – психологик жиҳатлари билан ажралиб туради. Шу сабабли ишлаб чиқиладиган чора–тадбирлар тизими, йўл хариталари, дастурлар аниқ ажратилган ижтимоий гуруҳлар кесимини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ. Жумладан ижтимоий хатарлилик рейтинги асосида, камбағаллик даражасини эътиборга олган ҳолда туманлар ва маҳаллалар кесимида ижтимоий хавф хатарлилик эҳтимолини камайтириш ва камбағалликни қисқартириш бўйича махсус дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мақсадга мувофиқ;

- жойларда аҳоли, маҳалла ташаббускорлари томонидан берилган таклиф ва муаммоларни умумлаштирган ҳолда аниқ лойиҳаларни амалга ошириш масаласи туманларни ва маҳаллаларни 2022 йил ва кейинги йилларга мўлжалланган йўл хариталарида (масалан “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари) эътиборга олиниши лозим.

**Улар қуйидагилардан иборат:**

- янги иш жойлари, тадбиркорлик билан шуғулланиш ва ўқув курсларини ташкил этишда ишсизлар орасида меҳнат қилишга бўлган эҳтиёжни ва ташаббускорликни уйғотиш, боқимандалик қарашларни кескин камайтириш, аҳоли эҳтиёжлари ва истаклари, мавжуд имкониятларини реал баҳолаш, хонадонбай ишлаш тизимининг самарадорлигини ошириш керак;

- маҳаллаларда таълим ва ўқув курсларини ташкил этишда фақат доимий энг оддий мутахассисликлар (сартарошлик, ошпазлик ва бошқалар) билан бир қаторда инновацион-информацион технологияларга асосланган касб – ҳунарларни ўқитишга, ёшларда рақамли, техник-инженерлик мутахассисликларга бўлган ҳавас ва эҳтиёжни кучайтириш лозим;

- аниқ таклиф қилинаётган таклифлар орасида томорқанинг юқори салоҳиятидан унумли фойдаланиш мақсадида суғориладиган сувга бўлган эҳтиёжни қондириш, туманлараро ва маҳаллалараро ирригация тизимини тубдан яхшилаш, дренаж, коллектор, каналлар ва лотокларни қайта таъмирлаш ҳамда янгиларини қуришга алоҳида эътибор қаратиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш таъкидланган;

- туманлар ва маҳаллаларда ижтимоий ва транспорт инфратузилмалари объектларини жойлаштиришнинг ягона схемасини ишлаб чиққан ҳолда, аҳоли эҳтиёжларидан келиб чиқиб, болалар боғчалари, дорихоналар, соғлиқни сақлаш, умумтаълим мактаблари, физкультура, спорт ва маданият объектларини, йўлларни реконструкция қилиш ва янгиларини қуришни аниқ режалаштириш, уларни молиялаштириш манбаларини аниқлаш лозим;

- энг устувор вазифалар қаторига аҳолини доимий равишда электр энергияси, ёқилғи, ичимлик суви билан таъминлашни келажакда эмас, балки яқин муддатларда (2 - 3 ойда) вақтинчалик чора – тадбирлар ҳисобидан бўлса ҳам амалга ошириш мақсадга мувофиқ;

- яқин келажакда туманлар ва маҳаллаларда аҳолининг бандлигини таъминлаш, уларнинг эҳтиёжларини қондиришда бевосита жойларда хизмат турларини ташкил қилиш, ўзига хос “драйвер” вазифасини бажарилиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

- таклиф этилган чора-тадбирлар асосида туманлар ва маҳаллалар кесимига хос инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ташкилий ва иқтисодий механизмларни ишлаб чиқиш. Маҳаллий инвестицион лойиҳаларнинг информацион платформасини ташкил этиш ва уларни амалга ошириш учун тадбиркорларни таклиф қилишни қўллаб-қувватлаш тизимини яратиш лозим.

***Манба ва адабиётлар***

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги "2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги ПФ-60-сон фармони.
2. Турмуш даражаси тадқиқотларини режалаштириш ва амалга ошириш йўриқномаси. ТДИТ. №126 R иш ҳужжати. Жаҳон банки. 1999й.
3. Жиззах вилояти туманларининг уй хўжаликларида ўтказилган социологик сўров натижалари. 2021 йил.

## Ижтимоий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасини баҳолаш

(Жиззах вилояти мисолида)

**Ботир Абдуллаев,**
*Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти гуруҳ раҳбари,*
**Турсун Ахмедов,**
*иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти директор ўринбосари*

**Аннотация:** *Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида халқпарвар давлатни барпо этиш, инсон қадр-қиймати ва унинг қонуний манфаатларини таъминлаш ётади.*

*Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг асосий натижаси бу аҳолини рози қилиш, унинг эҳтиёжлари ва талабларини қондиришдан иборат. Шу сабабли бевосита аҳоли истиқомат қилаётган маҳаллалардаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг доимий мониторингини олиб бориш, мавжуд тизимли муаммолар ва ижтимоий хавф-хатарларни олдиндан аниқлаш, бевосита жойлардаги жамоатчилик таклиф ва тавсияларини эътиборга олиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.*

**Калит сўзлар:** *маҳалла, уй хўжаликлари, тадқиқот, рейтинг, аҳоли фаровонлиги, ижтимоий хавф-хатарлилик, камбағаллик, қониқмаслик даражаси, ижтимоий соҳа.*

## Оценка результатов проводимых реформ в социальной сфере

(на примере Джизакской области)

**Абдуллаев Ботир Суннатович,**
*руководитель группы Института прогнозирования и макроэкономических исследований,*
**Турсун Ахмедов,**
*доктор экономических наук, профессор, заместитель директора Института прогнозирования и макроэкономических исследований*

**Аннотация:** *в основе новой стратегии развития Узбекистана лежит построение народного государства, обеспечение человеческого достоинства и его законных интересов.*

*Главным результатом проводимых в нашей стране реформ является удовлетворение населения и удовлетворение его нужд и потребностей. Поэтому одним из наиболее актуальных вопросов на сегодняшний день является постоянный мониторинг социально-экономических изменений в сообществах, где проживает население, выявление существующих системных проблем и социальных рисков, учет предложений и рекомендаций местного сообщества.*

**Ключевые слова:** *маҳалла, домохозяйства, исследование, рейтинг, благополучие населения, социальный риск, бедность, уровень неудовлетворенности, социальная сфера.*

## Evaluation of the results of ongoing reforms in the social sphere

(on the example of Jizzakh region)

**Botir Abdullaev,**
*Head of the Group of Institute of forecasting and macroeconomic research,*
**Tursun Akhmedov,**
*Doctor of Economics Sciences, Professor, deputy director of the Institute of forecasting and macroeconomic research*

**Abstract:** *the new development strategy of Uzbekistan is based on building a people's state, ensuring human dignity and its legitimate interests.*

*The main result of the reforms being carried out in our country is to satisfy the population, to meet its needs and requirements. Therefore, one of the most pressing issues today is to constantly monitor the socio-economic changes in the communities where the population lives, to identify existing systemic problems and social risks, to take into account the suggestions and recommendations of the local community.*

**Keywords:** *mahalla, households, research, rating, well-being of the population, social risk, poverty, level of dissatisfaction, social sphere.*

УЎК: 338.47

**Сергей ЧЕПЕЛЬ,**
*доктор экономических наук,*
*главный научный сотрудник Института прогнозирования и макроэкономических исследований,*
**E-mail: swchep@mail.ru,**
**Нурбек ОМОНОВ,**
*старший научный сотрудник Института прогнозирования и макроэкономических исследований,*
**E-mail: N.Omonov@ifmr.uz**

# Оценка последствий роста транспортных тарифов для потребительской инфляции в Узбекистане

Обобщение существующих в мире публикаций по проблеме ускорения глобальной инфляции свидетельствует о том, что одной из основных причин роста мировых цен стало увеличение транспортных издержек, обусловленное разрывом сложившихся логистических цепочек вследствие введения ковидных ограничений. Например, согласно оценкам Конференции Организации Объединенных Наций по торговле и развитию[1] рост фрахтовых ставок из-за Covid 19 приведёт к росту мировых потребительских цен еще на 1,5 процента, если они останутся высокими в этом году. Основное внимание в данном исследовании уделяется анализу влияния транспортных расходов, особенно общественного транспорта, на другие виды товаров и услуг.

Общественный транспорт обеспечивает людям мобильность и доступ к работе, общественным ресурсам, медицинскому обслуживанию и образованию, особенно тем, у кого нет другого транспорта. Поэтому города по всему миру ищут оптимальную ценовую политику, чтобы привлечь путешественников и изменить выбор людей с личных автомобилей на общественный транспорт.

Несмотря на то, что исследований, посвящённых влиянию транспортных тарифов на инфляцию не так много, можно отметить некоторые из них, подчёркивающие важность тарифного регулирования для реальных доходов и расходов населения. Так в [1] обосновывается важность разумного регулирования цен на потребительские товары и услуги, в т.ч. на коммунальные услуги, общественный транспорт, образование и связь.

Более того, в [2] проведены результаты всестороннего анализа расходов домохозяйств на ряд товаров и услуг, потребляемых домохозяйствами. Они использовали модель множественных дискретных непрерывных вложенных экстремальных значений (MDCNEV), которая сформулирована и оценена на основе комплексного набора данных, собранных из данных Обзора потребительских расходов США за 2002 год, и обнаружили, что в краткосрочном периоде домохозяйства корректируют потребление продуктов питания, покупки транспортных средств, нормы сбережений при увеличении транспортных расходов.

Другое исследование [3] показывает, что двукратное повышение транспортных тарифов снизит спрос на общественный транспорт на 22% в краткосрочной перспективе и на 29% в долгосрочной перспективе. Для анализа псевдопанельных данных авторы использовали 22016 поездок на общественном транспорте, состоящих из поездок на поезде и автобусе в период с 1997 по 2009 год, в качестве двух основных систем общественного транспорта в Большом

1 High shipping costs to push up global inflation, UN warns. Financial Times. Nov 18, 2021. https://www.moneycontrol.com/news/opinion/high-shipping-costs-to-push-up-global-inflation-un-warns-7735711.html

столичном районе Сиднея из базы данных Обзора поездок домохозяйств Сиднея.

Кроме того, некоторыми исследователями была изучена корреляция между доступом к общественному транспорту и ценами на жилье [4, 5] утверждали, что, расходы на жилье (включая арендную плату и коммунальные услуги) и транспортные расходы домохозяйств следует оценивать вместе, поскольку эти расходы составляют большую часть общих расходов домохозяйств.

Как пространственное, так и временное влияние наличия метро на цены на квартиры в Варшаве, единственном городе в Польше с системой скоростного городского транспорта, было проанализировано в [4]. Для анализа данных, основанных на наборе данных из 34274 операций с квартирами с геокодированием за 2008–2015 годы, авторы применили модели OLS, SAR, SEM и SGM, а также использовали подход «Разница в различиях» (Difference-in-Differences) для устранения потенциальной эндогенности. Они обнаружили, что новая линия метро (M2) в Варшаве повлияла на цены на квартиры еще до того, как было завершено её строительство.

Для Узбекистана, на этапе постковидного восстановления, разумное регулирование транспортных тарифов играет исключительно важную роль. С одной стороны, необходимо обеспечить самоокупаемость общественного транспорта, а с другой – не допустить усиления рисков роста инфляции и её негативного влияния на рост реальных доходов населения. Именно поэтому отработка надёжных методов прогноза вклада роста транспортных тарифов в общий рост потребительских цен имеет исключительно важное практическое значение.

**В нашем эконометрическом анализе мы используем многомерные модели линейной регрессии, особенно модели OLS и ARDL**:

$$Y_i = \hat{\beta}_1 + \hat{\beta}_2 X_{1i} + \hat{\beta}_3 X_{2i} \dots + \hat{\beta}_n X_{(n-1)i} + \hat{u}_i$$

$$Y_i = \hat{\beta}_1 + \hat{\beta}_2 Y_{i-1} + \hat{\beta}_3 X_{1i} + \hat{\beta}_4 X_{2i} \dots + \hat{\beta}_n X_{(n-2)i} + \hat{u}_i$$

Где $\hat{u}_i$ ошибки регрессии

Обыкновенная регрессия наименьших квадратов входит в группу наиболее популярных статистических методов в социальных науках [10]. Полное описание метода наименьших квадратов можно найти в вводных книгах по статистике, таких как [7, 9] использовали серию множественных моделей линейной регрессии, включая OLS, для модели спроса на общественный транспорт, чтобы количественно оценить влияние бесплатного общественного транспорта и изменения предложения. Кроме того, [4] использовали модели OLS, SEM и Difference in Difference (DiD) для оценки влияния строительства новой линии метро на цены на транспорт.

**Для проверки надежности коэффициентов, особенно основных объясняющих переменных, сначала был проведен p-тест. После этого проводятся следующие статистические тесты:**

- Чтобы избежать ошибок оценки, вызванных проблемой мультиколлинеарности, мы проводили тест VIF (фактор инфляции дисперсии).

- Тест Бреуша-Пагана применяется для проверки гетероскедастичности [6].

- Наконец, когда $\acute{Y}i$ вводится в той или иной форме в качестве регрессора(ов), это должно увеличить $R^2$. И если увеличение $R^2$ является статистически значимым на основе F-теста, это предполагает, что функция линейной регрессии задана неправильно [8]. Для решения этой проблемы мы использовали тест Ramsey RESET [11].

В соответствии со сложившейся статистической практикой услуги транспорта на потребительском рынке республики представлены тремя позициями: проезд в городском автобусе, проезд в метро, услуги по перевозке (переезду) и хранению. Применительно к потребительскому рынку не принимается во внимание рост тарифов на железнодорожный, авиационный, трубопроводный транспорт[2].

Для оценки влияния городских транспортных тарифов (ГТТ) на инфляцию использованы официальный индекс потребительских цен (ИПЦ) и альтернативный индикатор - социальный индекс потребительских цен (СИПЦ)[3], разработанный и

2 Данные транспортные услуги были выбраны в соответствии с методикой классификации товаров и услуг в потребительской корзине Госкомстата.

3 СИПЦ разработан в ИПМИ и формируется на основе потребительской корзины ИПЦ путем исключения из неё товаров и услуги, не являющихся предметами первой необходимости (ювелирные изделия, продукты питания высшего сорта, автомобили, вино-водочные изделия и т.д.) и пересчета весовых коэффициентов по узкой потребительской корзине. Расчеты показывают, что этот альтернативный индекс инфляции точнее отражает рост цен для основной массы населения республики (не относящейся к высокодоходной категории) и превышает официальную годовую оценку потребительской инфляции на 3,5-4 п.п.

используемый в ИПМИ. Их динамика, сложившаяся в последние года (рис.1), свидетельствует о том, что в последние годы в республике проводилась политика, направленная на сдерживание роста цен на транспортные услуги для населения и бизнеса. Начиная со второй половины 2019 года рост цен на эти услуги отставал не только от социального ИПЦ, но и от официальной оценки потребительской инфляции. Во второй половине 2021 года это отставание достигло 8,4 п.п. для ИПЦ.



**Рис.1. Динамика индикаторов накопленной инфляции и городских транспортных тарифов (декабрь 2018 г. =100%)**

**Источник:** *расчеты ИМПИ на основе данных ГКС.*

Влияние роста транспортных тарифов на динамику потребительских цен (инфляцию) имеет как прямой, так и косвенный эффекты Прямой эффект влияния транспортных тарифов на инфляцию определяется удельным весом отрасли в потребительской корзине и ростом тарифов на услуги городского транспорта. Так, как доля (вес) этой позиции в корзине для расчета инфляции не велика (в корзине для ИПЦ на 2021 г. 0,0081, в узкой корзине для СИПЦ 0,0188), то и прямой эффект от роста ГТТ, к примеру, на 10%, будет незначительной: 0,081 п.п. прироста ИПЦ и 0,188 п.п. прироста СИПЦ.

Однако эконометрические исследования ИМПИ показали, что рост цен на транспортные услуги является фактором роста цен по ряду других товарных позиций корзины товаров и услуг ИПЦ, отражая косвенные эффекты этого ценового шока для потребительской инфляции. Выполненный в ИПМИ анализ выявил цепочки устойчивых взаимосвязей между товарными группами потребительского рынка республики активизация которых способна существенно усилить ценовой всплеск для отдельных товарных позиций. Применительно к транспорту, такие взаимосвязи сложились с товарными группами «Мука и хлебобулочные изделия» (Bakery), «Мясо и мясопродукты» (Meat), «Сахар» (Sugar). Рост ГТТ на 10% приводил в среднем в отчетном периоде к дополнительному росту цен по этим товарным группам при прочих равных условиях на 8,0 п.п., 4,5 п.п, 4,1 п.п. (см. схему в приложении).

Это может быть обусловлено как технологическими взаимосвязями (ростом издержек, связанных с ростом тарифом на доставку товаров), так и психологическими факторами (инфляционные ожидания), т.к. услугами общественного транспорта пользуется большая часть населения и рост ГТТ служит сигналом бизнесу о необходимости повышать цены на свою продукцию в ответ на ожидаемый рост издержек производства.

В свою очередь, рост цен на муку и х/б изделия, с определенным временным лагом инициирует рост цен на яйца (коэффициент эластичности 1,35), мяса – на муку и х/б изделия, яйца, овощи, сахар (0.66, 2.95, 1.61, 0.81 соответственно), формируя 2-ю ценовую волну в рамках накопления косвенного эффекта воздействия начального всплеска ГТТ на потребительскую инфляцию (см приложение 1).

**Последовательные ценовые волны будут формироваться в рамках следующих ценовых цепочек:**

| < ГТТ > → | *<Bakery;Meat; Sugar>* → | *<Bakery; Eggs; Vege; Sugar; Oil >* → | *<Vege; Fruits; Eggs >* → | *<Eggs; Vege>* |
|---|---|---|---|---|
| **Исходный ценовой шок** | **1-я** ценовая волна | **2-я** ценовая волна | **3-я** ценовая волна | **4-я** ценовая волна |

При этом, т.к. отдельные товарные группы могут входить в ценовые цепочки повторно с временными лагами в 1-2 месяца, то рост цен на некоторые из них может превысить исходный ценовой импульс, которым они вызваны. Применительно к ГТТ такими группами стали позиция «Овощи» и «Мука и х/б изделия», рост цен по которым в ответ на 10% увеличение ГТТ может достигнуть 15 п.п. и 11 п.п. соответственно (рис. 2).




**Рис.2. Дополнительный рост цен по отдельным товарным группам (в п.п.) в ответ на 10% рост ГТТ на различных этапах распространения ценовых волн**

**Источник:** *результаты эконометрического анализа.*

Учитывая вес соответствующих товарных групп в корзине социального ИПЦ, прирост этого индикатора инфляции, по завершении первой ценовой волны – 1,68 п.п (против 0,188 п.п на исходной стадии, см. табл. 1 и схему в приложении). По завершению этого последовательного процесса, полный накопленный прирост социального ИПЦ может составить 4,24 п.п. (см. рис.3 и схему приложения), что в 20 раз выше прямого эффекта (0,188 п.п.).




**Рис.3. Динамика накопления СИПЦ и ИПЦ на различных стадиях распространения ценовых волн (в п.п.)**

**Источник:** *результаты эконометрического анализа.*

**Табл. 1.**

**Схема и алгоритмы расчёта влияния повышения транспортных тарифов на рост социального ИПЦ**

| Стадии распространения ценовых волн | Алгоритм и пример расчета при 10%-м росте цен на транспортные услуги |
|---|---|
| Исходная стадия | $\Delta\text{СИПЦ}(0) = \Delta Transport * 0.0188 = 10 * 0{,}0188 = \mathbf{0{,}188}$ |
| Первоначальная реакция (1-я волна) | $\Delta\text{СИПЦ}(1) = \Delta\text{СИПЦ}(0) + \Delta Bakery(1) * W_{Bakery} + \Delta Meat(1) * W_{Meat} + \Delta Sugar(1) * W_{Sugar}$<br>$\Delta Bakery(1) = 10 * 0{,}80 = \mathbf{8{,}0}$;<br>$\Delta Meat(1) = 10 * 0{,}45 = \mathbf{4{,}5}$;<br>$\Delta Sugar(1) = 10 * 0{,}41 = \mathbf{4{,}1}$<br>$\Delta\text{СИПЦ}(1) = \mathbf{0{,}188} + 8{,}0 * 0{,}0828 + 4{,}5 * 0{,}1629 + 4{,}1 * 0{,}0235 = \mathbf{1{,}680}$ |
| Последующая реакция (2-я волна) | $\Delta\text{СИПЦ}(2) = \Delta\text{СИПЦ}(1) + \Delta Eggs(2) * W_{Eggs} + + \Delta Bakery(2) * W_{Bakery} + \Delta Vege(2) * W_{Vege} + Oil(2) * W_{Oil} + \Delta Sugar(2) * W_{Sugar}$<br>$\Delta Eggs(2) = \mathbf{1{,}35} * \Delta Bakery(1) + \mathbf{2{,}95} * \Delta Meat(1) + \mathbf{0{,}96} * \Delta Sugar(1) = 1{,}35 * 8{,}0 + 2{,}95 * 4{,}5 + 0{,}96 * 4{,}1 = \mathbf{28{,}011}$<br>$\Delta Bakery(2) = 0{,}66 * \Delta Meat(1) = 0{,}66 * 4{,}5 = \mathbf{2{,}97}$<br>$\Delta Vege(2) = 1{,}61 * \Delta Meat(1) = 1{,}61 * 4{,}5 = \mathbf{2{,}25}$<br>$\Delta Oil(2) = 2{,}07 * \Delta Sugar(1) = 2{,}07 * 4{,}1 = \mathbf{8{,}487}$<br>$\Delta Sugar(2) = 0{,}81 * \Delta Meat(1) = 0{,}81 * 4{,}5 = \mathbf{3{,}645}$<br>$\Delta\text{СИПЦ}(2) = 1{,}680 + 28{,}011 * 0{,}0216 + 2{,}97 * 0{,}0828 + 2{,}25 * 0{,}0675 + 8{,}487 * 0{,}0559 + 3{,}645 * 0{,}0235 = \mathbf{3{,}243}$ |
| Последующая реакция (3-я волна) | $\Delta\text{СИПЦ}(3) = \Delta\text{СИПЦ}(2) + \Delta Eggs(3) * W_{Eggs} + \Delta Vege(3) * W_{Vege} + \Delta Fruits(3) * W_{Fruits}$<br>$\Delta Eggs(3) = 0{,}34 * \Delta Vege(2) + 0{,}31 * \Delta Oil(2) = 0{,}34 * 2{,}25 + 0{,}31 * 8{,}487 = \mathbf{3{,}396}$<br>$\Delta Vege(3) = 0{,}44 * \Delta Eggs(2) = 0{,}44 * 28{,}011 = \mathbf{12{,}325}$<br>$Fruits(3) = 0{,}23 * \Delta Eggs(2) = 0{,}23 * 6{,}608 = \mathbf{1{,}520}$<br>$\Delta\text{СИПЦ}(3) = 3{,}243 + 3{,}396 * 0{,}0216 + 12{,}325 * 0{,}0675 + 1{,}520 * 0{,}0396 = \mathbf{4{,}208}$ |
| Последующая реакция (4-я волна) | $\Delta\text{СИПЦ}(4) = \Delta\text{СИПЦ}(3) + \Delta Vege(4) * W_{Vege} + \Delta Eggs(4) * W_{Eggs}$<br>$\Delta Vege(4) = 0{,}28 * \Delta Fruits(3) = 0{,}28 * 1{,}520 = \mathbf{0{,}426}$<br>$\Delta Eggs(4) = 0{,}20 * \Delta Fruits(3) = 0{,}20 * 1{,}520 = \mathbf{0{,}304}$<br>$\Delta\text{СИПЦ}(4) = 4{,}208 + 0{,}426 * 0{,}0675 + 0{,}304 * 0{,}0216 = \mathbf{4{,}243}$ |

**Источник:** *расчеты ИПМИ на основе обобщения результатов эконометрического анализа.*

Эконометрический анализ также показал, что социальный ИПЦ связан с официальным ИПЦ в приростной форме коэффициентом 0,36[4]. Это означает, что рост ГТТ на 10 п.п. приведет к росту официальной инфляции через 2-3 месяца с момента введения новых транспортных тарифов на 1,53 п.п. (см. рис.3).

Если транспортный тариф возрастёт не на 10 п.п., а на 21% (1700 сум / 1400 сум), то это может привести к дополнительному витку роста потребительских цен, который может достигнуть 3,2 п.п. по официальному ИПЦ (при прочих равных условиях), и 8-8,5 п.п. для основной массы населения (по социальному ИПЦ).

В заключение в данной исследовательской работе проанализировано влияние транспортных расходов на определенные виды товаров и услуг в имитационной модели. Все коэффициенты результатов регрессии были проверены с помощью нескольких эконометрических тестов, чтобы убедиться в их надежности.

4 Результаты эконометрического анализа данных за период 2019-2021 годы.

Отработанный в институте подход к прогнозу инфляции, наряду с оценками ожидаемой инфляции, даёт и определенные ориентиры мер по смягчению негативных последствий для всего потребительского рынка, вызванных ценовыми всплесками по отдельным товарным группам.

В частности, можно спрогнозировать уровень инфляции товаров и услуг, потребляемых большей частью населения, при увеличении ГТТ.

Рекомендации, которые предлагает исследование, следующие:

Вместе с введением льгот на проезд городским транспортом для отдельных, наиболее уязвимых категорий населения (пенсионеры, студенты), фокус этих мер должен быть направлен на сдерживание динамики цен по тем товарным группам, которые вносят наибольший вклад в прирост СИПЦ. В нашем случае, это овощи, мука и хлебобулочные изделия (см. рис. 3).

Правительство должно учитывать, что либерализация транспортных тарифов должна сопровождаться конкретными шагами в направлении развития рынка муки (улучшение логистики, снижение

- хом ашё ва меҳнат ресурслари жойлашувидаги номутаносибликларни самарали бартараф этиш мақсадида минтақада оқилона меҳнат тақсимотини ташкил этиш;
- биринчи навбатда табиий ресурсларнинг энг самарали шаклларини ўзлаштириш ва улардан комплекс тарзда фойдаланиш;
- кам ва юқори ривожланган ҳудудлар ўртасидаги тафовутни камайтириш орқали минтақа ҳудудлари ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаларини тенглаштириш;
- комплекс ривожлантиришнинг экологик ва ресурс муаммоларини ҳал қилишга имкон берувчи табиий шарт-шароитни соғломлаштириш, табиатни асраш ва ундан оқилона фойдаланиш бўйича самарали чоралар ишлаб чиқиш;
- республикани ривожлантиришнинг ўрта ва узоқ муддатли давлат ва тармоқ дастурларининг ўзаро мувофиқлигини таъминлаш;
- юқори ресурстежамли илмталаб ишлаб чиқариш устуворлигини таъминлаш ва инвестицион фаолликни жадаллаштириш учун айланма маблағларни жамғариш.

**Дастурни ишлаб чиқиш қуйидаги тамойиллар асосида амалга оширилади:**

- ҳудуднинг маҳаллий ресурслар ва табиий-иқтисодий салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда, амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг ижтимоий ва экологик оқибатлари, тармоқлар ва соҳалар бўйича ўзаро боғлиқлиги ва мувофиқлигини таъминлаш;
- ҳудуднинг интеллектуал ва технологик салоҳиятини ошириш, илм-фан, илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг замонавий инфратузилмасини шакллантириш;
- юқори даражада ресурсларни тежаш орқали инновацион ишлаб чиқариш устуворлигини таъминлаш ва инвестицион фаолликни жадаллаштириш;
- хом ашё ва меҳнат ресурслари жойлашувидаги номутаносибликларни самарали бартараф этиш мақсадида оқилона меҳнат тақсимотини ташкил этиш;
- табиий ресурсларнинг энг самарали шаклларини ўзлаштириш ва улардан комплекс тарзда фойдаланиш;
- инклюзивлик тамойилларига асосланиб, урбанизация даражасини кўтариш;

- қўшни давлатлар чегараолди ҳудудлари билан имкониятларини тўлиқ сафарбар қилиш;

- ижтимоий соҳани мувозанатли ривожлантириш, аҳоли бандлиги ва даромадларини ошириш орқали уларнинг турмуш даражасини яхшилаш учун шарт-шароитлар яратиш;

- ривожлантиришда ҳудуд ва тармоқ манфаатларининг ўзаро мувофиқлигини таъминлаш.

**Дастурларни ишлаб чиқиш жараёни 7 босқичда амалга оширилади.**

1-босқич ташкилий босқич ҳисобланиб, унда Дастурни ишлаб чиқишга масъуллар аниқланади ва маҳаллий ҳокимликлар, маҳаллалар, илмий соҳа, тадбиркорлик субъектлари ва уларнинг уюшмалари ҳамда жамоатчилик вакилларидан иборат ишчи гуруҳлар (кейинги ўринларда – Ишчи гурух) тузилади.

Ишчи гуруҳга ҳудуддаги иқтисодиёт соҳалари ва тармоқлари бўйича тажрибали ходимлар жалб этилади. Шунингдек, ҳудудий дастурларда жамоатчилик манфаатларини ва жамоатчилик фикрини ҳисобга олиш мақсадида ишчи-гуруҳларга маҳаллалар ва жамоатчилик вакиллари киритилади. Бундан ташқари, Дастур ишлаб чиқилиши жараёнида илмий ёндашувни таъминлаш мақсадида Ишчи гуруҳга илмий соҳа вакиллари ҳам жалб этилади.

Ишчи гуруҳ туман (шаҳар) ҳокими қарори билан тасдиқланиб, унда Дастурни сифатли ишлаб чиқиш билан боғлиқ ташкилий масалалар ечими ўз аксини топади.

2-босқичда Ишчи гуруҳлар ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини чуқур таҳлил қилади, салоҳиятини баҳолайди, муаммоларни аниқлайди. Таҳлил ва ўрганишлар натижасида ҳудудни янада ривожлантириш драйверлари аниқланади.

**Ушбу босқич 3 қисмдан иборат бўлади.**

а) ҳудуднинг ривожланиш таҳлили унинг вилоятдаги ўрни, таркибий ўзгаришлар, амалга оширилган чора-тадбирларнинг натижадорлигини баҳолаш ва муаммоларни аниқлаш имконини беради:

- ҳудуднинг ривожланиш таҳлили охирги 4 йиллик маълумотлар асосида қуйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширилади:

- ижтимоий соҳа – таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат, турар-жой, коммунал хўжалиги, савдо-сотиқ, умумий овқатланиш, бошқарув, жисмоний тарбия, спорт ва бошқалар;

- иқтисодий соҳа – иқтисодиёт таркиби, яъни саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, хизматлар ривожланиши, товар ва хизматлар экспорти, инвестиция, маҳаллий бюджет.

**Ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таҳлил қилиш орқали қуйидагиларга эришилади:**

- тармоқлар ва соҳаларнинг таҳлил қилинаётган даврдаги ўсиш тенденциялари;

- бандлик даражаси, уй-жой, электр энергия, ичимлик ва оқова сув таъминоти, табиий газ, боғча ва мактаблар билан таъминланганлик, урбанизация даражаси;

- малакали кадрларни тайёрлаш ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича амалга оширилган ишлар;

- ҳудуднинг тармоқлар ва соҳалар бўйича вилоятдаги ўрни ва тафовут;

- иқтисодиёт тармоқларининг фаолият турлари бўйича таркибий ўзгаришлар ва ихтисослашуви;

- ҳудудда эркин иқтисодий зоналар, технопарклар, кластерлар, кичик саноат зоналар фаолияти самарадорлиги ва уларнинг ҳудуд иқтисодиётидаги ўрни аниқланади ҳамда баҳоланади.

Юқорида келтирилган натижалардан келиб чиқиб ҳудуд ривожланишидаги ютуқлар, номутаносибликлар ва муаммолар, рақобат устунликлари аниқланади.

б) ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти таҳлили ишлаб чиқариш кучларини оқилона жойлаштиришда ҳудудда ресурс омилларидан фойдаланиш ҳолатини ва имкониятларини аниқлашга ёрдам беради:

**Ишчи гуруҳга ҳудуддаги иқтисодиёт соҳалари ва тармоқлари бўйича тажрибали ходимлар жалб этилади. Шунингдек, ҳудудий дастурларда жамоатчилик манфаатларини ва жамоатчилик фикрини ҳисобга олиш мақсадида ишчи-гуруҳларга маҳаллалар ва жамоатчилик вакиллари киритилади. Бундан ташқари, Дастур ишлаб чиқилиши жараёнида илмий ёндашувни таъминлаш мақсадида Ишчи гуруҳга илмий соҳа вакиллари ҳам жалб этилади.**

**Бунда ҳудуд ривожланишига таъсир этувчи қуйидаги омиллар баҳоланади:**

- ҳудуднинг географик жойлашуви, яъни йирик шаҳарларга, чегара ҳудудларга, йирик сув ҳавзаларга, туризм, маданий мерос (ёдгорликлар) ва рекреацион объектларга, транспорт инфратузилмаси яқинлиги, иқлим шароитининг ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш учун қулайлиги аниқланади;

- ер ресурслари таркиби ва ҳолати, фойдаланилмаётган суғориладиган ер майдонларини қайта фойдаланишга киритиш, заҳира ва лалми майдонлардан, яйловлардан фойдаланиш имкониятлари аниқланади;

- ҳудуднинг сув ресурслари манбалари ва ҳолати, тармоқ ва соҳалар бўйича тақсимоти, сувга бўлган эҳтиёжи ҳамда сув ресурсларини тежаш бўйича имкониятлар баҳоланади;

- минерал - хом ашё ресурслари турлари ва улардан фойдаланиш даражаси баҳоланади, ишлатилмаётган конларни ишлаб чиқаришга жалб этиш имкониятлари аниқланади;

- электр энергия ишлаб чиқариш манбалари ва ҳолати, электр энергияга бўлган эҳтиёж ва истеъмол даражаси, электр энергияни истеъмолчиларга етказиш инфратузилмаси ва ундан фойдаланиш даражаси баҳоланади.

Ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини баҳолаш жараёни талаб ва эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда улардаги муаммолар, ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш имкониятларига асосланади.

Ҳудудда юзага келган ёки келаётган агломерация жараёнлари, ички ва ташқи миграция кўрсатгичлари баҳоланади.

Баҳолаш натижалари ҳудудни ривожлантириш чора-тадбирлари ва лойиҳаларини ишлаб чиқишга асос бўлиб хизмат қилади.

в) Ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва табиий-иқтисодий салоҳияти таҳлили натижалари асосида ҳудуднинг истиқболдаги ривожланиш йўлини белгиловчи драйверлар (ўсиш нуқталари) аниқланади. Бунда ўсиш драйверлари қуйидаги омиллар ёрдамида асосланади:

- ҳудуднинг қулай иқлим шароити ва географик жойлашуви;

- ҳудуднинг саноат, қишлоқ хўжалиги, хизматлар фаолият турлари бўйича шаклланган ихтисослашуви;

- ҳудудда янги ишлаб чиқариш қувватлари ва ноанъавий фаолият турларини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган лойиҳаларнинг мавжудлиги;

- ҳудуд ривожланишида аниқланган рақобат устунликлари ва афзалликлари;

- ҳудуд салоҳиятидан самарали фойдаланиш имкониятлари;

- ҳудуд учун бош режаларнинг ишлаб чиқилганлик ҳолати;

- ҳудуд атрофида шаклланган ёки шаклланаётган йўлдош-шаҳарлар ва уларни ривожлантириш имкониятлари.

3-босқичда ҳудудни комплекс ривожлантиришнинг мақсад, вазифалари ва мақсадли кўрсаткичлари ишлаб чиқилади.

Ҳудудни комплекс ривожлантиришнинг асосий мақсади ҳудуд салоҳияти ва имкониятларидан тўлақонли фойдаланиш асосида барқарор ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини ошириш ҳамда камбағалликни қисқартиришга йўналтирилган бўлиши керак.

**Ҳудудни комплекс ривожлантириш вазифаларини шакллантиришда ҳудуднинг шарт-шароит ва хусусиятларидан келиб чиқиб, қуйидагиларни ҳисобга олган ҳолда:**

- ижтимоий барқарорликни таъминлаш (аҳоли турмуш даражасини ошириш, камбағаллик даражасини қисқартириш, аҳоли бандлигини таъминлаш);

- иқтисодий барқорарликни таъминлаш (ишлаб чиқариш кучларини оқилона жойлаштириш, тадбиркорлик ва экспорт салоҳиятини ошириш, қулай инвестицион муҳитини яратиш, хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш, соғлом рақобат муҳитини яратиш);

- экологик ҳолатини яхшилаш (атроф-муҳитни мухофаза қилиш ва ободонлаштириш, иқлим ўзгаришига мослашиш, экологик таъсирни юмшатиш, иккиламчи қайта ишлашни ташкил этиш);

- ҳудуд ишлаб чиқариш инфратузилмаси (йўллар, электр энергия, ичимлик ва оқова сув таъминоти, газ) билан сифатли ва ўз вақтида таъминлаш;

- ривожланишнинг инновацион йўлига ўтиш (IT-технологиялар, ақлли ҳудуд, smart-тармоқлар яратиш, давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, маҳаллий ҳокимликлар фаолияти самарадорлигини ошириш, жойларда натижага йўналтирилган бошқарувни жорий қилиш).

Мақсадли кўрсаткичлар дастурда белгиланган мақсад ва вазифаларни ҳисобга олган ҳолда ҳудуднинг ўрта даврга ижтимоий-иқтисодий ривожланиш истиқболини ёритиб берадиган маълумотлар таҳлил қилинади. Мақсадли кўрсаткичлар, чора-тадбирлар ва лойиҳаларнинг манзилли рўйхати ишлаб чиқилгандан кейин шакллантирилади.

Бундан ташқари, улар дастурнинг бажариш даражасини кўрсатади ҳамда мониторинг жараёнида ҳудуднинг ютуқ ва камчиликларини аниқлашда ёрдам беради.

4-босқичда ҳудудни ривожлантириш чора-тадбирлари ва лойиҳаларнинг манзилли рўйхати шакллантирилади.

Ушбу босқичда ҳудуд иқтисодиётини таҳлил қилиш, рақобат устунликлари ва салоҳиятини баҳолаш асосида аниқланган "ўсиш нуқталари"ни ҳисобга олган ҳолда ҳудудни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар ва лойиҳаларнинг манзилли рўйхати асосида шакллантирилади.

Унда чора-тадбирлар йўналиши, амалга ошириладиган ишлар мазмуни, сарфланадиган маблағ миқдори, молиялаштириш манбаси, амалга ошириш муддати ва масъул ижрочилар аниқ кўрсатилади.

**Ҳудудни ривожлантириш чора-тадбирлари ва лойиҳаларининг манзилли рўйхати қуйидаги йўналишларда шакллантирилади:**

а) Ҳудудда амалга ошириладиган саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш бўйича лойиҳаларнинг манзилли рўйхати.

Ушбу рўйхатда лойиҳа ташаббускорлари, лойиҳалар номи, тармоқ йўналиши, йиллик қуввати, лойиҳа қиймати, молиялаштириш манбаи, фойдаланишга топшириш муддати ва яратиладиган иш ўринлари кўрсатилади.

б) Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш бўйича лойиҳаларнинг манзилли кўрсаткичлари.

Бунда лойиҳаларнинг тармоқ йўналиши, ташаббускорлари, қуввати, лойиҳа қиймати, молиялаштириш манбаи, бандлиги таъминланадиган аҳоли сони кўрсатилади.

в) Ҳудудда махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолиятини ташкил этиш бўйича манзилли рўйхат.

Ушбу рўйхатда уларнинг номи, умумий ер майдони, бино ва иншоотлар майдони, мавжуд инфратузилма кўрсатилади.

г) Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлашга ихтисослашган кластерлар фаолиятини йўлга қўйиш бўйича манзилли рўйхат.

Ушбу рўйхатда лойиҳа ташаббускорлари, кластерга ажратилган ер майдони, ташкил этиладиган қувватлар, логистика ва инфратузилма объектлари, ишга тушириш муддати, иш ўринлари сони кўрсатилади.

д) Фойдаланилмасдан бўш турган ёки самарасиз фойдаланилаётган бино-иншоотлар негизида замонавий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объектларини ташкил қилиш бўйича манзилли рўйхат.

Ушбу рўйхатда бўш турган объектлар номи, манзили, балансда сақловчи, объект негизида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш бўйича лойиҳа номи, лойиҳанинг қиймати, молиялаштириш манбаи, ишга тушириш муддати, иш ўринлари сони кўрсатилади.

е) Йўл-транспорт инфратузилмаси ва муҳандислик коммуникацияларини қуриш, реконструкция қилиш ва модернизациялаш чора-тадбирлари.

Ушбу чора-тадбирларда амалга оширилиши белгиланган тадбирлар номи, қуввати, талаб этиладиган маблағ, молиялаштириш манбаи, масъул вазирлик ва идоралар кўрсатилади.

ж) Ижтимоий соҳа инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари.

Унда чора-тадбирлар номи, қуввати, лойиҳа қиймати, молиялаштириш манбаи, масъул вазирлик ва идоралар кўрсатилади.

з) "Обод қишлоқ" ёки "Обод маҳалла" дастури доирасида қишлоқ аҳоли пунктларида қурилиш-ободонлаштириш ишларини амалга ошириш чора-тадбирлари.



Ушбу чора-тадбирларда аҳоли пунктлари номи, таъмирланадиган маҳалла ички йўллари, ичимлик суви, электр энергия ва газ таъминотини яхшилаш бўйича амалга ошириладиган ишлар, қурилиши ва таъмирланиши кўзда тутилган ижтимоий соҳа объектлари кўрсатилади.

и) Шаҳарсозлик майдонларини барпо этиш ҳамда аҳоли пунктларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар.

Ушбу чора-тадбирларда тадбирлар номи, қуввати, лойиҳа қиймати, молиялаштириш манбаи, масъул вазирлик ва идоралар кўрсатилади.

к) Кўп хонадонли уй-жой фондини яхшилаш чора-тадбирлари.

Ушбу чора-тадбирларда маҳалла фуқаролар йиғинлари кесимида сарфланадиган маблағлар, молиялаштириш манбалари, таъмирланадиган уй-жойлар сони кўрсатилади.

л) Кўп хонадонли уй-жой массивлари ҳудудини ободонлаштириш чора-тадбирлари.

Ушбу чора-тадбирларда маҳалла фуқаролар йиғинлари кесимида сарфланадиган маблағлар, молиялаштириш манбалари, олиб бориладиган ободонлаштириш ишлари йўналишлари кўрсатилади.

м) Ҳудудларда уй-жойлар қуришнинг прогноз параметрлари.

Ушбу прогноз параметрларида маҳалла фуқаролар йиғинлари кесимида уйлар (шу жумладан кўп қаватли) сони, улардаги хонадонлар сони, қурилиш муддатлари, сарфланадиган маблағ, бажарилишига масъуллар кўрсатилади.

н) Ҳудудларда фойдаланишдан чиқиб кетган суғориладиган ер майдонларини қайта фойдаланишга киритиш, лалми ва бошқа турдаги ерлардан фойдаланиш ҳамда ичимлик ва оқова сув таъминоти тежамкор технологияларини қўллаш бўйича чора-тадбирлар.

Ушбу чора-тадбирларда тадбирлар номланиши, амалга ошириш шакли, ижро муддати, масъул ижрочилар кўрсатилади.

Шунингдек, олиб борилган таҳлил натижалари, аниқланган муаммолар ва ҳудудни ривожлантириш драйверларидан келиб чиққан ҳолда ҳудудни ривожлантириш бўйича алоҳида чора-тадбирлар ва лойиҳалар ҳам шакллантирилиши мумкин.

5-босқичда “Ҳудудни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурини тасдиқлаш” тўғрисидаги тегишли қарор лойиҳаси тайёрланади.

**Ушбу босқичда ҳукумат қарорининг лойиҳаси тайёрланади ва унда қуйидагилар эътиборга олинади:**

- дастурда келтирилган лойиҳалар ва чора-тадбирларни амалга оширишга кўмаклашувчи тегишли вазирлик ва ташкилотларга вазифалар юклаш. Масалан, тижорат банкларига кредит ажратиш бўйича тавсиялар, вазирликлар ва қўмиталарга дастурда келтирилган қурилиш ва муҳандислик ишлари, ресурслардан фойдаланиш, экспортга кўмаклашиш, кадрларнинг малакасини ошириш, дастурга киритилган объектлар лойиҳа-смета ҳужжатларининг давлат экспертизасидан сифатли ўтказилишини таъминлаш, қурилиш-монтаж ишларини бажариш учун тегишли рухсатномаларни белгиланган тартиб ва муддатларда тақдим этиш;
- соҳа ва тармоқлар бўйича республика даражасида масъулларни белгилаш.

**Дастурнинг намунавий тузилмаси иловалар кўринишида қуйидагилардан ташкил топади:**

- ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурини молиялаштириш манбалари;
- саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларини ривожлантириш бўйича инвестиция лойиҳаларининг манзилли рўйхати;
- йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация тизимларини ривожлантириш чора-тадбирлари;
- ижтимоий соҳа объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш ҳамда уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари;
- ирригация ва мелиорация объектларини реконструкция қилиш, таъмирлаш ва тиклаш чора-тадбирлари;
- бошқа объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш чора-тадбирлари.

Дастурда кўрсатилган чора-тадбирлар ва лойиҳаларнинг бажарилишини назорат қилиш вазирлик ва ҳудудий органлар раҳбарлари зиммасига юклатилиши кўрсатилади.

6-босқичда Дастур лойиҳаси ҳудуд халқ депутатлари Кенгашида муҳокамадан ўтказилади.

Дастур ҳудуд халқ депутатлари Кенгашида маҳалла фуқаролар йиғинининг вакиллари ва фаоллари ҳамда маҳаллий блогерлар, ОАВ вакиллари иштирокида муҳокамадан ўтказилади. Бунда рақамли технологияларни қўллаган ҳолда интернет тармоғига жойлаштириш орқали жамоатчиликни дастур билан таништириш ишлари амалга оширилади.

Келиб тушган таклиф ва тавсиялар асосида Ишчи гуруҳлар томонидан дастурга ўзгартиришлар киритилади ва у қайта ишланади.

7-босқичда Дастур Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламентига асосан тасдиқланади.

**Таклифлар ва хулосалар.** Хулоса қилиб айтганда, Дастурларни ишлаб чиқиш тартиби Ўзбекистон ҳудудларини комплекс ривожлантириш дастурларини шакллантиришда бир хил ёндашувни таъминлаш имконини беради. Ушбу тартиб ёрдамида ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши қолоқ туманлар ва шаҳарлар бўйича ҳар йили ўрта муддатли комплекс ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш мумкин.

Ҳозирги кунда Дастурларни ишлаб чиқиш тартибини Ҳукумат қарори асосида тасдиқлаш ҳамда амалиётга жорий этиш таклиф этилади.

***Манба ва адабиётлар***

*1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 майдаги “Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПҚ-4702-сон қарори.*

*2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони.*

**Ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга оид дастурларни ишлаб чиқишнинг ягона тартибини амалиётга жорий этиш**

**Азизбек Матчанов,**
*Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини шакллантириш ва ҳудудий бўлинмалар фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бош мутахассиси*

**Аннотация:** *ушбу мақолада ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумат қарорлари билан тасдиқланаётган ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга оид дастурларни ишлаб чиқишнинг муайян андозаси мавжуд бўлмаганлиги сабабли, дастурларни шакллантиришда бир хил ёндашувни таъминлаш мақсадида ягона тартиб ишлаб чиқилган.*

**Калит сўзлар:** *драйвер, агломерация, рекреацион объект зоналари, инфратузилма, ижтимоий соҳа, саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш, молиялаштириш манбаси.*

**Внедрение единого порядак разработки программ комплексного социально-экономического развития регионов**

**Азизбек Матчанов,**
*Главный специалист отдела программ социально-экономического развития и координации территориальных подразделений Министерства экономического развития и сокращения бедности*

**Аннотация:** *в данной статье разработан единый порядок обеспечения единого подхода к формированию программ, так как в настоящее время отсутствует четкая модель разработки программ комплексного социально-экономического развития регионов, утверждаемая Президентом и Правительством Республики Узбекистан.*

**Клучевые слова:** *драйвер, агломерация, рекреационные зоны, инфраструктура, социальная сфера, промышленность, сельское хозяйство, услуг, источник финансирования.*

**Implementation of a unified procedure for developing programs for the integrated socio-economic development of regions**

**Azizbek Matchanov,**
*Chief specialist of the Department for formation of socio-economic development programs and coordination of territorial subdivisions of the Ministry of economic development and poverty reduction*

**Abstract:** *this article develops a single procedure to ensure a uniform approach to the formation of programs, as there is currently no clear model for the development of programs for integrated socio-economic development of the regions, approved by the President and the Government of the Republic of Uzbekistan.*

**Keywords:** *driver, agglomeratio, recreational facility zones, infrastructure, social sphere, industry, agriculture, service, source of funding.*

**УЎК: 339.72**

**Жаъсур УМИРЗОҚОВ,**
*Тошкент молия институти таянч докторанти,*
**E-mail:** *jasur_umirzokov@bk.ru*

# Махсус иқтисодий зоналар сифатида оффшор ҳудудларнинг глобал инвестициялар ва халқаро иқтисодий хавфсизликка таъсири

**Кириш.** Жаҳон миқёсида молиявий оқимларнинг глобаллашуви шароитида иқтисодиётга "хавфсиз инвестиция"ларни жалб этиш ҳар бир давлатнинг ташқи инвестицион сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу борада, кўплаб механизм ва воситалардан фойдаланиб келинмоқда. Шу жумладан, иқтисодий ривожланиши паст даражада бўлган ҳудудларда махсус иқтисодий зоналарни ташкил этган ҳолда бу зоналарга инвестицияларни жалб этиш орқали инвестицион фаолликни таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Бугунги кунда, қатор йирик халқаро молия институтлари ҳамда илмий тадқиқот муассасалари, жумладан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Савдо ва ривожланиш бўйича конференцияси – UNCTAD (United Nations Conference on Trade and Development) халқаро ташкилоти томонидан ҳар йили эълон қилиб бориладиган "World Investment Report" ҳисоботида қуйидагича таъкидланади: "Махсус иқтисодий зоналар кўпчилик ривожланаётган ва ривожланган иқтисодиётларда кенг қўлланилади. Ушбу географик жиҳатдан чегараланган ҳудудларни ҳукуматлар томонидан молиявий ва тартибга солувчи имтиёзлар ҳамда инфратузилма тармоқларини ривожлантириш ташаббусларини қўллаб-қувватланиши орқали иқтисодиётга инвестициялар оқими фаоллашади. Бугунги кунда 147 та давлатларда 5400 дан ортиқ махсус иқтисодий зоналар мавжуд бўлиб, мазкур зоналар сони 5 йил аввал 4000 га яқин бўлган. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, махсус иқтисодий зоналар инвестицион фаоллигининг ошиб бориш тенденцияси жаҳон миқёсидаги саноат сиёсати янги тўлқинининг бир қисми ва инвестицияларнинг халқаро мобиллиги кучайиб бораётган рақобатга жавобдир [1]. Шу билан биргаликда, юқорида таъкидланганидек, иқтисодиётга "хавфсиз инвестиция"лар оқимини фаоллаштиришда бир қанча жиҳатларга аҳамият бериш талаб этилади. Бу йўналишда жаҳон амалиётида махсус иқтисодий зоналарнинг муайян бир тури – оффшор ҳудудларнинг инвестицион фаоллик ва шу билан биргаликда иқтисодий хавфсизликка таъсир этишига эътибор қаратиш лозим. Қайд этиш керакки, "1980 йиллардан бошлаб, оффшор молиявий марказлар сони икки баравар кўпайди, яъни уларнинг сони 30 дан 60 тагача кескин ошди. Булар Европа, Америка, Ҳинд океани ва Австралиядаги аҳоли кам истиқомат қилувчи ороллар ёки штатларда анклав ҳудудлар сифатида ташкил этилди [2]".

Ҳар йили халқаро оффшор ҳудудларнинг "пухта ўйланган" молиявий схемалари тизими ҳар бир давлатнинг молиявий тизимидан катта миқдордаги маблағларни ноқонуний олиб чиқиб кетиш имконини бериши глобал инвестицион фаолликка ва бу орқали иқтисодий хавфсизликка сезиларли таъсир этиб келмоқда. Оффшор юрисдикцияларнинг ташкил этилиши ва такомиллашиб бориши натижасида "солиқ гаванналари" деб аталадиган ушбу ҳудудлар глобал иқтисодий тармоқда молиявий капиталнинг эркин фаолият юритишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Оффшор ҳудудларнинг солиқ, валюта ва транзакция назоратини камайтириш, якуний бенефициарнинг махфийлиги каби "олдиндан яратилган имтиёзлар"дан фойдаланилиши мамлакатлар, айниқса ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётига, улардаги инвестицион жараёнлар, пировардида глобал инвестицион фаолликка ҳалокатли таъсир этади [3].

Шу боис, бу каби солиққа тортишдан қочиш ва жаҳон иқтисодиётидаги яширин молиявий жараёнлар кўламини қисқартириш эвазига оффшор ҳудудлар фаолиятини қонунийлаштириш, глобал инвестицион фаоллик ва иқтисодий хавфсизликка таъсирини камайтириш долзарб аҳамиятга эга.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.** Оффшор ҳудудлар мазмун-моҳияти, уларнинг глобал инвестицион жараёнларга ва халқаро иқтисодий хавфсизликка таъсири юзасидан илмий-тадқиқотлар олиб боришда хорижий ва республикамиздаги илмий-тадқиқотчиларнинг бир қатор илмий ишлари ўрганиб чиқилди. Жумладан, мазкур йўналишда илмий-тадқиқотлар олиб борган россиялик олимлар Ю.П.Господарик ва М.В.Пашковскаяларнинг фикрича, оффшор (инглизчадан, off shore - яъни “қирғоқдан ташқарида”) - ҳудуд жойлашган мамлакатда рўйхатдан ўтган хорижий компанияларга махсус солиқ ва бошқа имтиёзлар бериш орқали хорижий капитални жалб қиладиган махсус молиявий марказ бўлиб, ушбу ҳудудда оффшор бизнес, оффшор компанияларни рўйхатдан ўтказиш ва фаолият олиб боришга қонуний равишда рухсат берилган ва резидентларга нисбатан кўп сонли имтиёзлар қўлланиладиган давлатлар ва махсус ҳудудлар оффшор юрисдикциялар деб аталади [4]. Эътиборлиси, мазкур фикр-мулоҳазаларда оффшор ҳудудлар, нафақат муайян бир ҳудуд, балки давлатлар ҳам оффшор марказ сифатида таърифланган.

В.И.Баронов ва Г.М.Косюниналарнинг эркин иқтисодий ва оффшор зоналарнинг иқтисодий-ҳуқуқий жиҳатлари бўйича олиб борган илмий тадқиқотларида “Халқаро валюта фонди экспертларининг тавсиялари асосида глобал инвестицион фаолликка 40 фоиз оффшор марказларнинг салбий таъсирини юмшатиш учун банкларда хизмат кўрсатиш соҳаси бўйича халқаро Базель қўмитаси стандартларини мамлакатлар миллий стандартларига мослаштириш зарурлиги таъкидланган. Жумладан, ахборот алмашинуви талабини 65 фоиздан 82 фоизга, халқаро филиалларни очиш борасидаги назорат талабини 72 фоиздан 87 фоизга ошириш имконияти мавжуд [5]”. Мазкур илмий тадқиқотларда халқаро даражада эътироф этилган стандартларни миллий ҳисоблар тизимларига интеграция қилиш орқали оффшор марказларнинг глобал инвестицион фаолликка таъсирини камайтиришга алоҳида эътибор берилганлиги гувоҳи бўлдик.

Буюк Британиянинг Эссекс (University of Essex, UK) университетида оффшор молия марказларининг глобаллашувдаги ўрни борасида илмий тадқиқотлар олиб бораётган профессор Prem Sikka шуни алоҳида қайд этадики, “...баъзи оффшор молия марказларида оффшор фирма ёки молия хизматлари марказлари (шу жумладан, банклар) атиги 500 фунт стерлинг капитал эвазига тузилиши мумкин. Қолаверса, компаниялар ортиқча шов-шувсиз шакллантирилади ва банк ҳисобларини электрон почталар орқали очилади. Кейин ўзларининг молиявий хизматлар марказига эга компаниялар осонгина капитал оқимини бошқаришлари мумкин бўлади. Шу тарзда улар “кичик миқдор”дан глобал инвестиция фаоллигига таъсир этади [6]”.

Мазкур йўналишда илмий изланишларлар олиб борган республикамиз олимларидан профессор Ж.Каримқулов ўз тадқиқотларида эркин иқтисодий ҳудудларнинг янги турларидан бири – оффшор ҳудудлар эканлигини таъкидлаб, уларда халқаро молиявий операциялар фаол амалга оширилаётганлиги ва оффшор ҳудудларни солиққа тортишнинг имтиёзли режими мавжуд бўлган дунёнинг молия марказларини тавсифлаш учун қўлланиладиган атама сифатида фикр-мулоҳазалар билдирган [7].

Юқорида кўриб ўтилган илмий-тадқиқотларда оффшор ҳудудларнинг мазмунига оид умумий ва хусусий қарашлар, асосий хусусиятлари, уларда қўлланиладиган молиявий схемалар ҳақида кўпроқ фикр юритилган. Аммо, ушбу ҳудудларнинг глобал инвестицион фаоллик ва халқаро иқтисодий хавфсизликка таъсири борасида комплекс илмий-тадқиқотлар орқали мавзуга янгича ёндашувларни киритиш имконияти юқори ҳисобланади.

**Асосий қисм: таҳлил ва натижалар.** Иқтисодий ва юридик нуқтаи назардан оффшор ҳудудлар – ташкил этилган давлатда қонун билан рухсат этилган ҳар қандай ташқи тижорат фаолиятини амалга оширишда солиқ, валюта каби алоҳида имтиёзларга эга махсус иқтисодий зоналардир.

**Классик оффшор ҳудудлар мамлакатга нисбатан норезидент, айни вақтда оффшор ҳудудда рўйхатдан ўтган иштирокчиларига қуйидаги маълум хизматлар тўпламини тақдим этади:**

- корхоналарни рўйхатдан ўтказиш ва лицензиялашни соддалаштириш;
- даромаднинг барча ёки айрим турлари бўйича нолга тенг ёки жуда паст солиқ ставкаси;
- банк сири ва бизнес сирини ошкор этмасликни таъминлаш;

- оффшор операцияларга минимал назорат ва чекловлар;

- валютани конвертация қилишда чекловлар йўқ;

- электрон алоқа тизимининг ривожланган тизими.

Биринчи оффшор зоналар ўтган асрнинг 30-йилларда Люксембург, Панама ва Нидерландия Антил оролларида ташкил топган.

Оффшор ҳудудларнинг аниқ сонини айтиб бўлмайди, чунки турли мамлакатлар оффшор компаниялар рўйхатига ёзилиш ва ундан четлаштиришнинг турли усулларини қўллайдилар [4]. Мавжуд оффшор марказлари тармоғи дунёнинг учта етакчи молия марказларига Нью-Йорк, Лондон ва Токио минтақавий молия марказларига мантиқан бирлашган ҳисобланади.

**Оффшор компанияларнинг бир нечта белгиланган турлари мавжуд:**

Биринчи турдаги оффшорлар - Кариб денгизи, Тинч ва Ҳинд океанларининг кичик ороллари ва архипелаглари. Ушбу оффшорларнинг асосий хусусиятлари солиқларнинг деярли йўқлиги, ўртача белгиланган тўловлар, бухгалтерия ҳисоботларининг талаб қилинмаслиги ва компаниялар эгаларининг юқори даражадаги махфийлигидир. Бироқ, ушбу зоналарда рўйхатдан ўтган компаниялар кўпинча шубҳали обрўга эга бўлади. Ушбу оролларадаги оффшорларни иккита кичик гуруҳга бўлиш мумкин:

- солиқсиз оффшорлар (“солиқлар жаннати”) да фойда ва даромаддан умуман солиқ олинмайди. Оффшор компанияларни рўйхатдан ўтказиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш учун нисбатан енгил тўловларгина мавжуд (Бермуд, Багама, Кайман ороллари);

- чет эл даромадлари солиқ солинмайдиган оффшорлар. Солиқлар фақат оффшор давлатнинг ўзида амалга ошириладиган фаолиятнинг ўша қисмидан олинади (Панама, Либерия, Жерси, Гернси, Мейн, Гибралтар оффшорлари).

G20 давлатларидаги компаниялар ўз фаолиятини “қонунийлаштириш” учун айнан шу турдаги оффшор компанияларга катта эътибор қаратади.

Иккинчи турдаги офшорлар (“молия марказлари”) - Европа ҳудудларида жойлашган (Люксембург, Лихтенштейн, Жерси, Гернси ва бошқалар) бўлиб, анча юқори мақомга эга ва оффшорни сақлаш харажатлари йилига ўн минглаб АҚШ долларигача етиши мумкин. Уларда фаолиятнинг ёки компанияларнинг айрим турлари учун солиқ имтиёзлари мавжуд. Ушбу ҳудудларда солиқлар тўланади, бухгалтерия ҳисоби юритилади ва текширишлар мунтазам равишда олиб борилади. Шу билан биргаликда, корхона эгалари ҳақидаги маълумотлар мунтазам равишда ошкор этиб борилади.

Учинчи турдаги оффшорлар одатда махсус солиққа тортиш режими амал қиладиган баъзи маъмурий-ҳудудий субъектлар деб номланади, масалан, Малайзиядаги Лабуан ёки АҚШнинг баъзи штатлардаги “ички” оффшорлар (Делавер, Вайоминг). 917 минг киши яшайдиган АҚШнинг Делавер штатида 945 минг компания рўйхатдан ўтган, уларнинг аксарияти “хаёлий” ҳисобланади [4].

**Учинчи турдаги оффшорлар одатда махсус солиққа тортиш режими амал қиладиган баъзи маъмурий-ҳудудий субъектлар деб номланади, масалан, Малайзиядаги Лабуан ёки АҚШнинг баъзи штатлардаги “ички” оффшорлар (Делавер, Вайоминг). 917 минг киши яшайдиган АҚШнинг Делавер штатида 945 минг компания рўйхатдан ўтган, уларнинг аксарияти “хаёлий” ҳисобланади.**

Оффшор ҳудудларнинг сони ва уларга оид дастлабки маълумотларни олишда Халқаро валюта фонди (ХВФ)нинг маълумотларига таяниш мумкин. Мазкур халқаро молия институтининг методологик ёндашувига кўра дунё миқёсида ташкил этилган оффшор ҳудудларни, уларнинг хусусиятлари, яъни назорат воситаларига ва стандартларига амалга қилиниши юзасидан, асосан 3 гуруҳга бўлиш мумкин (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Халқаро валюта фонди (ХВФ)нинг маълумотларига кўра, дунё миқёсида ташкил этилган оффшор ҳудудларнинг гуруҳланиши**

| № | **Оффшор молиявий марказ** | ХВФга аъзолиги | ХВФ аъзоси билан тарихий ассоциацияси | Аҳоли сони, млн | Лицензияга эга банклар сони | Назорат органи |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | **I** гуруҳ* | | | |
| 1 | Dublin (Ireland) | Аъзо | маълумот йўқ | маълумот йўқ. | 54 | Central Bank of Ireland |
| 2 | Guernsey | Аъзо эмас | U.K. Crown Dependency | 0.07 | 77 | Guernsey Financial Services Commission |
| 3 | Hong Kong, SAR | Аъзо эмас | Part of China | 6.85 | 454 | Hong Kong Monetary Authority |
| 4 | Isle of Man | Аъзо эмас | U.K. Crown Dependency | 0.07 | 67 | Financial Supervisory Commission |
| 5 | Jersey | Аъзо эмас | U.K. Crown Dependency | 0.09 | 79 | Jersey Financial Services Commission |
| 6 | Luxembourg | Аъзо | маълумот йўқ | 0.42 | 221 | Comm. de Surv. du Sect. Financier |
| 7 | Singapore | Аъзо | маълумот йўқ | 3.87 | 212 | Monetary Authority of Singapore |
| 8 | Switzerland | Аъзо | маълумот йўқ | 7.1 | маълумот йўқ. | Federal Banking Commission |
| | | | **II** гуруҳ** | | | |
| 1 | Andorra | Аъзо эмас | France and Spain | 0.06 | маълумот йўқ. | маълумот йўқ. |
| 2 | Bahrain | Аъзо | U.K. independ. since ‘71 | 0.62 | 102 | Bahrain Monetary Agency |
| 3 | Barbados | Аъзо | U.K. independ. since ‘66 | 0.26 | 63 | Central Bank of Barbados |
| 4 | Bermuda | Аъзо эмас | U.K. Overseas Territory | 0.06 | 3 | Bermuda Monetary Authority |
| 5 | Gibraltar | Аъзо эмас | U.K. Overseas Territory | 0.03 | 32 | Financial Services Commission |
| 6 | Labuan (Malaysia) | Аъзо | маълумот йўқ | маълумот йўқ. | маълумот йўқ. | Labuan Offshore Financial Services Auth. |
| 7 | Macao, SAR | Аъзо эмас | Part of China | 0.44 | маълумот йўқ. | Mon. and Foreign Exch. Auth. of Macao |
| 8 | Malta | Аъзо | маълумот йўқ | 0.38 | 20 | Central Bank of Malta/Fin. Services Centre |
| 9 | Monaco | Аъзо эмас | France | 0.03 | маълумот йўқ. | маълумот йўқ. |
| | | | **III** гуруҳ*** | | | |
| 1 | Anguilla | Аъзо эмас | U.K. Overseas Territory | 0.01 | 6 | Directorate of Financial Services, MOF |
| 2 | Antigua & Barbuda | Аъзо | U.K. independ. since ‘81 | 0.07 | 55 | MOF and Sup. of Banking and Trust Corps. |
| 3 | Aruba | Аъзо эмас | Part of the Netherlands | 0.07 | 6 | Central Bank of Aruba |
| 4 | Bahamas | Аъзо | U.K. independ. since ‘73 | 0.3 | 418 | Central Bank of the Bahamas |
| 5 | Belize | Аъзо | U.K. independ. since ‘81 | 0.24 | 5 | Central Bank of Belize |
| 6 | British Virgin Islands | Аъзо эмас | U.K. Overseas Territory | 0.02 | 13 | Financial Services Inspectorate |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 7 | Cayman Islands | Аъзо эмас | U.K. Overseas Territory | 0.04 | 575 | Cayman Islands Monetary Authority |
| 8 | Cook Islands | Аъзо эмас | In Free Assoc. with N.Z. | 0.02 | маълумот йўқ. | маълумот йўқ. |
| 9 | Costa Rica | Аъзо | маълумот йўқ | 3.53 | 28 | Banking Superintendency |
| 10 | Cyprus | Аъзо | U.K. independ. since ‘60 | 0.77 | 46 | Central Bank of Cyprus |
| 11 | Lebanon | Аъзо | маълумот йўқ | 3.14 | 98 | Banking Control Comm., Banque du Liban |
| 12 | Liechtenstein | Аъзо эмас | маълумот йўқ | 0.03 | 11 | Financial Services Authority |
| 13 | Marshall Islands | Аъзо | маълумот йўқ | 0.07 | маълумот йўқ. | маълумот йўқ. |
| 14 | Mauritius | Аъзо | маълумот йўқ | 1.16 | 20 | Bank of Mauritius |
| 15 | Nauru | Аъзо эмас | Former UN Trustee | 0.01 | маълумот йўқ. | маълумот йўқ. |
| 16 | Netherlands Antilles | Аъзо эмас | Part of the Netherlands | 0.2 | 56 | Bank van de Netherlandse Antillen |
| 17 | Niue | Аъзо эмас | In Free Assoc. with N.Z. | 0.002 | маълумот йўқ. | маълумот йўқ. |
| 18 | Panama | Аъзо | маълумот йўқ | 2.76 | 97 | Superint.cy of Banks of the Rep. of Panama |
| 19 | Samoa | Аъзо | маълумот йўқ | 0.17 | маълумот йўқ. | маълумот йўқ. |
| 20 | Seychelles | Аъзо | маълумот йўқ | 0.08 | 6 | Central Bank of Seychelles |
| 21 | St. Kitts and Nevis | Аъзо | маълумот йўқ | 0.04 | маълумот йўқ. | MOF, ECCB |
| 22 | St. Lucia | Аъзо | маълумот йўқ | 0.15 | 7 | Fin. Serv. Sup. Dept. of MOF, ECCB |
| 23 | St. Vincent and Grenadines | Аъзо | маълумот йўқ | 0.11 | 17 | MOF, ECCB |
| 24 | Turks and Caicos | Аъзо эмас | U.K. Overseas Territory | 0.02 | маълумот йўқ. | Financial Services Commission |
| 25 | Vanuatu | Аъзо | маълумот йўқ | 0.18 | 7 | Vanuatu Financial Services Commission |

**Манба:** *Халқаро валюта фонди (ХВФ)нинг маълумотларига кўра муаллиф томонидан тузилган. https://www.imf.org/external/np/mae/oshore/2000/eng/back.htm*

*** Биринчи гурух (I гурух) одатда кооператив сифатида қараладиган ва асосан халқаро стандартларга мос келадиган юқори сифатли назоратга эга юрисдикцияли оффшор ҳудудлардир.**

****Иккинчи гурух (II гурух) одатда назорат ва ҳамкорлик учун тартиб-қоидаларга эга бўлган, аммо бу ердаги ҳақиқий кўрсаткичлар халқаро стандартлардан сезиларли даражада паст бўладиган оффшор ҳудудлардир.**

*****Учинчи гурух (III гурух) одатда назорат сифати паст ва/ёки назорат органлари билан умуман ҳамкорлик қилмайдиган, халқаро стандартларга амал қилишга уринишлар борасида умидсиз оффшор ҳудудлардир.**

Оффшор ҳудудларнинг 3 та йирик гуруҳларга бўлиниши борасида қуйидаги дастлабки фаразлар шаклланади, яъни ушбу ҳудулар орасида энг “ашаддий” ҳисобланган ва глобал инвестицион фаоллик ва иқтисодий хавсизликка салбий таъсир этувчи ҳудудлар 3-гуруҳ туркумига кирувчи оффшорлар десак, тўғри бўлади. Сабаби, мазкур ҳудудлар халқаро молия институтлари томонидан инвестицияларнинг глобал ҳаракатланиши, халқаро транзакцияларни амалга ошириш борасида ўрнатилган халқаро тартибларга амал қилишни истамайди.

Оффшор ҳудудларнинг глобал инвестицион фаолликка таъсирини баҳолашда уларнинг географик тақсимоти ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу борада, Халқаро валюта фонди (ХВФ)нинг маълумотларига асосланиб, қуйидаги жадвал маълумотларини кўриб чиқамиз. (2-жадвал)

**2-жадвал**

**Оффшор ҳудудларнинг географик жойлашуви**

| Африка | Осиё ва Тинч океани | Европа | Яқин Шарқ | Ғарбий Яримшар |
|---|---|---|---|---|
| Djibouti | Cook Islands (FSF) | Andorra (FSF) | Bahrain (J) (OG) (FSF) | Anguilla (FSF) |
| Liberia (J) | Guam | Campione | Israel | Antigua (FSF) |
| Mauritius (OG) (FSF) | Hong Kong, SAR (J) (OG) (FSF) | Cyprus (OG) (FSF) | Lebanon (J) (OG) (FSF) | Aruba (J) (OG) (FSF) |
| Seychelles (FSF) | Japan[1] | Dublin, Ireland (FSF) | | Bahamas (J) (OG) (FSF) |
| Tangier | Labuan, Malaysia (FSF) | Gibraltar (OG) (FSF) | | Barbados (J) (OG) (FSF) |
| | Macao, SAR (FSF) | Guernsey (OG) (FSF) | | Belize (FSF) |
| | Marianas | Isle of Man (OG) (FSF) | | Bermuda (J) (OG) (FSF) |
| | Marshall Islands (FSF) | Jersey (OG) (FSF) | | British Virgin Islands (FSF) |
| | Micronesia | Liechtenstein (FSF) | | Cayman Islands (J) (OG) (FSF) |
| | Nauru (FSF) | London, U.K. | | Costa Rica (FSF) |
| | Niue (FSF) | Luxembourg (FSF) | | Dominica |
| | Philippines | Madeira | | Grenada |
| | Singapore[2](J) (OG) (FSF) | Malta (OG) (FSF) | | Montserrat |
| | Tahiti | Monaco (FSF) | | Netherlands Antilles (J) (OG) (FSF) |
| | Thailand[3] | Netherlands | | Panama (J) (OG) (FSF) |
| | Vanuatu (J) (OG) (FSF) | Switzerland (FSF) | | Puerto Rico |
| | Western Samoa (FSF) | | | St. Kitts and Nevis (FSF) |
| | | | | St. Lucia (FSF) |
| | | | | St. Vincent and Grenadines (FSF) |
| | | | | Turks and Caicos Islands (FSF) |
| | | | | United States[4] |
| | | | | Uruguay |
| | | | | West Indies (UK) (J)[5] |

**Манба:** *Халқаро валюта фонди (ХВФ)нинг маълумотларига кўра муаллиф томонидан тузилган. https://www.imf.org/external/np/mae/oshore/2000/eng/back.htm*

***Изоҳ:***

*(J) = Ташқи қарз бўйича Жаҳон банкининг қўшма статистикаси бўйича.*

*(OG) = Банк назоратчиларининг офшор гуруҳи.*

*(FSF) = Молиявий барқарорлик форумининг оффшор молия марказлари бўйича ишчи гуруҳи.*

*1Япония оффшор бозори (JOM).*

*2Осиё валюта бирликлари (ACUs).*

*3 Бангкок халқаро банк муассасалари (BIBFs).*

*4 АҚСҲ Халқаро банк хизматлари (IBFs).*

*5 Виржиния ороллари, Ангуилла ва Монсерратни ўз ичига олади.*

Оффшор ҳудудларнинг географик жойлашуви таҳлили шуни кўрсатадики, ер шарининг Ғарбий ярימшари, Европа қитъаси, Осиё ва Тинч океани ҳудудида оффшор ҳудудларнинг кўп эканлигини кўрамиз. Африка ва Яқин Шарқ ҳудудида уларнинг сони кам. Бу ҳам оффшор ҳудудлар давлатларнинг сиёсий турғун, иқтисодий барқарор минтақаларга ёндош географик ҳудудларда жойлашишга мойил эканлигини англатади. Сабаби, ушбу ҳудудларда капиталнинг сақланиши муайян сиёсий ва иқтисо-

дий кафолатларга эгалигидан далолат беради. Оффшор ҳудудларнинг географик жойлашуви минтақалар бўйича инвестицион оқимлар билан ҳам тўғри пропорционал алоқага эга. Яъни, Африка ва Яқин Шарқ мамлакатларидан "чиқариб юборилган" молиявий ресурслар бошқа минтақалардаги оффшор ҳудудларда тўпланмоқда (1-расм).

Статистик маълумотлардан шуни кўриш мумкинки, дунё бўйича тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг тақсимотида ривожланган давлатлар 16 фоизига, Европа давлатлари 3,8 фоизига, Шимолий Америка давлатлари 9,3 фоизига, Африка давлатлари 2,08 фоизига, Осиё давлатлари 27 фоизига эгалик қилмоқда.




**1-расм. 2019-2020 йилларда дунё минтақалари кесимида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳаракати, (млрд. доллар ва фоизларда)**

**Манба:** *"World Investment Report 2021" маълумотларига кўра муаллиф томонидан тузилган. https://unctad.org/system/files/official-document/wir2021_en.pdf#page=20*

Бу рақамлар юқорида билдирилган оффшор ҳудудларнинг географик жойлашуви ва капитал оқими ўртасидаги тўғри пропорционал боғлиқлик борлиги ҳақидаги фикримизни исботлайди. Шунингдек, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг глобал ва минтақавий оқимидаги 2020 йилдаги 2019 йилга нисбатан кескин ўзгаришлар 2019 йилда бошланган ва дунё мамлакатларига тезда тарқалган COVID-19 пандемиясининг салбий таъсири билан бевосита боғлиқдир.

Таҳлилчиларнинг маълумотларига кўра, халқаро капитал оқимининг 60% дан ортиғи ва жаҳон валюта операцияларининг 70% дан ортиғи айнан оффшор ҳудудлар ҳиссасига тўғри келиши ҳам ушбу ҳудудларнинг глобал инвестицион фаоллика таъсири масштабини яққол намоён этади. Шунингдек, уларнинг фикрича, юқори технологиялар соҳасидаги компаниялар "ирландча икки томонлама схема"дан фаол фойдаланади. Бу схемада Ирландияда рўйхатдан ўтган иккита компаниядан фойдаланиш назарда тутилади. Яъни, АҚШда фаолият юритадиган бош хорижий ташкилот интеллектуал мулк ҳуқуқларини биринчи Ирландия компаниясига (N1) ўтказади, у эса, ўз навбатида, ушбу ҳуқуқларни иккинчи Ирландия компаниясига (N2) катта миқдорда сотади. Айни вақтда, N2 тўлақонли компания бўлиб, унинг ишчилари, ўз офиси мавжуд бўлиб, у бутун дунё бўйлаб хорижий бош ташкилот номидан фаолият юритади ва даромадларни тўплайди. Сўнгра даромадларнинг катта қисмини N1 интеллектуал мулкидан фойдаланганлик учун тўловлар шаклида ўтказади. Эътиборлиси, агар иккала компания ҳам

Ирландияда рўйхатдан ўтган бўлса, бу имтиёзли солиққа тортиш ҳисобланади (Ирландияда -12,5%, АҚШда - 35%). Аммо ҳақиқат шундаки, N1 (деярли амалда) корпоратив солиқни умуман тўламайди, чунки унинг штаб-квартираси, одатда, оффшорда “нол” ставкада корпоратив солиқ билан рўйхатдан ўтган (масалан, Бермуд оролида) ва Ирландия қонунчилигига биноан ташкилот у ерда солиқ тўлаши мумкин. Бироқ, агар N2 тўғридан-тўғри Бермудга N1 учун пул ўтказса, у барибир солиққа тортилади. Шу сабабли, маблағларни Голландия оффшор компанияси орқали сарфлаш керак, шундан сўнг солиқлар деярли нолга камайтирилиши мумкин. Бундай ҳолат халқаро майдонда “икки томонлама ирландча ичимлик голланд сендвичи билан” деб номланади. Хулоса шуки, N2 пулни N1 га эмас, балки голландиялик компанияга ўтказади. Кейинчалик, Голландиянинг имтиёзли солиқ режимидан фойдаланган ҳолда, у йиғилган маблағни яна ирландча схема аъзоси бўлган ўз оффшор компаниясига ўтказади. Шу тарзда, бош хорижий ташкилот солиқ тўловларини сезиларли даражада камайтиради [4,11].

Бундай механизмлардан мамлакатларнинг давлат тузилмалари кўпинча қурилиш шартномаларини тузишда, синдикатланган кредитлар олишда оффшор тузилмалардан фаол фойдаланадилар.

Жаҳон иқтисодий ҳамжамияти оффшор компанияларнинг салбий роли ва халқаро иқтисодий хавфсизликка таҳдидини қаерда кўрмоқда? Сўнгги ўн йилликларда трансмиллий молиявий капиталнинг янги шакли - оффшор капитали пайдо бўлди. У “кўзга ташланмаслик”, номаълумлик, давлат томонидан тартибга солишдан қочиш, солиқ тўлашдан бўйин товлаш, жиноий тузилмалар билан алоқалар каби хусусиятлар билан ажралиб туради. Бу эса мамлакатларда солиққа тортиш тизимига жиддий путур етказади. Солиқлардан мунтазам қочиш орқали мамлакатлар фискал тизимининг заифлашуви ва оқибатда инвестицион-иқтисодий имкониятларнинг чекланиши глобал миқёсда кузатилиши мумкин. Шу сабабли, дунё давлатлари оффшор ҳудудлар муаммосига жиддий ёндашиб келмоқда.

Мавзу доирасида олиб борилган илмий-тадқиқотлар асосида махсус иқтисодий зоналарнинг алоҳида бир тури сифатида оффшор ҳудудларнинг глобал инвестицион фаоллик ва иқтисодий хавфсизликка таъсирининг ижобий ва салбий жиҳатлари борасидаги қиёсий таҳлил қуйидаги жадвалдан ўрин олган. (3-жадвал)

**3-жадвал**

**Оффшор ҳудудларнинг глобал инвестицион фаоллик ва иқтисодий хавфсизликка таъсири: ижобий ва салбий жиҳатлар қиёсий таҳлили**

| Салбий хусусиятлари | Ижобий хусусиятлари |
|---|---|
| Оффшор фаолият адолатсиз солиқ рақобатини, капитал келиб чиққан мамлакатлар резидентларининг ҳуқуқларини поймол қилишни келтириб чиқаради. | Улар халқаро бизнесни ривожлантириш учун замин яратади, кўплаб кичик ва ўрта бизнесни жаҳон иқтисодиётига жалб қилади ва глобал даражада ишлаш учун имкониятдир. |
| Оффшорлар миллий иқтисодиётлардан капиталнинг чиқиб кетишига ва натижада капитал келиб чиққан мамлакатларда инвестицион фаолликнинг пасайишига кучли таъсир этади. | Умумий нуқтаи назардан, оффшор компаниялар солиққа тортишнинг глобал даражасини пасайтиради, бу инвестициялар имкониятини оширади, иқтисодий фаолликни рағбатлантиради. |
| Оффшор компаниялар яширин иқтисодиётни қўллаб-қувватлашга хизмат қилади ва бу айниқса жиноят фаолиятдан олинган “хавфли даромадлар”ни легаллаштиришга (жиноий даромадларни легаллаштириш) хизмат қилади. | Кўпгина корхоналар учун оғирлик марказининг оффшорга силжиши давлатнинг экспроприацияси, умуман олганда “маиший иқтисодий жиноят”лар таъсирини камайтиради, бу инвестицияларни, шу жумладан капитал экспорт қилинган иқтисодиётни рағбатлантиришни оширади. |
| Пулнинг оффшордан олиб чиқилиши ижтимоий табақаланишнинг чуқурлашишига, оффшорда ва капитал келиб чиққан мамлакатда тўланадиган солиқлар ва йиғимлар даражасидаги фарқ туфайли капитал келиб чиққан мамлакатлардаги тенгсизликнинг кучайишига олиб келади. | Кам солиқлар, бюрократик ҳисоботларнинг йўқлиги ва тақиқлар глобал иқтисодиётдаги ўзгаришларга мослашиш осонроқ бўлган оффшор компанияларнинг рақобатбардошлигини оширади. |
| Анонимлик, заиф назорат экстремистик фаолиятни, жумладан, терроризмни молиялаштириш имкониятларини ошириш учун замин яратади. | Оффшорлар ташкил этилган кичик давлатлар учун иқтисодий ва ижтимоий яшовчанликнинг “ягона йўли” ҳисобланади, чунки улар ўз аҳолисини таъминлайдиган бошқа рақобатдош устунликларга эга эмас. |

**Манба:** *тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан тузилган.*

Ушбу қиёсий таҳлилдан келиб чиқиб, оффшор ҳудудларнинг бошқа махсус иқтисодий ҳудудлардан инвестицион фаолликни ошириш, унга таъсири борасидаги фарқи шундан иборатки, оффшор ҳудудларнинг фаолиятига давлат органларининг маъмурий аралашув даражаси ва солиқ имтиёзларининг барқарорлиги таъминланган давлатларга пул оқимларининг тўпланиши, яъни ушбу давлатга инвестициялар оқимини фаоллаштиради. Сабаби, бошқа турдаги махсус иқтисодий зоналар ўз фаолияти давомида орттирилган даромадлари, киритилаётган инвестицияларнинг “назоратдан ўтказилиши” бўйича мунтазам равишда ҳудуд жойлашган давлат органларига белгиланган ҳисоботларни тақдим этиш орқали оффшор ҳудудларга нисбатан ўзининг инвестицион жозибадорлигини йўқотади.

Юқоридагилар асосида айтиш керакки, мамлакатимизда ҳам оффшор даромадларни легаллаштириш орқали инвестицион ва иқтисодий хавфсизликка таъсирини камайтириш борасида мунозарали ҳолатлар мавжуд. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси солиқ резидентининг назорат қилинувчи чет эл ташкилотининг қандай фойдаси (даромади)га солиқ солинишига ҳам аниқлик киритиш зарурдир. Назорат қилинувчи чет эл компаниялар тўғрисида қоидаларни қабул қилган давлатларнинг асосий қисмида фақатгина назорат қилинувчи чет эл компанияларининг пассив даромадлари (дивиденд, роялти ва бошқалар) ҳамда уларнинг фақатгина оффшор юрисдикцияларда олинган даромадларига солиқ солинади [13].

**Мамлакатимизда ҳам оффшор даромадларни легаллаштириш орқали инвестицион ва иқтисодий хавфсизликка таъсирини камайтириш борасида мунозарали ҳолатлар мавжуд. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси солиқ резидентининг назорат қилинувчи чет эл ташкилотининг қандай фойдаси (даромади)га солиқ солинишига ҳам аниқлик киритиш зарурдир.**

Ўзбекистон Республикасида мамлакат солиқ резидентлари томонидан бошқариладиган ёки назорат қилинадиган норезидент юридик шахсларнинг оффшор ҳудудлардаги фаолияти натижасида оладиган даромадларига солиқ солишни такомиллаштириш мақсадида амалдаги солиқ қонунчилигига “назорат қилинувчи чет эл ташкилотлари” институти ва мазкур чет эл компанияларидан олинган даромадларга солиқ солиш қоидасини амалга киритиш бўйича [12] ишлар олиб борилмоқда. Бу борада, “Юридик ва жисмоний шахслар томонидан валюта операциялари амалга оширилишининг асосланганлиги юзасидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисида низом”га ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилди [14] (Адлия вазирлигидаги рўйхат рақами: 2467-3, 12.10.2020 й.). Мазкур норматив қоидаларнинг ўзгартирилиши натижасида қуйидаги ҳолатлар ҳуқуқий ечим топди:

- банк филиаллари ва божхона хизмати органларининг ҳудудий бошқармаларидан ахборот оладиган солиқ органлари аниқлаштирилди, яъни уларга ҳудудий давлат солиқ бошқармалари ва йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекцияси кабилар киритилди;
- мезонлардан бирига тузатиш киритилди – резидент-жисмоний шахс томонидан жисмоний шахсларнинг хориждаги ҳисобварағига пул маблағлари ўтказмаси суммаси. Агар бир календарь йили давомида ўтказма суммаси 100 млн. сўмдан ортиқ бўлса (илгари 10 минг АҚШ долл. экв) банклар хабар беришлари керак;
- валюта операциялари тўғрисидаги маълумот илгаригидек йил бошидан ўсиб бориш тартибида эмас, балки ҳар ҳисобот ойи учун алоҳида тақдим этилади;
- божхона органлари ҳам олиб кирилаётганда, ҳам олиб чиқилаётганда (олдин фақат олиб кирганда ва амалга оширганда) аниқланган товарнинг фактура қийматини асоссиз равишда ошириш ва камайтириш ҳолатлари тўғрисида хабар беришлари керак;
- улар билан валюта операциялари (импорт бўйича тўлов, банк ҳисобварақларига ўтказиш) мониторинг қилиниши лозим бўлган оффшор ҳудудлар рўйхати кенгайтирилди. Рўйхатга Америка Самоаси, Аруба, Гватемала, Доминика, Кирибати, Монако, Норманд Олдерни ороли, Питкэрн, Сан-Марино, Сен-Мартен (Синт-Мартен), Уругвай ва Филиппин киритилди;
- мониторингнинг янги механизми жорий этилди. Олинган маълумотларни ўрганиш чоғида солиқ

органлари электрон ахборот базаларидаги ҳамда ўзларида мавжуд бошқа маълумотларга таянадилар. Валюта операцияларини амалга ошириш тартиби бузилганлик ҳолатлари аниқланганда, хўжалик юритувчи субъектга сўровнома юборилади [14,15].

**Хулоса ва таклифлар.** Юқорида кўриб ўтилган ҳолатлар юзасидан қуйидаги хулоса ва тавсиялар шакллантирилди:

- оффшор ҳудудларда "имтиёзли солиқ режими"нинг амал қилиш хусусияти уларнинг махсус иқтисодий зоналарнинг муайян тури эканлигидан далолат беради;
- оффшор ҳудудларда тўпланадиган даромадларнинг солиққа тортилмаслиги, улардаги махфийликнинг кучли эканлиги ушбу ҳудудларнинг глобал инвестицион фаолликда қонуний капитал ҳаракатидан айланиб ўтишга имконият беради;
- мамлакатлардаги солиқ ставкаларининг юқори эканлиги, норезидентларга қулай инвестицион муҳитнинг яратилмаганлиги улардаги молиявий капиталнинг оффшор ҳудудлар томон ҳаракатланишига замин яратиб беради;
- Ўзбекистонда махсус иқтисодий зоналарда қулай инвестицион муҳитнинг такомиллаштирилиши мамлакатдаги инвестицион фаолликнинг оффшор ҳудудлар томон ҳаракатланишининг олдини олиши мумкин;
- мамлакатимиздаги махсус иқтисодий зоналардаги иштирокчиларга солиқ имтиёзларини "ҳудудлар омилидан" келиб чиқиб бериш инвестицион фаолликка ижобий таъсир этади;
- эркин иқтисодий зоналар иштирокчиларининг инвестиция лойиҳаларини кредитлаш учун халқаро молия институтлари махсус кредит линиялари жалб қилиш орқали инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш манбаларини кенгайтиришга эришиш мумкин.

***Манба ва адабиётлар***

*1. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Савдо ва ривожланиш бўйича конференцияси – UNCTAD (United Nations Conference on Trade and Development) "World Investment Report" ҳисоботи. Манба: https://worldinvestmentreport.unctad.org/world-investment-report-2019/chapter-4-special-economic-zones/*

*2. Financial Stability Forum, (2000). Report of the Working Group on Offshore Centres. https://www.taxjustice.net/cms/upload/pdf/WP03-02.pdf*

*3. Anna Tytko, Iryna Sukhan, Marianna Koshchynets. Offshore territories: positive and negative impacts on the global economy. Baltic Journal of Economic Studies. Vol. 4, No. 5, 2018. Doi: https://doi.org/10.30525/2256-0742/2018-4-5-352-356.*

*4. Ю.П.Господарик, М.В.Пашковская. Международная экономическая безопастность. Учебник. -3-е изд, стер. - М.: Университет, «Синергия», 2018. -416 с.*

*5. В.И.Баронов, .М.Косюнина. Свободные экономические и офшорные зоны: (экономико-правовые вопросы зарубежной и российской практики): учебное пособие. - Москва: Магистр: ИНФРА-М, 2019. - 560, [1] с.: ил., табл.; 22 см. - (Магистратура).; ISBN 978-5-9776-0267-9*

*6. Prem Sikka. University of Essex, UK. The role of offshore financial centres in globalization. Accounting Forum Volume 27, 2003 - Issue 4. https://www.tandfonline.com/doi/abs/10.1046/j.1467-6303.2003.t01-2-00111.x?tab=permissions&scroll=top*

*7. Каримқулов Ж. Эркин иқтисодий ҳудудларга хорижий инвестицияларни жалб қилишни ривожлантириш йўналишлари. 08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит». Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. Тошкент – 2019. 244 б.*

*8. Халқаро валюта фонди (ХВФ)нинг маълумотлари.*

*https://www.imf.org/external/np/mae/oshore/2000/eng/back.htm*

*9. World Investment Report 2021 https://unctad.org/system/files/official-document/wir2021_en.pdf#page=20*

*10. https://www.imf.org/external/np/mae/oshore/2000/eng/back.htm*

*11. Financial Stability Forum. Report of the Working Group on Offshore Centres. https://www.fsb.org/wp-content/uploads/r_0004b.pdf?page_moved=1*

*12. Тўрабоев И.Қ. Норезидентлар иштирокидаги солиқ тўлашдан бўйин товлашга қарши курашиш механизмини такомиллаштиришнинг айрим масалалари. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон молия-банк тизимининг ривожланиши. Илмий-амалий анжумани мақолалари тўплами. (2016 йил 25 ноябр).-Т.: ТДИУ, 2016. - 684 б.*

*13. И.Қ.Тўрабоев. Норезидент юридик шахсларга солиқ солиш тартибини такомиллаштиришнинг алоҳида масалалари. Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили. 2017 №2. 10-б*

14. Юридик ва жисмоний шахслар томонидан валюта операциялари амалга оширилишининг асосланганлиги юзасидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисида низом. https://www.lex.uz/docs/2186019

15. https://yuz.uz/news/offshor-hududlar-royxati-kengaytirildi

## Махсус иқтисодий зоналар сифатида оффшор ҳудудларнинг глобал инвестициялар ва халқаро иқтисодий хавфсизликка таъсири

**Жаъсур Умирзоқов,**
*Тошкент молия институти таянч докторанти*

**Аннотация:** *ушбу мақолада оффшор ҳудудларнинг иқтисодий мазмуни, уларнинг шаклланиш ва ривожланиш эволюцияси ёритилган. Шунингдек, оффшор ҳудудларнинг халқаро молия институтлари томонидан гуруҳланиши, уларнинг асосий хусусиятлари ва фаолият турлари борасидаги маълумотлар таҳлил этилган. Асосийси, мақолада оффшор ҳудудларнинг глобал инвестицион фаолликка таъсири натижасида халқаро иқтисодий хавфсизликни таъминлашдаги салбий жиҳатларига эътибор қаратилган. Мақола сўнггида илмий-тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб, Ўзбекистонда оффшор даромадларнинг инвестицион фаолликка салбий таъсирининг олдини олишга қаратилган тавсиялар берилган.*

**Калит сўзлар:** *махсус иқтисодий зона, оффшор ҳудудлар, "солиқ гаванналари", солиқ имтиёзлари, иқтисодий хавфсизлик, инвестицион фаоллик, молиявий схемалар, Халқаро валюта фонди, валюта, транзакция назорати, солиққа тортишдан қочиш, қонунийлик, молия хизматлари марказлари, молиявий операциялар.*

## Влияние оффшоров как особых экономических зон на глобальные инвестиции и международную экономическую безопасность

**Жаъсур Умирзоков,**
*докторант Ташкентского финансового института*

**Аннотация:** *в данной статье рассмотрено экономическое содержание оффшорных зон, эволюция их формирования и развития. Также проанализированы данные о группировке оффшорных зон по международным финансовым организациям, их основные признаки и виды деятельности. Самое главное, в статье акцентируется внимание на негативных сторонах оффшорных зон в обеспечении международной экономической безопасности в результате их влияния на глобальную инвестиционную активность. В конце статьи по результатам исследования даны рекомендации по предотвращению негативного влияния оффшорных доходов на инвестиционную деятельность в Узбекистане.*

**Ключевые слова:** *специальная экономическая зона, офшорные зоны, «налоговые гаванны», налоговые льготы, экономическая безопасность, инвестиционная деятельность, финансовые схемы, Международный валютный фонд, валюта, транзакционный контроль, уклонение от уплаты налогов, законность, центры финансового обслуживания, финансовые операции.*

## The impact of offshore areas as special economic zones on global investment and international economic security

**Jasur Umirzokov,**
*PhD doctoral student of the Tashkent Financial Institute*

**Abstract:** *this article discusses the economic content of offshore zones, the evolution of their formation and development. Also analyzed are data on the grouping of offshore zones by international financial organizations, their main features and activities. Most importantly, the article focuses on the negative aspects of offshore zones in ensuring international economic security as a result of their impact on global investment activity. At the end of the article, based on the results of the study, given suggestions to prevent the negative impact of offshore income on investment activities in Uzbekistan.*

**Keywords:** *special economic zone, offshore zones, "tax hawks", tax benefits, economic security, investment activity, financial schemes, International Monetary Fund, currency, transaction control, tax evasion, legality, financial service centers, financial operations.*

**УЎК: 631.153**

**Ҳулкар ТУРОБОВА,**
*Бухоро давлат университети катта ўқитувчиси,*
**E-mail:** *hulkar-rustamkhon@mail.ru,*
**Зумрад ҚАЙИМОВА,**
*Бухоро давлат университети катта ўқитувчиси*

# Ўзбекистонда биоиқтисодиётни ривожлантириш омиллари

**Кириш.** Биоиқтисодиёт одатда Ернинг энергия ресурсларини тежаш истиқболи сифатида тан олинади, чунки унинг асосий йўналишлари қаторида муқобил энергия манбаларини ривожлантириш ва энергия самарадорлигини ошириш, чиқиндилардан самарали фойдаланиш, биомассага асосланган қайта тикланадиган энергияни ривожлантириш, саноат секторини кўкаламзорлаштириш, қишлоқ хўжалиги барқарорлигини ошириш, янги озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, тиббий технологияларни ривожлантириш, қайта тикланадиган биологик хом ашё асосидаги биотехнологиялардан фойдаланиш ва бошқаларни қамраб олади.

Ўзбекистонда ҳам биоиқтисодиётни ривожлантириш борасида ҳуқуқий база шакллантирилиб, узоқ муддатга мўлжалланган ривожлантириш стратегиялари ишлаб чиқилди. “2019–2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегияси”, “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 - 2030 йилларга мўлжалланган стратегияси” ва шу каби бошқа ҳужжатларда иқтисодиётнинг энергия самарадорлиги етарли даражада эмаслиги, табиий ресурслардан оқилона фойдаланмаслик, технологиялар янгиланишининг сустлиги, "яшил" иқтисодиётни ривожлантириш учун инновацион ечимларни жорий этишда кичик бизнеснинг фаол иштирок этмаётгани миллий иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг устувор мақсадларига эришишга тўсқинлик қилаётганлиги таъкидлаб ўтилган. Мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун иқтисодий ривожланиш жараёнларига иқтисодиётнинг барча тармоқларида кам углерод сарфлаган ҳолда ривожланиш ва ресурсларни тежаш, самарали ва экологик тоза технологияларни жорий этиш, шунингдек, барқарор қишлоқ хўжалигига йўналтирилган "яшил" иқтисодиёт тамойилларини интеграция қилиш орқали табиий ва энергия ресурсларидан фойдаланиш усулларини тубдан ўзгартириш талаб этилади.

**Адабиётлар шарҳи.** Биоиқтисодиёт тушунчаси олимлар ва мутахассислар томонидан турлича талқин қилинади. Д.Н.Лыжиннинг фикрича, биоиқтисодиёт: а) мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантиришнинг асосий инновацион соҳаларидан бири ҳисобланади; б) XX аср охири – XXI аср бошларидаги “биотехнологик инқилоб” ютуқларига таянади; в) кластер ёндашуви, давлат-хусусий шериклик ва технологик платформаларни бирлаштириш тамойилига асосланади. Янги технологик тартиб иқтисодиёти – биоиқтисодиёт “иқтисодиёт-жамият-биосфера” тизимининг барқарор уйғун ривожланиши тамойилларига асосланиши керак, бу эса эски моделдаги ўсиш ва ўзини-ўзи ташкил этиш муаммоларини ҳал қилади [1].

Н.В.Акканина ва М.А.Романюкларнинг фикрига кўра, кўпинча биоиқтисодиётга биотехнологияларни амалга оширишнинг иқтисодий механизми, яъни мавжуд технологик тартибнинг янги тармоғи сифатида қаралади [2].

А.Э.Сулейманкадиева биоиқтисодиётга турли томондан ёндашиб, илмий жиҳатдан биологик ва иқтисодий фанларни бирлаштирувчи ижтимоий фан сифатида қарайди, когнитив (билим) ёндашув сифатида эса иқтисодиётнинг билим ва когнитив тамойилларини барча бошқа фанларни, биринчи

навбатда, биология, биотехнология ва бошқаларни ўз атрофида бирлаштириб, "қурувчи" янги биоиқтисодий фанни шакллантиришнинг асоси деб ҳисоблайди. Иқтисодиёт сифатида учта билим "устунлари"га асосланади: 1) янги маҳсулотларни лойиҳалаш ва ишлаб чиқиш учун ген ва ҳужайра жараёнлари ҳақидаги билимлардан фойдаланиш; 2) "барқарор" ишлаб чиқаришни рағбатлантириш учун қайта тикланадиган биологик манбалар ва самарали биопроцесслардан фойдаланиш; 3) биотехнология соҳасидаги билимларни бирлаштириш ва уни турли соҳаларда қўллашни таъкидлайди [3].

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (OECD-Organisation for Economic Co-Operation and Development) биоиқтисодиётни "ҳаёт ҳақидаги билимларни янги, барқарор, экологик жиҳатдан самарали ва рақобатбардош маҳсулотларга айлантириш" сифатида таъкидлади (OECD, 2009). 2015-йилда Берлинда бўлиб ўтган биринчи глобал биоиқтисодиёт саммитида "биоиқтисодиёт - бу билимга асосланган ишлаб чиқариш ва биологик ресурслардан фойдаланиш, биологик жараёнлар ва иқтисодиётнинг барча тармоқларида маҳсулот ва хизматларни барқарор таъминлаш тамойиллари" деб таърифланди. (Global Bioeconomy Summit, 2015).[4]

**Биоиқтисодиёт учта асосий элементни ўз ичига олади:**

- барқарор ишлаб чиқаришни рағбатлантириш учун қайта тикланадиган биомасса ва самарали биожараёнлардан фойдаланиш;

- фаоллаштирувчи ва конвергент технологиялар: биотехнологиядан ташқари, асосий ривожланиш - бу рақамлаштириш (аниқ қишлоқ хўжалиги) ва "биологизация"( "biologisation") комбинацияси;

- секторлар бўйича биотехнология билимлари ва иловаларининг интеграцияси: Интеграция бирламчи ишлаб чиқариш (яъни барча тирик табиий ресурслар), соғлиқни сақлаш (яъни, фармацевтика ва тиббий асбоблар) ва саноатга (масалан, кимёвий моддалар, пластмассалар, ферментлар, целлюлоза ва қоғоз, биоэнергия) тегишли [4].

Ўзбек олимларидан А.А. Исаджанов "Яшил иқтисодиёт" – бу эртанги кун иқтисодиёти ва айнан у XXI аср иқтисодий тараққиётининг ҳаракатга келтирувчи кучи бўлиб, яшил иқтисодиёт назарияси қуйидаги учта аксиомага асосланади: - чекланган маконда таъсир соҳасини узлуксиз кенгайтириб бўлмайди; - ресурслар чекланган шароитда узлуксиз ошиб бораётган эҳтиёжни қондиришни талаб қилиш мумкин эмас; - Ер юзида ҳамма нарса бир-бири билан боғлиқ"- деган фикрни таъкидлайди [5].

М.А.Орипов "Ўзбекистонда биоиқтисодиёт соҳаларини ривожлантиришнинг зарурат ва имкониятлари" номли илмий мақоласида мамлакат аҳолисининг озиқ-овқат таъминоти ва хавфсизлигига эришиш мақсадида биоиқтисодиётнинг жадал ўсишини таъминлаш учун циркуляр ишлаб чиқаришни кенг жорий этиш ва соҳада кластерларни ташкил этишни янада жонлантириш ва юқори қўшимча қийматга эга биомаҳсулотларни яратиш ва уларнинг экспортини кўпайтириш зарурлигини таъкидлаб, биоиқтисодиётни ривожлантиришнинг яна бир қанча йўналишларини келтириб ўтади [6].

Ўзбек олимлари ва мутахассислари томонидан биоиқтисодиёт ва у билан боғлиқ яшил иқтисодиёт соҳасида илмий тадқиқот ишларини янада такомиллаштириш зарурлиги, ушбу мавзуни тадқиқот мавзуси сифатида танлашимизга сабаб бўлди.

**Асосий қисм.** Ҳисоб-китоблар биоиқтисодиётнинг бутун биомасса қиймат занжири бўйлаб ўсиш, рақобатбардошлик ва иш ўринлари яратишга потенциал сезиларли таъсирини кўрсатади. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (OECD-Organisation for Economic Co-Operation and Development) (2009) ҳисоботига кўра, 2030 йилга келиб (OECD) ҳудудида "одатий бизнес" ҳисоб-китобига кўра, биоиқтисодиёт ЯИМнинг тахминан 2,7 фоизини ташкил қилиши мумкин (шундан саноатнинг 39 фоизи, қишлоқ хўжалигининг 36 фоизи ва соғлиқни сақлаш соҳасининг 25 фоизи). Ҳисобот шуни кўрсатадики, биоиқтисодиётдан келадиган фойдани шакллантиришнинг асосий омиллари бошқарувнинг "сифати" ва биотехнологиянинг иқтисодий рақобатбардошлигига боғлиқ бўлади.

**Ўзбекистонда биоиқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари қуйидагилар деб белгилаш мумкин:**

1. Қишлоқ, балиқчилик ва ўрмон хўжалиги;
2. Биотиббиёт, биофармацевтика ва биодиагностика;
3. Озиқ-овқат технологияси;
4. Саноат биотехнологияси;
5. Биоэнергетика;
6. Аквакультура;
7. Чўл биотехнологияси;
8. Биожараёнлар ва биоферментация.

**Ўзбекистонда биоиқтисодиётни ривожлантириш учун қуйидаги сабабларни кўрсатиш мумкин:**

**Биринчидан,** озиқ-овқат ва бошқа биологик ресурсларга асосланган саноат учун биомасса билан таъминлашда асосий таъминотчи сифатида қишлоқ хўжалиги марказий ўринда туради. Бизда қишлоқ хўжалиги тармоғининг имкониятлари жуда юқори бўлиб, 2021-йилда барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 7540,9 минг тонна дон экинлари, 3292,3 минг тонна картошка, 10859,3 минг тонна сабзавотлар, 2281,1 минг тонна полиз, 2852,5 минг тонна мева ва резаворлар, 1695,1 минг тонна узум етиштирилди. Бу 2018 йилга нисбатан дон етиштириш 18,2 фоиз, картошка 19,7 фоиз, сабзавотлар 12,7 фоиз, полиз маҳсулотлари 19,7 фоиз мева ва резаворлар 10,1 фоиз, узум етиштириш эса 8,3 фоиз кўп етиштирилган.




**1-расм. Ўзбекистонда етиштирилган деҳқончилик маҳсулотлари ҳажми кўрсаткичлари**
**Манба:** *www.stat.uz*

Чорвачилик соҳасининг ички имкониятларини ошириш бўйича чора-тадбирларнинг изчил амалга оширилиб борилаётганлиги, шунингдек, уларга давлат томонидан тизимли ёрдам кўрсатилиб келинаётганлиги чорва моллари бош сонининг кўпайишига, ички истеъмол бозорларини чорвачилик маҳсулотлари билан тўлдиришга имкон яратди.

2021-йилда барча тоифадаги хўжаликлар томонидан тирик вазнда 2640,4 минг тонна гўшт, 11286,9 минг тонна сут, 8053,1 млн. дона тухум етиштирилди ва 173 866 тонна балиқ овланди. 2018-йилга нисбатан 2021–йилда гўшт етиштириш 9,2 фоизга, сут етиштириш 7,6 фоизга, тухум етиштириш 9.4 фоизга, балиқ етиштириш 91.2 фоизга, жун етиштириш эса 9.1 фоизга ошган.

**1-жадвал**

**Ўзбекистонда етиштирилган чорвачилик маҳсулотлари ҳажми кўрсаткичлари**

| Маҳсулотлар | 2018 йил | 2019 йил | 2020 йил | 2021 йил | 2021 йилда 2018 йилга нисбатан ўсиш, %да |
|---|---|---|---|---|---|
| Гўшт, тирик вазнда, минг тонна | 2 417,40 | 2 465,00 | 2526,2 | 2 640,40 | 9,2 |
| Сут, минг тонна | 10 480,70 | 10 710,80 | 11 009,90 | 11 286,90 | 7,6 |
| Тухум, млн.дона | 7 360,50 | 7 757,40 | 7 825,00 | 8 053,10 | 9,4 |
| Балик, минг тонна | 91 | 115,2 | 144 | 174 | 91,2 |
| Жун, минг тонна | 35 | 35,4 | 35,7 | 38,20 | 9,1 |

**Манба:** *www.stat.uz*

Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳаси кўплаб муаммоларга дуч келмоқда. Бу аҳоли ва уларнинг даромадларининг ўсиши ҳамда у билан боғлиқ экологик тоза ва органик маҳсулотларга бўлган глобал талабнинг ўсиб бораётганлиги шунингдек, энергия ва саноат хом ашё тармоқлари эҳтиёжларини қондириш учун биомасса етказиб беришга бўлган талабни қондиришни ўз ичига олади. Бундан ташқари, сектор иқлим ўзгаришига мослашиши керак.

Ушбу талабларни қондириш агро-озиқ-овқат секторига иқлим ўзгариши шароитида атроф-муҳитни сақлаб қолиш билан бирга, танқис табиий ресурслардан озиқ-овқат ва хом ашё етказиб бериш бўйича босимни оширади. Ушбу муаммоларни барқарор тарзда ҳал қилиш иқлим ўзгариши оқибатларини юмшата оладиган янги маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва мавжуд технологиялар ва амалиётларни такомиллаштиришни талаб қилади.

**Иккинчидан,** қишлоқ хўжалигининг ривожланишига тўсиқ бўлаётган ер ресурслари, сув ресурслари ва бошқа табиий ресурслардан оқилона фойдаланишдаги муаммоларнинг мавжудлиги. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган 20,2 млн гектар ерларнинг атиги 20,7 фоизи суғориладиган ерлар ҳисобланади. Сўнгги 15 йил мобайнида аҳоли жон бошига суғориладиган ерлар 24 фоизга (0,23 га дан 0,16 гача) камайган. Мазкур ҳолат аҳоли сонининг ўсиши, сув таъминоти ҳажмининг қисқариши ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг бошқа ер фонди тоифаларига ўтиши натижасида юзага келган. Прогнозларга кўра, келгуси 30 йил мобайнида суғориладиган ер майдонлари яна 20 - 25 фоизга қисқариши мумкин [7] .

Охирги йилларда ерларнинг чўлланиши ва деградацияси кучаяётганлиги оқибатида турли даражадаги экологик муаммолар пайдо бўлмоқда. Ҳудудининг 80 фоизи чўл ва ярим чўллардан иборат бўлган Ўзбекистон Республикаси учун чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши курашиш масалалари барқарор ривожланишни таъминлашда устувор ўрин эгаллайди. Ҳозирги вақтда қарийб 10 млн. гектар яйловлар тубдан яхшиланишга муҳтож. Молларни бир яйловда қайта-қайта ўтлатиш, дарахтларни ёқилғи ва бошқа мақсадлар учун кесиш чўл зонасида дарахт-бута ўсимлигининг анча камайиб кетишига олиб келди [8].

Республикада кўчадиган қумлар қарийб 1 млн. гектар майдонни эгаллайди ва ушбу ерларнинг икки юз минг гектари сўнгги вақтда суғориладиган майдонлар атрофида пайдо бўлган. Бу эса чўлланиш жараёнининг жадаллашувида намоён бўлувчи жиддий таҳдидни вужудга келтирмоқда. Ерлар деградацияси қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига жалб қилинган суғориладиган ҳудудларда ҳам рўй бермоқда[8,9].

Мамлакат сув ресурсларининг қарийб 80 фоизи трансчегаравий сув ҳавзалари ҳисобига шаклланади. Мазкур ҳолат Марказий Осиёда, хусусан Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини барқарор бошқариш учун минтақавий ҳамкорликнинг муҳимлигини белгилайди. Мамлакатда ирригация тармоқларининг 70 фоизи фильтрацияга қарши қопламага эга эмас, оқибатда сувнинг бир қисми далагача етказиш жараёнида йўқотилмоқда. Таҳлилларга кўра, Ўзбекистонда экин майдонларига миллиардлаб куб метр сув йўналтирилса-да, унинг фақат 60 фоизи экинларга етиб боради, 40 фоизи суғориш тизимларида ва суғориш жараёнида йўқотилади. Мавжуд ирригация инфратузилмаси, насос станцияларининг катта қисми 30 - 40 йилдан ортиқ фойдаланилмоқда ва реконструкция ёки капитал таъмирга муҳтож.

Деҳқончиликнинг ирригацияга юқори даражада боғлиқлиги сабабли анъанавий суғориш услубларини қўллашнинг давом этаётганлиги ҳамда иқлим ўзгариши натижасида қурғоқчиликнинг кескин кучайиши билан вазият янада мураккаблашиши мумкин.

Жаҳон ресурслари институтининг прогнозига кўра, 2040 йилга бориб Ўзбекистон сув танқислиги энг юқори бўлган 33 та мамлакатнинг бирига айланади. Ҳосилдорликнинг камайиши озиқ-овқат хавфсизлиги ва тўлов баланси учун жиддий салбий оқибатларни келтириб чиқаради, бу эса сув ресурсларини барқарор бошқариш ва қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда ресурстежамкор технологияларни қўллаш заруратини юзага келтиради[7].

Мамлакатда минимал агроэкологик стандартлар мавжуд бўлсада, уларнинг асосий қисми эски технологияларга асосланган. Қишлоқ хўжалиги амалиётларини ишлаб чиқишда экологик омиллар ҳисобга олинмайди. Агроэкологик амалиётларни яхшилаш ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш стандартлари ва механизмларини ишлаб чиқишда экологик омилларга интеграция қилиш талаб этилади.

**Учинчидан,** мамлакатда биологик ресурсларнинг асосий таркибий қисмларидан бири ўрмон фонди ерлари бўлиб, 11,1 млн гектарни ёки умумий майдоннинг 25 фоизини ташкил этади. Ўрмон би-

лан қопланган майдонлар эса 3,2 млн гектарга (29 фоиз) тенг.

Сўнгги йилларда Ҳукумат томонидан ўрмон ресурсларини бошқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017 йилда Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ташкил этилди, ўрмонлар майдонини 2,3 млн гектарга кенгайтириш, 12 та янги ўрмон хўжаликларини ташкил этиш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилди [7].

Шунингдек, Орол денгизининг қуриган сатҳида ўрмонлар барпо қилиш, ҳимоя ўрмонзорлар майдонларини кенгайтириш, қишлоқ хўжалиги ерларида шамолдан ҳимояловчи яшил йўлакларни кўпайтириш, мукаммал мониторинг тизимини яратиш ва экологик таълим дастурларини такомиллаштириш ишлари олиб борилди.

Шу билан бирга, ўрмон ресурсларидан нооқилона фойдаланиш натижасида атроф-муҳит ва иқлим учун юзага келадиган салбий оқибатларни камайтиришга қаратилган қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ ҳудудларининг барқарор ривожланиши учун ўрмон ресурсларни самарали бошқариш асосий устувор йўналиш бўлиб ҳисобланади.

**Тўртинчидан,** мамлакатнинг озиқ-овқат таъминоти ва хавфсизлигидаги муаммолар. Асосий хавф озиқ-овқат таъминоти ва ноозиқ-овқат биомасса ишлаб чиқариш ўртасидаги рақобатнинг кучайиши билан боғлиқ. Муҳим дилемма шундан иборатки, фермер хўжаликларида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш қишлоқ хўжалиги ерларини озиқ-овқат ишлаб чиқаришдан бошқа мақсадларга йўналтиради ва шу тариқа биоиқтисодиётда "озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришининг камайиши" деган хавотирларни кучайтиради.

Бешинчидан, Биоиқтисодиёт кўпинча ижтимоий ва экологик муаммоларни ҳал қилишнинг асосий қисми бўлиши мумкинлигини таъкидлаш мумкин ва халқаро, миллий ва минтақавий даражаларда бир нечта стратегиялар ишлаб чиқилган.

**Ҳар қандай мамлакатнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиши деганда унинг миллий хўжалик мажмуасининг шундай ишлаши тушуниладики, бунда бир вақтнинг ўзида қуйидагилар назарда тутилади:**

- аҳолининг ўсиб бораётган моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш;

- табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни экологик тоза бошқариш;

- инсон саломатлиги учун қулай ҳаёт фаолиятининг табиий ва экологик шароитларини таъминлаш, атроф-муҳит сифатини ва ижтимоий ишлаб чиқаришнинг табиий ресурс салоҳиятини сақлаш, кўпайтириш ва яхшилаш.

Биоиқтисодиёт инновациялардан фойдаланиш, иқтисодий ўсишни рағбатлантириш ва энг муҳими, жамият ва атроф-муҳит учун фойдали натижаларни келтириб чиқариши мумкин бўлган муқобил ечимларни тақдим этади.

Шундай қилиб, биоиқтисодиёт саломатликни яхшилаш, қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулдорлигини ошириш ҳамда экологик барқарорликни оширишга ёрдам бериши мумкин бўлса-да, у мувофиқлаштирилган ҳукумат сиёсати ҳаракатини, тадқиқотга стратегик сармоя киритишни, фуқароларнинг фаол иштирокини ва барча томонлар ўртасида самарали мулоқотни талаб қилади. Тегишли тартибга солинмаса ва амалга оширилмаса, биоиқтисодиёт ижтимоий ва экологик муаммоларнинг янада кескинлашишига олиб келиши мумкин.

**Хулоса ва тавсиялар.** Мутахассислар ва олимлар биоиқтисодиётни ривожлантириш учта асосий муаммони ҳал қилишдаги катта роли туфайли жуда муҳим деб ҳисоблайдилар:

1) ресурслардан барқарор фойдаланиш зарурати;

2) озиқ-овқат ҳамда энергияга ортиб бораётган талаб;

3) иқтисодий ўсишни атроф-муҳит деградациясидан ажратиш зарурати.

**Хорижий олимларнинг илмий ва услубий тадқиқотларини ўрганишимиз натижасида биоиқтисодиётни қуйидагича талқин қилиш мумкин:**

1. Биоиқтисодиёт биологик ресурсларни ишлаб чиқарадиган, бошқарадиган ёки бошқа йўл билан ишлатадиган қишлоқ хўжалиги, балиқчилик ва тегишли соҳаларга (масалан, озиқ-овқат, озуқа, қоғоз, энергетика, тола саноати, кимё ва биотехнология саноати) асосланади.

2. Фан ва амалиётнинг ҳам илмий, ҳам амалий, ҳам таълим нуқтаи назаридан доимий янгиланиш ва ривожланишга муҳтож бўлган инновацион ва истиқболли йўналиши;

3. Ўзаро ва транс-маданий ҳодиса, чунки биоиқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш ва кўп тармоқли таълим олишда миллий, диний ва маданий чегаралар йўқ қилинади;

4. Фанлараро, транс ва мултидисциплинар тамойиллар асосида қурилган фан ва амалиёт соҳаси.

Биоиқтисодиётни ривожлантириш мураккаб, чунки у турли тармоқлар ва манфаатдор томонларни ўз ичига олади ва ишлаб чиқариш тизимлари ҳамда истеъмол шаклларидаги кенг кўламли ўзгаришлар билан боғлиқ. Биологик иқтисодиётнинг ўсиши учун зарур бўлган омиллар – технологиялар (масалан, чиқиндиларни камайтириш тизимлари), ташкилотлар (масалан, институционал ташкилот ва хатти-ҳаракатлардаги ўзгаришлар), ижтимоий жиҳатлар (масалан, иш ўринлари яратиш) ва сиёсат инновацияларидир.

Фан сифатида биоиқтисодиёт биология ва иқтисодиёт, яъни табиий ва гуманитар (қисман ижтимоий) фанларнинг интеграциялашуви натижасида вужудга келган фандир. «Биоиқтисодиёт» мустақил фан сифатида ягона назарий асосга эга эмас ва шунинг учун ҳам турли фан соҳалари ҳам, амалий фаолиятнинг турли соҳалари ҳам бирлашгани, лойиҳалаштирилганлигига эътибор қаратиш зарур. Энг муҳим миллий хўжалик муаммоларини узлуксиз ҳал этиш, яъни биоиқтисодиётни ҳақли равишда турли фанлар (тармоқлар) назариялари ва амалиётларининг симбиози деб ҳисоблаш мумкин.

**Фан сифатида биоиқтисодиёт биология ва иқтисодиёт, яъни табиий ва гуманитар (қисман ижтимоий) фанларнинг интеграциялашуви натижасида вужудга келган фандир. «Биоиқтисодиёт» мустақил фан сифатида ягона назарий асосга эга эмас ва шунинг учун ҳам турли фан соҳалари ҳам, амалий фаолиятнинг турли соҳалари ҳам бирлашгани, лойиҳалаштирилганлигига эътибор қаратиш зарур.**

Мамлакатимизда 2019 йилда “2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегияси” қабул қилинди. Унда биоиқтисодиётнинг асосий тармоқлари бўлган қишлоқ хўжалиги, сув хўжалиги, ўрмон хўжалигида самарадорликни ошириш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, чиқиндиларни қайта ишлашни такомиллаштириш ва кенгайтириш каби йўналишларда чора-тадбирлар амалга ошириш кўзда тутилган [7].

**Бизнингча, ушбу стратегияни амалга ошириш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади:**

- Иқтисодиётдаги ушбу тармоққа оид бўлган соҳа ва корхоналарни қўллаб-қувватловчи ҳуқуқий, иқтисодий ва молиявий механизмларни ишлаб чиқиш. Иккиламчи ресурсларни қайта ишловчи корхоналарга имтиёзли кредитлар ажратиш, солиқ бўйича имтиёзлар бериш ва давлат бюджетидан субсидиялар ажратиш каби чора-тадбирларни амалга ошириш зарур;
- Стратегияни самарали амалга оширилиши ушбу соҳадаги кадрларнинг малака ва тажрибасига боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда, биоиқтисодиёт бўйича бакалавр ва магистр кадрларни тайёрлашни кенгайтириш.

Ҳозирда республикамизнинг 4 та олийгоҳларида 2022-2023 ўқув йилидан бошлаб хорижий грант асосида “Биоэкономика” бўйича магистратура йўналиши очиш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда. Келажакда ҳам маҳаллий грантлар асосида барча олий таълим муассасаларида шу йўналишда бакалавр ва магистратура йўналишларини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

***Манба ва адабиётлар***

*1. Лыжин Д.Н. Перспективы развития биоэкономики в условиях глобализации // Проблемы национальной стратегии. 2014. № 2(23). С.79-94 // [Электронный ресурс] /URL: https://riss.ru/images/pdf/journal . (12.05.2019).*

*2. Акканина Н.В., Романюк М.А. Биоэкономика – экономика нового технологического уклада//https://research-journal.org/economical/bioekonomika.*

*3. Сулейманкадиева А.Э. Биоэкономика и ее роль в обществе в условиях инноваций, цифровизации и трансформации // Теория и практика развития биоэкономики: инновации, цифровизация,транс-*

*формация… / И.А. Максимцев [и др.]. – СПб.: Изд-во СПбГЭУ, 2019. – 154 с.*

*4. Diakosavvas, D. and C. Frezal (2019-09-12), “Bio-economy and the sustainability of the agriculture and food system:Opportunities and policy challenges”, OECD Food, Agriculture and Fisheries Papers, No. 136, OECD Publishing, Paris. http://dx.doi.org/10.1787/d0ad045d-en*

*5. А.А. Исаджанов. “Яшил иқтисодиёт”: хусусиятлари ва ривожланиш омиллари// Иқтисодиёт ва таълим / 2020 № 1*

*6. Орипов М.А. Ўзбекистонда биоиқтисодиёт соҳаларини ривожланти-ришнинг зарурат ва имкониятлари//республика илмий-амалий конференция. Бухоро. 2021 йил. 30 ноябрь*

*7. “2019 - 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегияси” 2019 йил ПҚ-4477-сон қарори.*

*8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5863-сон (30.10.2019) фармони*

*9. Turobova, Hulkar. "Биоэкономика: возможности рационального использования сельскохозяйственных площадей бухарской области." центр научных публикаций (buxdu. uz) 8.8 (2021).*

*10. https://www.agri.ee/ru/meropriyatiya/* bioekonomika

*11. Turobova, Hulkar. "synergetic model of improving effectiveness of land use." Development scenarios and alternatives in the modern economy. 2015. 17-22.*

*12. https://biotalous.fi/wp-content/uploads/2014/08/The Finnish Bioeconomy Strategy. Sustainable growth from bioeconomy The Finnish Bioeconomy Strategy*

## Ўзбекистонда биоиқтисодиётни ривожлантириш омиллари

**Ҳулкар Туробова,**
*Бухоро давлат университети катта ўқитувчиси,*
**Зумрад Қайимова,**
*Бухоро давлат университети катта ўқитувчиси*

**Аннотация:** *мақолада табиий ресурслар камайиб бораётган шароитда биоиқтисодиётни ривожлантириш зарурияти ёритилган. Биоиқтисодиёт атамасининг моҳияти муаллиф ва хорижий олимлар фикрлари асосида очиб берилган. Республикада биоиқтисодиётни ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.*

**Калит сўзлар:** *биохилмахиллик, биоиқтисодиёт, яшил иқтисодиёт, биотехнология, қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги, сув хўжалиги, табиий ресурслар.*

## Факторы развития биоэкономика в Узбекистане

**Хулкар Туробова,**
*старший преподаватель*
*Бухарского государстеного университета,*
**Зумрад Кайимова,**
*старший преподаватель*
*Бухарского государстеного университета*

**Аннотация:** *в статье подчеркивается необходимость развития биоэкономики в условиях сокращения природных ресурсов. Сущность термина биоэкономика раскрывается на основе взглядов автора и зарубежных ученых. Разработаны предложения по развитию биоэкономики в Узбекистане.*

**Ключевые слова:** *биоразнообразия, биоэкономика, зеленая экономика, биотехнология, сельское хозяйство, лесное хозяйство, водное хозяйство, природные ресурсы.*

## Factors of bio-economic development in Uzbekistan

**Hulkar Turobova,**
*Senior Lecturer, Bukhara State University,*
**Zumrad Kayimova,**
*Senior Lecturer, Bukhara State University*

**Abstract:** *the article emphasizes the need for the development of bioeconomy in the conditions of a reduction in natural resources. The essence of the term bioeconomics is revealed on the basis of the views of the author and foreign scientists. Proposals for the development of bioeconomy in the Uzbekistan have been developed.*

**Keywords:** *biodiversity, bioeconomics, green economy, biotechnology, agriculture, forestry, water management, natural resources.*

**Хизмат кўрсатиш, логистика ва инфратузилма / Сервис, логистика и инфраструктура / Service, logistics and infrastructure**

**УЎК: 65.014.1**

**Тоҳир ҲАСАНОВ,**
*PhD (иқтисодиёт фанлари бўйича),*
*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги*
*Давлат бошқарув академияси доценти,*
**E-mail: tohirh@yahoo.fr**

# Уй-жой фондини бошқаришнинг хорижий тажрибалари ва улардан Ўзбекистонда фойдаланиш масалалари

**Кириш.** Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барча жабҳаларида бўлгани каби уй-жой коммунал хўжалигининг ажралмас қисми бўлган уй-жой фондини бошқариш соҳасида ҳам кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Изчил равишда амалга оширилаётган ишлар, аввало, ижтимоий йўналтирилганлиги, инсон манфаатларига мос ҳолда, аҳолига сифатли уй-жой коммунал хизматлар кўрсатиш, уй-жой фондини таъмирлаш ва уларни бошқаришни тартибга солиш бўйича амалга оширишга қаратилганлиги билан ҳам эътиборга лойиқдир.

Бугунги кунда уй-жой фондини бошқаришга бўлган талаб юқори ва бу соҳадаги турли муаммоларни қисқа муддатларда ҳал этиш заруриятини келтириб чиқармоқда. Шу нуктаи назардан, ривожланган мамлакатлар амалиётида уй-жой фондини бошқаришнинг замонавий тизимини чуқур ўрганиш ва таҳлил этиш асосида, мамлакатимизда уй-жой фондини бошқариш субъектларининг молиявий-иқтисодий барқарорлигини таъминлаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, янги фан-техника ютуқларини амалиётга жорий қилиш масалалари муҳим аҳамият касб этади.

Уй-жой фондидан оқилона фойдаланиш ва уни бошқаришнинг самарадорлигини оширишда бир қатор хорижий олимларнинг тадқиқот ишлари диққатга сазовордир. Уй-жой коммунал хўжалиги соҳаси, хусусан уй-жой фондини комплекс бошқаришнинг илғор хорижий тажрибаларини ўрганиш ва таҳлил қилишга оид масалалар қатор иқтисодчи олимлар, жумладан Европа олимлари Карен Тарбокс, Рассел Кенли, Максвелл Чейзор, Кристофер Хейвуд ва Шон Макнелис, шунингдек ҳамдўстлик мамлакатлари олимларидан Р.Г.Абакумов [5], Ю.А.Масаев, А.А.Синьков, Т.В.Фролова, А.Б.Коржук [12], Л.А.Комиссарова [11], А.В.Семенов, Д.Г.Золотозубов [19], К.С. Степаев[20], И.В.Генцлер, Т.Б.Лыкова [8], С.А.Кирсанов[9], Э.Хенлон [23] ва бошқаларнинг илмий ишларида атрофлича ўрганилган.

Аммо, бу соҳанинг ўзига хос жиҳатларидан келиб чиқиб, маълум бир давлатнинг тажрибасини тўлиқ кўчириб ўтказиш орқали соҳа бошқарувидаги муаммоларни тўлиқ ҳал этиш имкони мавжуд эмас.

Ушбу мақола тадқиқотининг методологик асосини хорижий ва маҳаллий олимларнинг уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги илмий ишлари, республикамизда соҳани тартибга солиш борасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, хусусан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги "Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимини бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5017-сон фармони [1] ва "Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги ПҚ-2900-сон қарори [2],

шунингдек, 2017 йил 22 апрелдаги “2017 – 2021 йилларда кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш ва ундан фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2922-сон қарор[3]лари ташкил этади.

Олиб борилган изланишларнинг натижаларига кўра, уй-жой фондини бошқариш соҳасида ижобий натижаларга эришган давлатлардан бири –Германия ҳисобланиб, бу мамлакатда уй-жой фондини бошқариш борасидаги олиб борилган ўрганишларнинг кўрсатишича, уй-жой фондларининг барчаси амалда профессионал Бошқарувчи компаниялар томонидан бошқарилади.

Бошқарувчи компаниялар таркиби фақат бошқарув бўйича мутахассислардан иборат бўлиб, бунда ихтисослаштирилган ташкилотлар, хусусий тадбиркорларни шартнома асосида ишларни амалга оширишга жалб этадилар. Уй-жой мулкдорлари бирлашмаси бошқарувчини фақатгина асосли сабаблар бўлгандагина алмаштириши мумкин. Янги қурилган уйларда қурувчи уйнинг умумий мулкини бошқарувчини 3 йил муддатга тайинлайди. Уй-жой мулкдорлари бирлашмалари фаолият юритиш ҳолатини мустаҳкамлаш ва қурувчининг бошқарувчи билан эхтимолий тил бириктиришининг олдини олиш мақсадида биринчи бошқарув муддати 5 йилдан 3 йилга қисқартирилган. 3 йилдан кейин уй-жой мулкдорлари бошқарувчини ўзгартириши мумкин.

Квартирага мулк ҳуқуқини қўлга киритган фуқаролар автоматик равишда уй-жой мулкдорлари бирлашмалари аъзосига айланадилар. Германияда уй-жойларни бошқариш ва тартибга солиш тизими 1951 йилдан бери уй-жой мулки тўғрисидаги қонунга биноан амалга оширилади, уй-жой мулкдорлари бирлашмалари эса 99% ҳолатда бошқарувчиларни четдан жалб этадилар. Германияда уй-жой фондини бошқариш шакллари асосан учтадан иборат бўлиб (1-расм), ушбу жараённи ташкил этишдаги иштирокчилар: бошқарув компанияси, уй эгаси, уй ижарачиси ва уй устасидан иборат бўлиши мумкин (2-расм).




**1-расм. Германияда уй-жой фондини бошқариш шакллари**

Шуниси эътиборга моликки, Германияда мазкур корхоналар раҳбарлари олий маълумотли иқтисодчи, муҳандис, ҳуқуқшунос ёки ижтимоий хизматлар бўйича малакага эга бўлиши, шунингдек, хушмуомалали, музокара қила олиш ҳамда қарама-қаршиликларни (конфликт) ҳал эта олиш каби шахсий фазилатларга эга бўлишлари талаб этилади.




**2-расм. Германияда уй-жой фондини бошқаришдаги иштирокчилар**

Венгрияда эса “Уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисида”ги қонунга мувофиқ, махсус профессионал тайёргарликни ўтаган шахсларгина кондоминиумлар бошқарувчилари бўла олишлари мумкин.

1999 йилдан бошлаб Венгрияда “кондоминиум бошқарувчиси” ҳамда “мулк бошқарувчиси” ихтисослигидаги курслар махсус давлат лицензияси асосида олиб борилади. Ҳар иккала ўқув курси ҳам Венгрия Ички ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланган тартибга мувофиқ, махсус ўқув тайёргарлик ва якуний имтиҳон топшириш тамойилига кўра ташкил этилган бўлиб, унга маърузалар, маслаҳатлар, амалий вазифаларни бажариш, курс ва диплом ишларини тайёрлаш, шунингдек якуний оғзаки ва ёзма имтиҳонлар киради.

Жумладан, “кондоминиум бошқарувчиси” ихтисослиги бўйича тингловчилар 200 ўқув соатли (шундан 8 куни маъруза машғулотлари), “мулк бошқарувчиси” ихтисослигидагилар эса 500 ўқув соатли (шундан 20 куни маъруза машғулотлари) курсни ўтайдилар.

“Мулк бошқарувчиси” ихтисослигидаги ўқув курси “кондоминиум бошқарувчиси” ихтисослигидаги ўқув дастурини тўла қамраб олган. Венгрия тажрибасига кўра, “кондоминиум бошқарувчиси” ихтисослигидаги ўқув курси асосан турар ва но-

турар жой мулкдорлари ширкатлари, яъни бевосита жой мулкдорлари мулкларини бошқариш билан боғлиқ масалаларни қамраб олган.

“Мулк бошқарувчиси” ихтисослигидаги ўқув курси эса, жой мулкдорлари мулкларини бошқариш билан бир қаторда, мулкчилик шакли ва бошқарув усулидан қатъий назар, мулк билан боғлиқ барча масалаларни ўз ичига олган. Яъни, мулк билан боғлиқ инвестицион лойиҳаларни бошқариш, мулкни баҳолаш фаолияти билан шуғулланиш, даромадлилик даражасини аниқлаш ва комплекс бошқариш бўйича режалар ишлаб чиқишга алоҳида урғу берилади.

Бу борада **Польша** тажрибаси шуни кўрсатадики, унда собиқ социалистик лагер давлатлари орасида биринчилардан бўлиб  уй-жой коммунал хўжалигини бошқариш соҳасида 100 фоизли давлат ёки шаҳар капитали асосида акциядорлик жамиятлари ташкил этилди[10].

Коммунал хизматларнинг барча турлари иқтисодий ва техник жараёнларни амалга оширадиган ягона компанияга бириктирилган. Польшанинг бу борада  ўз олдига қўйган энг асосий вазифаларига барча объектларнинг ишончли фаолият юритишини таъминлаш ва сифатли хизмат кўрсатишни киритиш мумкин.

**Швеция** – бу кондоминиум сифатидаги уй-жой шакли мавжуд бўлмаган айрим мамлакатлардан бири. Ушбу мамлакатнинг ўзига хос жиҳатларидан яна бири бу 40 фоиз атрофидаги  уй-жойлар – бу ижарадаги уй-жой фонди, тахминан ушбу фоизнинг ярми муниципиал уй-жойлар[6]. Швецияда квартира ёлловчилар ассоциацияси кенг ривожланган. Улар ҳудудий ва маҳаллий даражаларда ўз штаб-квартирасига, бўлинмасига эга. Бундай баъзи бир ассоциацияларнинг сони юз минглаб бўлиб, уларнинг фикрлари билан ҳукуматнинг ҳисоблашишига тўғри келади. Улар тақдим этилаётган коммунал хизматлари сифати ва нархини кузатишади, ҳукумат билан мулоқотлар олиб боришади. Шунингдек, Швецияда қизиқарли ҳодиса - бу уй-жой судининг мавжудлиги ҳисобланади. Уй-жой коммунал хўжалиги соҳасидаги ташкилотларга оддий яшовчилар томонидан бўладиган эътирозлар одатий ҳолат ҳисобланади.

Жаҳон амалиётида яшашга мўлжалланган кўчмас мулк объектларини бошқариш бўйича профессионал фаолият дейилганда, кўчмас мулк эгалари томонидан шакллантирилган мақсадларга эришишга йўналтирилган бошқарувчи ташкилотлар (ёки индивидуал тадбиркор-бошқарувчи)нинг ҳар қандай хатти-ҳаракатлари тушунилади [16].

Аксарият хорижий мамлакатларда (Францияда, Нидерландияда, АҚШда, Канадада, Польшада, Словакияда, Мексикада, Сингапурда, Малайзияда ва бошқаларда) кўп хонадонли уйларни бошқариш бизнеснинг бир тури (бошқарувчи ёки бошқарувчи компания уй эгаларидан пуллик тўловлар олишади) сифатида қаралади [12]. Бунда кўпхонадонли уйларни ушлаб туриш борасидаги жавобгарлик ассоциация (кондоминиум)ларга тегишли бўлган ҳолда, барча бошқарув қарорларини ассоциация (кондоминиум) раҳбарияти қабул қилади.

МДҲ республикаларидан фарқли ўлароқ, кўпгина Европа ва Америкада кўпхонадонли уйлар мулкдорларига зарар етказган тақдирда фуқаролик ва моддий жавобгарликни ўз бўйнига оладиган бошқарувчи ташкилотларни (бошқарувчилар) суғурталаш амалиёти кенг ривожланган. Суғурталашнинг мавжудлиги бошқарувчи ташкилотларнинг (бошқарувчилар) рақобатбардошлигини оширади. Бундан ташқари мазкур ташкилотлар рейтинги тажриба ва барқарорликни, профессионалликни тасдиқловчи сертификатларининг мавжудлиги ҳисобига ошиб боради.

**Мамлакатимизда уй-жой фондини бошқаришнинг бугунги ҳолатини таҳлил қилиш асосида қуйидаги муаммоларни санаб ўтиш мумкин:**

- уй-жой фондини бошқариш ва ундан самарали фойдаланиш борасида тизимли ва комплекс ёндашувнинг йўқлиги;
- жойлардаги ижро ҳокимияти органлари хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш ташкилотлари етарли даражада ҳамкорликни йўлга қўймаганлиги;
- уй-жой фондини сақлашни назорат қилиш ишлари етарлича ташкил этилмаганлиги;
- аҳоли томонидан ўзбошимчалик билан кўп хонадонли уйлар олди ва орқа ҳудудларини ҳовли сифатида тўсиб олишлари, ушбу жойларга кичик иморатларнинг қурилиши;
- кўп қаватли уйларнинг ички ҳажмли-режавий ечимлари ўзгартирилиши, кўтарувчи деворларга шикаст етказиш, уйнинг техник эксплуатацияси бўйича белгиланган талаб ва нормаларнинг бузилиши ва бошқалар [2].

Бу каби муаммолар келиб чиқишининг асосий сабаблари сифатида, бир томондан, мулкдорларнинг уй-жой фондини бошқаришга доир қонунчи-

лик талабларини етарли даражада билмасликлари, бошқарувдаги иштирокларининг пассивлиги ёки унда иштирок этишни хоҳламасликлари бўлса, иккинчи томондан, кўпчилик уй-жой фонди бошқарувчиларининг ҳам ўз фаолиятини етарли даражада ташкил этмаганлиги, аҳоли ўртасида ўз мулкларини сақлаш ва асраш бўйича тарғибот-тушунтириш ишларини олиб бормаслиги ва ҳоказоларни санаб ўтиш мумкин. Бу каби ҳолатлар мулкдорлар ва бошқарувчилар ўртасида ишончсизлик ва эътиборсизлик муносабатларининг шаклланишига, бу эса ўз навбатида, мамлакатимизда хусусий уй-жой фондини бошқаришда турли салбий кўрсаткич ва натижаларга олиб келмоқда.

Таъкидлаш жоизки, жаҳоннинг турли мамлакатларида уй-жой фондини бошқариш соҳасида олиб борилган илмий тадқиқотларда асосий эътибор мазкур соҳа бошқарувининг ташкилий асосларини шакллантириш, соҳадаги корхоналарнинг фаолият йўналишларини белгилаш ва улар томонидан кўрсатиладиган хизмат турларини кенгайтиришга қаратилган. Сўнгги йиллардаги илмий тадқиқотларда эса асосий эътибор ушбу фаолиятнинг сифати ва самарадорлигини ошириш, хусусан, уй-жой фондини бошқариш тизимини номарказлаштириш ва бошқарувда давлат иштирокини камайтиришга қаратилмоқда. Шундан келиб чиқиб, бугунги кунда уй-жой фондини бошқаришда замонавий усуллардан фойдаланиш, бошқарув фаолиятини амалга оширишда хусусий сектор корхоналари хизматларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

**Уй-жой фондини бошқариш борасида ўрганилган тажрибалар ва таҳлиллар доирасида қуйидагича хулоса қилиш мумкин:**

Европа мамлакатларидаги ўртача истеъмолчининг уй-жой коммунал соҳасидаги ҳуқуқий ва техник билимлари даражаси анча юқори. Шу билан бирга, уй-жой коммунал хизматлари аҳолининг доимий эътибор марказида бўлиб, хизматларнинг турлари ва сифатига нисбатан ўз муносабатларини билдириб, бу борада фаол иштирок этиб борадилар.

Европа мамлакатларида уй-жой соҳасидаги барча масалалар маҳаллий ҳокимият томонидан қўллаб-қувватлайдиган истеъмолчилар бирлашмалари ёки бошқа жамоатчилик тузилмалари томонидан ҳал этилади. Таъкидлаш жоизки, ривожланган мамлакатларда давлат ва жамият бошқарувида нодавлат ва жамоат ташкилотлари иштирокининг кенглиги сабабли, айнан уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳам уларнинг фаоллигини кузатиш мумкин.

Ривожланган мамлакатлар аҳолиси(истеъмолчилар) билан солиштирганда, мамлакатимизда уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида пайдо бўладиган муаммоларни ҳал этадиган қонунчилик лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни келишишга олиб чиқиш имкониятлари ўртасида тафовутлар мавжуд. Сабаби, ривожланган мамлакатларда қонунчилик ташаббускорлиги борасида ҳам, аввало аҳоли, шунингдек уларнинг турли мақсадларда бирлашган уюшмаларига ҳам бир қатор ваколат берилган ва улар шу ваколатлар доирасида давлат органлари билан тенг ҳуқуқли субъект сифатида муносабатга киришадилар. Мамлакатимизда бу борадаги муносабат сўнгги йилларда бироз яхшиланган бўлсада, айнан қонунчилик ташаббускорлиги масалаларида аҳоли ҳамда уй-жой коммунал хўжалиги ташкилотларининг фаоллигини ошириш лозим.

Ўзбекистонда давлат уй-жой фондининг хусусийлаштирилиши натижасида унинг амалдаги бошқарув тизими, асосан, давлат ҳокимияти органлари томонидан маъмурий усулда ташкил этилиши мулкдорларда хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати ўзларининг манфаатли ташкилоти эмас, балки янги ном остидаги собиқ “Уй-жой эксплуатация идораси” деган қарашга олиб келди. Бу эса, аҳолининг аксарият қисмида ўзларининг хусусий уй-жойларидаги умумий мулкка нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятларини, хусусий уй-жойларни бошқаришдаги ўрни ва иштироки, бошқарув сифатини яхшилашдаги ролини тўлиқ англамасликларига олиб келди.

Шу жиҳатдан ҳам, бугунги кунда мамлакатимизда хусусий уй-жой фондини самарали бошқариш тизимини такомиллаштириш муҳим ҳисобланади. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “аҳолининг коммунал-маиший хизматлар билан таъминланиш даражасини ошириш”[4] вазифаси белгилаб берилган. Мазкур вазифаларнинг муваффақиятли ижроси мамлакатимизда хусусий уй-жой фондини самарали бошқариш тизимини такомиллаштиришни талаб этади.

**Ривожланган давлатларда тўпланган илғор тажрибаларни ўрганиш асосида республикамизда уй-жой фондини бошқариш амалиётидаги муаммоларни ҳал этиш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:**

- уй-жой коммунал хўжалик соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий хужжатларни такомиллаштириш,

хусусан, аҳолининг уй-жой коммунал хизматлар истеъмоли, уларнинг сифатли етказиб берилишини назорат қилишда иштирокини кенгайтириш, хизматларга ўз вақтида тўловларни амалга ошириш ҳамда уларга нисбатан оқилона муносабатда бўлишларини инобатга олиш лозим;

- соҳа фаолиятида инсон омилини минималлаштириш, уй-жой коммунал хизматлардан оқилона фойдаланиш ҳамда тўловларни амалга оширишда рақамли тизимларни жорий этиш;

Ўзбекистонда илмий-инновацион сиёсатнинг вазифаси – интеллектуал маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни моддий ишлаб чиқаришда қўллаш ҳисобланган илмий фаолиятнинг самарадорлигини таъминлайдиган барқарор ўз-ўзини ривожлантириш механизмини яратишдир. Интеллектуал мулк устидан назорат этиш ўтмишимиз билан боғлиқ бўлиб олдинги қонунларга кўра, ҳамма нарса давлатга тегишли эди. Илмий-инновацион ташкилотлар бу соҳада даромад олиш масаласини кўрмаган ва тадқиқотнинг истиқболлари билан ҳар доим қизиқмас эди. Бироқ, интеллектуал фаолият натижалари хўжалик юритувчи субъектлар учун янги технологик муҳитни шакллантирди ва бозор механизмини сезиларли даражада модернизация қилишга асос бўлди [14].

Интеллектуал мулкни бошқариш тизимини ишлаб чиқиш зарурати илмий-инновацион ташкилотларнинг ташқи муҳитидаги ўзгариш суръатларининг натижасидир [15]. Замонавий шароитда бу ўсишнинг сабаби илмий-техника тараққиёти бўлиб, асосан тез ривожланиш ва жамиятда ахборот технологияларининг тобора ортиб бораётган ролига асосланган. Натижада келажакда ташқи муҳитдаги ўзгаришларга етарли даражада жавоб беришни таъминлаш учун илмий-инновацион муассасаларда интеллектуал маҳсулотларни бошқариш тизимини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш зарурати ортади.

**Шундай қилиб, вазифанинг зарурияти бир неча омилларга боғлиқ:**

- биринчи навбатда, интеллектуал мулк иқтисодиётида институционал асосларни тиклаш ва ривожлантириш учун интеллектуал мулкнинг аҳамиятини белгилаш орқали интеллектуал мулк бозоридаги инқирозни бартараф этиш;

- иккинчидан, интеллектуал мулкни бошқаришдаги сезиларли ўзгаришларнинг зарурлиги, саноатдан кейинги ривожланишнинг янги тижорат турига ўтишининг аҳамияти;

- учинчидан, бозор иқтисодиётига мос келадиган интеллектуал мулкнинг барқарор методологик ва тартибга солувчи хусусиятини ривожлантиришнинг аҳамияти.

**Хулоса ва таклифлар.** Сўнгги йилларда интеллектуал мулк бозорини тартибга солишнинг институционал механизмларини ривожлантириш макроиқтисодий сиёсатга ва унга қарашли вазифаларга боғлиқ бўлиб қолмоқда. Илмий-инновацион ташкилотларда борган сари интеллектуал ресурсларнинг бутун мажмуасини бошқариш, бизнесни ривожлантиришнинг асосий омили, унинг янгиланиши, янги ғояларни ишлаб чиқиш зарурати тобора кучайиб бормоқда. Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда моддий ресурслардан фарқли равишда янги, номоддий ресурслардан самарали фойдаланиш уларни бошқариш соҳасидаги анъанавий қарашларни сезиларли даражада қайта кўриб чиқишни талаб қилади.

Тадқиқотлар натижасида интеллектуал мулк бозорида илғор инновациялар савдо оқими юқори бўлган ахборот технологиялар соҳасидаги лойиҳаларни тижоратлаштиришда хорижий инвестициялар, халқаро ташкилотлар ва тадбиркорларнинг

маблағларини жалб этишнинг «одамларнинг жамоавий ҳиссаси» орқали молиялаштириш таклифини ишлаб чиқдик. Мазкур илмий янгиликнинг амалиётга жорий этилиши, интеллектуал мулк бозорининг шаклланишини ва стартапларнинг экотизими ривожланишини таъминлаб соғлом рақобатни ривожлантиришга олиб келади ва ўз навбатида, Ўрта Осиё стартап хаби яратилишига имкон беради.

Ҳозирги кунда, краудфандинг институти орқали молиялаштиришни тартибга солувчи қонунчилик асослари мавжуд эмаслигини ҳисобга олиб, ахборот технологиялари соҳасидаги лойиҳаларни оммавий молиялаштириш (краудфандинг) соҳасида ҳуқуқий эксперимент якунига кўра, фуқаролик жамияти институтлари томонидан ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида "краудфандинг институти" имкониятидан фойдаланиш механизмини жорий қилиш ҳамда ушбу соҳада қонунчиликни такомиллаштириш масаласини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

***Манба ва адабиётлар***

*1. Лукичёва Л.И., Управление интеллектуальным капиталом. Учебное пособие. 2-е изд. – М.: Омега-А, 2009. -52 с., Наумов А.Ф., Степанова И.П., Управление интеллектуальной собственностью. Учебное пособие. – Саратов, 2017. -220 с., Судариков С.А., Грек Н.Г., Бахренькова К.А., Экономика и интеллектуальная собственность. – М.: Изд-во деловой и учеб.лит., 2004. -49с., Мухопад В.И. Коммерциализация интеллектуальной собственности. – М.: ИНФРА-М, 2010. -312 с.*

*2. Оқюлов О.О. Интеллектуал мулкнинг ҳуқуқий мақоми. – Т.: ТДЮИ. Док.дисс. 66-82-б., Тошев Б.Н., Набиев Ф., Интеллектуал мулк ҳуқуқи: товар белгиларининг ҳуқуқий муҳофазаси. Ўқув қўлланма. – Тошкент: "Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи", 2019. – 194 б., Пўлатов М.Э. Интеллектуал капитал ҳисоби ва аудити методологиясини такомиллаштириш. – Т.: ТДИУ, 2017. Док. дисс. 14-23б., Зоиров Л.С., Қосимова С.К., Интеллектуал мулк ва номоддий активларни баҳолаш. Ўқув қўлланма. – Т.: Iqisod-Moliya, 2019. -31-32б.*

*3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 мартдаги "2021-2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-6181-сон Фармони.*

*4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги "Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4699-сон қарори.*

*5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Краудфандинг платформаси орқали ахборот технологиялари соҳасидаги лойиҳаларни оммавий молиялаштириш механизмларини яратиш тўғрисида"ги қарори лойиҳаси.*

*6. Суннатов М.Н. Ўзбекистон Республикасида интеллектуал мулк бозорини тартибга солиш механизмини такомиллаштириш. Диссертация автореферати. – Т:. ТДИУ 2021. -23 бет. «Ziyonet» Ахборот-таълим портали.*

*7. Эффективное использование интеллектуальной собственности. Центр стратегических разработок. Москва. 2017. 7-с.*

*8. Рич, Джейсон. Краудфандинг. Справочное руководство по привлечению денежных средств: СмартБук: И-трейд; Москва; 2015, – С.174. ISBN 978-5-9791-0331-0.*

*9. https://halfana.uz/*

*10. kickstarter.com, crowdcube.com, eureeca.com, imvesters.ch, arikovani.com, tessin.com, startupxplore.com, uprise.africa, ourcrowd.com, brickfunding.com, kisskissbankbank.com, seedrs.com, crowdcube.com, naijafund.com, mamacrowd.com, companisto.com, symbid.com, indiegogo.com, gogetfunding.com, mycause.com, chuffed.org, halfana.uz*

*11. Гусева Д., Малыхин Н. Краудфандинг: сущность, преимущества и риски. Современная наука: Актуальные проблемы теории и практики. Серия «Экономика и Право», 2014 – № 9-10 – 5 с.*

*12. Развитие альтернативных механизмов инвестирования: прямые инвестиции и краудфандинг. Материал подготовлен Департаментом стратегического развития финансового рынка. – М.: Центральный банк Российской Федерации, 2020.*

*13. Интеллектуальная собственность как объект оценки: таможенный аспект: монография / В. А. Останин, С. В. Кирбитова, Н. А. Кожина, П. В. Довженко; Российская таможенная академия, Владивостокский филиал. Владивосток: РИО Владивостокского филиала Российской таможенной академии, 2019. – 106 с.*

*14. Тегин В., Усманов Б., Краудсорсинг в генерации инновационных идей. core.ac.uk.pdf. 2016.*

*15. Новоселова Л.А. Интеллектуальная собственность в схемах финансирования. https://cyberleninka.ru/article/n/intellektualnaya-sobstvennost-v-shemah-finansirovaniya*

## Интеллектуал мулк объектларини тижоратлаштиришда Краудфандинг институтининг имкониятлари

**Мухтор Суннатов,**
*PhD (иқтисодиёт фанлари бўйича),*
*Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси ҳузуридаги Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти доценти*

**Аннотация:** *мақолада интеллектуал мулк объектларини тижоратлаштиришда краудфандинг институтларини ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини яратиш зарурияти, хусусан, хорижий инвестициялар, халқаро ташкилотлар ва тадбиркорларнинг маблағларини жалб этишнинг «Одамларнинг жамоавий ҳиссаси» орқали молиялаштириш механизмини яратишга эътибор қаратилган.*

**Калит сўзлар:** *интеллектуал мулк, краудфандинг, платформа, венчур капитали, стартап, инфратузилма, механизм, технология, инновация.*

## Возможности института Краудфандинга в коммерциализации объектов интеллектуальной собственности

**Мухтор Суннатов,**
*PhD (по экономичеким наукам),*
*доцент Института повышения квалификации и статистических исследований при Государственном комитете Республики Узбекистан по статистике*

**Аннотация:** *в статье акцентируется внимание на необходимости создания организационно-правовой базы для развития институтов краудфандинга в сфере коммерциализации интеллектуальной собственности, в частности, создание механизма финансирования для привлечения иностранных инвестиций, международных организаций и предпринимателей за счет «Коллективного вклада людей».*

**Ключевые слова:** *интеллектуальная собственность, краудфандинг, платформа, венчурный капитал, стартап, инфраструктура, механизм, технологии, инновации.*

## Possibilities of the institute of Croudfanding in commercialization objects of intellectual property

**Mukhtor Sunnatov,**
*PhD (in Economics),*
*Associate Professor of the Institute for Professional Development and Statistical Research under the State Statistics Committee of the Republic of Uzbekistan*

**Abstract:** *the article focuses on the need to create an organizational and legal basis for the development of institutions of coudfunding in the field of commercialization of intellectual property, in particular, the creation of a financing mechanism to attract foreign investment, international organizations and entrepreneurs through the "Collective contribution of people".*

**Keywords:** *intellectual property, croudfanding, platform, venture capital, startup, infrastructure, mechanism, technology, innovation.*

**УЎК: 338.242.2**

**Одилжон НАЗАРОВ,**
*старший научный сотрудник Института прогнозирования и макроэкономических исследований,*
**E-mail: onazarov@edu.hse.ru**

# Роль информационных и коммуникационных технологий в экономическом росте на примере стран Центральной Азии и крупных торговых партнеров

**Введение.** Информационные коммуникационные технологии переживают бурное развитие с начала XXI века. На сегодняшний день более половины людей на планете пользуются современными информационными технологиями на постоянной основе: они делают жизнь людей проще. При этом функционал информационных технологий постоянно расширяется, влияя на поведение и продуктивность человека.

Традиционно ИКТ разделяют на две группы: ранние технологии (радио, телевизор, телефон) и поздние технологии (современный компьютер, интернет и другие). В данной статье под ИКТ подразумеваются современные технологии, которые непосредственно связаны с цифровизацией и интернет соединением.

До недавнего времени среди экономистов было популярно мнение об эффективности использования ИКТ и его положительного эффекта только для развитых индустриальных экономик (Avgerou, 1998) [2]. Согласно докладу ООН 2004 года (UN, 2014) [13], внедрение ИКТ в развивающихся странах не будет давать ожидаемый благоприятный эффект.

Основным аргументом сторонников идеи является то, что развивающиеся страны в первую очередь должны вкладываться в решение существующих проблем со здравоохранением, образованием, электричеством и т. д. вместо дорогой ИКТ инфраструктуры (Ngwenyama et al., 2006) [8]. Другими словами, в развивающихся странах первостепенной задачей является решение базовых потребностей населения, таких как доступ к медицине (строительство новых больниц и др.), образованию (ремонт школ и др.), электричеству, питьевой воде и другие.

На первых этапах исследований влияния ИКТ на экономический рост в развивающихся странах исследователям не удалось установить четкую взаимозависимость между переменными. На основе анализа внедрения ИКТ в развивающихся странах, ученые Lee S., Gholami R. & Tong T. (2005) [6] пришли к выводу, что внедрение информационных технологий может стать эффективным решением в определённых обстоятельствах при инвестировании в человеческий капитал и в исследования в сфере ИКТ.

Тем не менее, в последнее время наблюдается интерес к использованию ИКТ и в развивающихся странах, так как с развитием информационных технологий их стоимость снижается, увеличивается предельная продуктивность работника, появляются все больше успешных кейсов.

Gholami R. et al. (2010) [3] в работе «Is ICT the Key of Development?» установили положительное влияние ИКТ технологий на экономический рост. При этом они обнаружили, что предельный эффект внедрения ИКТ больше в развивающихся странах: установление компьютеров и обеспечение доступа

к интернету может значительно повысить уровень жизни в развивающихся регионах.

В работе Tomas Niebel (2018) «ICT and Economic Growth – Comparing Developing, Emerging and Developed Countries» [9] опровергается гипотеза о наличии значимого отличия вклада ИКТ на экономический рост в развитых и развивающихся странах. Примечательно, что в исследовании рассматриваются и макроэкономические факторы рынка труда, такие как рабочая сила, количество рабочих часов и другие.

Добавление макроэкономических эффектов в процесс анализа вклада информационных технологий также встречается в исследовании Elena Toader et al. (2018) [12] «Влияние Информационных и Коммуникационных технологий на экономический рост: эмпирическая оценка для стран ЕС». В данной работе исследователи анализируют вклад роста ИКТ параллельно с макроэкономическими изменениями в экономике, что позволяет учитывать роли других структурных изменений.

Основываясь на результатах эконометрических моделей в логарифмах, доказывается значимая положительная роль улучшения инфраструктуры ИКТ на экономический рост: в период с 2000 г. по 2017 г. при увеличении охвата широкополосного интернета на 1%, ВВП на душу населения по ППС растет на 0,07%, а при росте мобильных абонентов на 1% наблюдается рост на 0,36%.

В Республике Узбекистан за последние несколько лет наблюдается рост интереса к информационным технологиям как со стороны правительства, так и со стороны населения. В 2020 году была разработана и принята стратегия «Цифровой Узбекистан – 2030», направленная на цифровизацию экономики и увеличение доступности ИКТ для населения страны.

Жуковская И. Е. и др. (2020) [15] в исследовании «Инновационные тенденции влияния передовых информационно-коммуникационных технологий на экономическое развитие Узбекистана в условиях формирования цифровой экономики» пришли к выводам, что высокотехнологичные инновационные проекты в Узбекистане способствуют не только расширению и развитию рынков в сфере услуг ИКТ, но также оптимизируют управленческие процессы в различных отраслях экономики.

**Тем не менее, общий объем сектора информационных технологий в Узбекистане к октябрю 2021 года равен 8812 млрд. сум, что составляет 2,2% ВВП Узбекистана [17] (рисунок 1). К сравнению, в странах мира наблюдается следующая доля сектора ИКТ:**

- развитые страны: США (10,5%) [16], Япония (8,7%), Великобритания (5,8%);
- развивающиеся крупные экономики: КНР (13,0%), Бразилия (11,0%);
- передовые экономики СНГ: Россия (3,8%), Казахстан (3,0%), Беларусь (6,2%).




**Рисунок 1. Доля Информационных технологий в ВВП стран мира в 2020 году**

С 2019 г. по 2021 г. скорость передачи проводного интернета выросла практически в 2 раза (до 40 Мбит/с), количество его пользователей превысило 70% населения (World Bank). Тем не менее, скорость интернета в Узбекистане значительно отстает от передовых экономик стран СНГ, до уровня передовых по информационным технологиям стран СНГ (Россия, Беларусь) [18] требуется увеличить скорость на 70–75 %.

За последние несколько лет в Узбекистане осуществляется ряд реформ по снятию ограничений и созданию условий для развития новых рынков информационно-коммуникационных услуг. Например, с 2020 года разрешается использование мобильной связи в Ташкентском метро. Прорабатывается вопрос создания единой сети Wi-Fi.

Единая сеть в метро является новым рынком цифровой рекламы при подключении к сетям Wi-Fi. Подобная практика широко применяется в Москве, где реклама в метро практически полностью пережила цифровизацию и появляется на экранах смартфонов во время добровольного подключения к сети Wi-Fi. Примечательно, что такой формат цифровой рекламы напрямую

ориентирован на целевую аудиторию. Исходя из интересов пользователя мобильного устройства, система предлагает наиболее подходящую для этого человека рекламу.

Обобщая вышеизложенное, можно сделать вывод о том, что сфера ИКТ в Узбекистане находится на стадии становления. С одной стороны, слабость ИКТ сферы не позволяет полноценно использовать потенциал и оптимально распределять время. В то же время рынок ИКТ в ближайшем будущем может продемонстрировать высокие темпы роста за счет использования международного опыта и технических разработок (конвергенция).

Целью данной статьи является оценка эффективности внедрения информационных технологий и вклада в экономический рост на основе анализа стран Центральной Азии и ближайших торговых партнеров. Для достижения поставленной цели собраны факторы по странам Центральной Азии и партнеров и разделены на две основные группы: 1) факторы развития ИКТ; 2) контрольные макроэкономические показатели (Таблица 1).

Раздел 2 посвящен представлению анализируемых данных и методов анализа. В разделе 3 отражены предварительные результаты моделей и результаты необходимых тестов на выбор между моделями. Раздел 4 содержит подробный анализ результатов эконометрических моделей, их эмпирическая интерпретация. В разделе 5 будут показаны выводы исследования.

**Таблица 1.**

**Данные и их источники**

| Переменная | Описание | Источник |
|---|---|---|
| Country | Наименование страны | - |
| Country ID | Порядковый номер страны | - |
| Year | Год наблюдения | - |
| GDPPC | ВВП на душу населения по ППС в долларах США | World Bank |
| FBSP100 | Количество подключений к широкополосному интернету на 100 человек | World Bank |
| PIUI | Количество людей с доступом в интернет (% населения) | World Bank |
| MS | Количество абонентов сотовой связи на 100 человек | World Bank |
| GDFCF | Темп накопления капитала, в % от ВВП | World Bank |
| IR | Темп инфляции по дефлятору за год в % | World Bank |
| UnR | Безработица (% от экономически активного населения) | World Bank |
| FDI | Прямые иностранные инвестиции (% от ВВП) | World Bank |
| GGFCE | Государственные потребительские расходы (% от ВВП) | World Bank |
| DCPS | Внутренние кредиты реальному сектору (% от ВВП) | World Bank |
| EdIN | Индекс образования | UN Human Report 2019 |
| Trade | Товарооборот = Импорт + Экспорт (% от ВВП) | World Bank |

## Данные и методология

Для достижения поставленной задачи оценки влияния внедрения ИКТ на экономический рост были собраны панельные данные по 10 странам за 10-летний период (в итоге 10*10=100 наблюдений) с 2011 по 2020 годы.

Анализируемая группа стран состоит из стран Центральной Азии [5-1][1] и крупных торговых партнеров: КНР, Российская Федерация, Беларусь, Азербайджан, Украина и Иран.

Как видно из таблицы 1, переменные имеют различную единицу измерения, некоторые переменные являются относительными и выражаются в %. В этих условиях была выбрана логарифмическая модель. Выбор использования натуральных логарифмов основывается на опыте предыдущих исследований Elena Toader et al. (2018) [12] и Pradhan P.R. et al. (2018) [10]. Данная модель является динамической, то есть оценивает зависимость процентно-

1 Туркменистан не был включен в окончательный список рассматриваемых стран из-за большого количества пропущенных наблюдений в базе данных World Bank.

го изменения целевой переменной от процентных изменений объясняющих факторов.

**Таким образом, модель выглядит следующим образом:**

ln(Y)=α+ln(ICT)*β1+ln(MACRO)* β2, (1)

где: Y – Вектор логарифмических значений целевой переменной;

ICT – вектор логарифмических показателей конкретного фактора ИКТ;

MACRO – матрица значений макроэкономических факторов в логарифмах;

β1 – коэффициент при ИКТ фактора;

β2 – вектор коэффициентов при матрице макроэкономических показателей.

Так как собранная информация представляет собой панельные данные, было принято решение использовать модели fixed-effect, random effect, first difference model, pooled OLS. Выбор между моделями основывался на тестах Хаусмана.

После выбора определенной модели по результатам соответствующих тестов, особое внимание нужно обратить на исключение незначимых переменных и снижение мультиколлинеарности в моделях. Мультиколлинеарность модели оценивалась с помощью коэффициента вздутия дисперсии VIF по следующей формуле:

$$VIF = \frac{1}{1-R_j^2}, \quad (2)$$

где:

$R_j^2$ – коэффициент детерминации j-го признака относительно остальных.

Допустимой верхней границей мультиколлинеарности в данной работе принято значение средней по модели VIF = 10.

| lnGDPPC | Fixed effect | Random effect | First difference | Pooled OLS |
|---|---|---|---|---|
| lnFBSP100 | 0,094*** | 0,107*** | 0,027 | 0,348*** |
| GDFCF | 0,223*** | 0,196 | 0,141 | -0,443*** |
| FDI | -0,367*** | -0,036 | -0,010 | -0,054 |
| Trade | -0,256*** | -0,250*** | -0,068 | -0,227** |
| Cons | 1,245*** | 9,574 | 0,024*** | 11,120*** |

****, **, * - уровень значимости на 1%, 5% и 10% соответственно*

Тест Хаусмана: chi2(4) = 98,40 p-value = 0,00 выбирается модель постоянных эффектов.

Тест Бройша-Пагана Лагранжа: chi2(01) = 180,03 p-value = 0,00 модель с индивидуальной спецификацией качественнее метода наименьших квадратов.

Отрицательные коэффициенты при переменных FDI и Trade ранее встречались в исследованиях развивающихся стран. Herzer D. (2010) [4] пришел к выводу, что в FDI в среднем отрицательно влияет на рост в развивающихся странах, но существуют значительные межстрановые различия в эффекте. I. Susic et al. [11] на примере Боснии и Герцеговины доказал, что прямые иностранные инвестиции могут вытеснить отечественные компании с рынка и оказать негативное влияние на экономику.

Негативный эффект открытой торговли встречался в исследованиях Kim D. (2011) [7], Ali. W et al. (2015) [1] и Jebran K et al. (2018) [5]. Kim D.(2011) обнаружил сильное положительное влияние открытости торговли на экономический рост в развитых странах, но неожиданно отрицательное влияние для развивающихся стран.

Jebran K et al. (2018) в работе “Effects of Terms of Trade on Economic Growth in Pakistan” также установил негативное влияние открытой торговли как в краткосрочном, так и в долгосрочном периоде.

Исходя из вышеперечисленных исследований можно сделать вывод о том, что отрицательный коэффициент при переменных FDI и Trade не является случайным. Большинство анализируемых в данном исследовании государств (страны Центральной Азии и крупные торговые партнеры) проводят политику импортозамещения, поэтому существуют риски, связанные с потерей конкурентоспособности отечественных товаров.

**Полученные результаты модели**

По результатам исследования выделены две основные модели оценки влияния ИКТ на экономический рост. Факторы, отвечающие за инфраструктуру ИКТ, были проанализированы отдельно в каждой модели с целью исключения взаимозависимости анализируемых показателей ИКТ. Контрольные макроэкономические факторы остались неизменными для всех вышеуказанных моделей.

Результаты теста Хаусмана на выбор между моделями постоянных и случайных эффектов равен 98,40; 763,44; 66,12 соответственно. Значение p-value равняется нулю (распределение хи-2), что отвергает нулевую гипотезу случайности ошибок во всех трех моделях. На основе теста выбираются модели постоянных эффектов.

**Итоговая формула оценки вклада широкополосного интернета выглядит следующим образом:**

*ln(GDPPC)=8,89+0,094ln(FBS100)+0,223 ln(GDFCF)-0,037ln(FDI)-0,0256ln(Trade),* (3)

где: *ln (GDPPC)* – вектор логарифмических значений ВВП по ППС на душу населения;

*ln (FBS100)* – вектор логарифмических показателей широкополосного соединения;

*ln (GDFCF)* – вектор логарифмических показателей накопления капитала;

*ln (FDI)* – логарифм переменной «прямые иностранные инвестиции»;

*ln (Trade)* – вектор логарифмических значений открытости торговли (импорт + экспорт).

Результаты модели демонстрируют, что увеличение широкополосного интернета на 1% будет способствовать росту ВВП на душу населения на 0.094%.

**Итоговая формула оценки вклада процента людей, использующих интернет, выглядит следующим образом:**

$$ln(GDPPC)=7,332+0,141*ln(PIUI)+0,284*ln(GDFCF)-0,032*ln(FDI), \quad (4)$$

где: *ln(PIUI)* – динамика изменения процента пользователей интернета.

Мультиколлинеарность в моделях, оценённая с помощью коэффициента вздутия дисперсии VIF не превышает 10 (таблица 2) во всех изученных моделях, что свидетельствует о приемлемом уровне взаимозависимости объясняющих переменных.

**Таблица 2**

**Регрессионные модели (постоянные эффекты)**

| lnGDPPC Fixed Effect Models | Модель 1 | Модель 2 |
|---|---|---|
| lnFBSP100 | 0,094*** | - |
| | [0,018] | |
| lnMS | - | - |
| | | |
| lnPIUI | - | 0,141*** |
| | | [0,035] |
| lnGDFCF | 0,223*** | 0,284*** |
| | [0,075] | [0,756] |
| lnIR | - | - |
| lnUnR | - | - |
| lnFDI | -0,037* | -0,032** |
| | [0,135] | [0,145] |
| lnGGFCE | - | - |
| lnDCPS | - | - |
| lnEdIN | - | - |
| Popul. growth | - | - |
| Trade | -0,256* | - |
| | [0,06] | |
| _cons_ | 8,89*** | 7,332*** |
| | [0,315] | [0,555] |
| Наблюдения | 84 | 84 |
| F-test | 402,44 | 425,63 |
| Mean VIF | 5,52 | 2,81 |

****, **, * - уровень значимости на 1%, 5% и 10% соответственно*

**Интерпретация результатов и возможные сценарии**

В таблице ниже представлены возможные сценарии изменения ВВП на душу населения по ППС в случае улучшения конкретного показателя на определенный процент. Например, при увеличении количества абонентов на 50%, можно улучшить ВВП на душу населения по ППС на 9,95%.

**Таблица 3**

**Сценарии изменения ВВП при изменении ИКТ факторов**

| | FBS100 | PIUI |
|---|---|---|
| 1% | 0,094 | 0,141 |
| 2% | 0,188 | 0,282 |
| 3% | 0,282 | 0,423 |
| 5% | 0,47 | 0,705 |
| 10% | 0,94 | 1,41 |
| 50% | 4,7 | 7,05 |
| 100% | 9,4 | 14,1 |

**В 2020 году в Узбекистане на 100 человек приходится 14,40 подписчиков широкополосного интернета. Вышеуказанные сценарии изменения факторов ИКТ в случае увеличения числа пользователей широкополосного интернета в Узбекистане имеет вид:**

**Таблица 4**

**Сценарии изменения ВВП при изменении широкополосного соединения**

| Сценарии | X0 | 1% | 2% | 5% | 10% | 50% |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Значение FBS100 | 14,40 | 14,54 | 14,69 | 15,12 | 15,84 | 21,6 |
| Изменение GDPPC (%) | | 0.094 | 0,188 | 0,47 | 0,94 | 4,7 |
| Значение GDPPC | 7378 | 7385 | 7392 | 7413 | 7447 | 7724 |

Из таблицы 4 следует, что увеличение количества пользователей широкополосного интернета с 14,40 до 14,69 (на 2,0%) на 100 человек можно получить дополнительные 0,2% к ВВП Узбекистана.

**Таблица 5**

**Сценарии изменения ВВП при изменении пользователей интернета**

| Сценарии | X0 | 1% | 2% | 5% | 10% | 50% |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Значение PIUI | 70,4 | 71,1 | 71,8 | 73,9 | 77,4 | 106 |
| Изменение GDPPC (%) | | 0,14 | 0,28 | 0,71 | 1,41 | 7,05 |
| Значение GDPPC | 7378 | 7388 | 7399 | 7430 | 7492 | 7898 |

В вышеперечисленных таблицах представлены гипотетические сценарии применения различных видов ИКТ технологий. Тем не менее, масштабы внедрения инфраструктуры ИКТ на практике отличаются от предположений модели, так как требуется больше усилий.

Наличие устойчивости к пропущенным наблюдениям доказано с помощью обобщенного метода моментов. Так как фактор прошлогоднего наблюдения значим во всех трех моделях на уровне 1%, можно утверждать, что факторы достоверно подобраны и модель демонстрирует устойчивость к пропускам.

**Таблица 6**

**Обобщенный метод моментов**

| GDPPC | Модель 1 | Модель 2 | Модель 3 |
|---|---|---|---|
| GDPPC[t-1] | 0,84***<br>(0,07) | 0,87***<br>(0,06) | 0,80***<br>(0,06) |

**По результатам теста Хаусмана, был сделан выбор в пользу регрессионной модели постоянных эффектов (fe). Развитие широкополосной сети соединения и количества пользователей интернета значимы на 1% уровне значимости. Число пользователей сотовой связи имеет наибольший положительный эффект на ВВП, при этом переменная значима на 10% уровне значимости.**

**Выводы.** В данной работе проведена оценка эффекта от внедрения информационно-коммуникационных технологий (ИКТ) на экономический рост на основе данных по 10 странам за период 2011–2020. Основной задачей исследования стала оценка эффективности применения различных ИКТ факторов, выраженная в изменении ВВП. Регрессионные модели демонстрируют, что инвестиции в развитие ИКТ имеют положительный значимый эффект на экономический рост.

В процессе анализа рассматривались 2 фактора ИКТ и контрольные макроэкономические детерминанты. Были использованы регрессионные модели в логарифмах, позволяющие анализировать зависимость процентного изменения целевой переменной от процентного сдвига объясняющих факторов.

По результатам теста Хаусмана, был сделан выбор в пользу регрессионной модели постоянных эффектов (fe). Развитие широкополосной сети соединения и количества пользователей интернета значимы на 1% уровне значимости. Число пользователей сотовой связи имеет наибольший положительный эффект на ВВП, при этом переменная значима на 10% уровне значимости.

Таким образом, на примере рассматриваемых стран удалось определить, что увеличение широкополосного соединения и пользователей мобильного интернета на 1% от текущего состояния способствует росту ВВП страны на 0,94–1,99%.

Работа может быть продолжена путем межстранового анализа стоимости внедрения отдельного фактора ИКТ. Подобный анализ поможет государствам определить дальнейшие шаги по внедрению ИКТ инфраструктуры с учетом прибыльности и срока окупаемости проектов.

Среди других факторов стоит отдельно выделить значимые макроэкономические переменные, такие как темп накопления капитала, прямые иностранные инвестиции, товарооборот с внешним миром.

***Источники и литература***

*1. Ali, W., & Abdullah, A. (2015). The Impact of Trade Openness on the Economic Growth of Pakistan: 1980-2010. Global Business & Management Research, 7(2).*

*2. Avgerou, C. (1998). How can IT enable economic growth in developing countries? Information Technology for Development, 8(1), 15–28.*

3. Gholami, R., Higon, D. A., Hanafizadeh, P., & Emrouznejad, A. (2010). Is ICT the key to development? Journal of Global Information Management (JGIM), 18(1), 66-83.

4. Herzer, Dierk (2010): How does foreign direct investment really affect developing countries' growth? IAI Discussion Papers, No. 207, Georg-August-Universität Göttingen, Ibero-America Institute for Economic Research (IAI), Göttingen

5. Jebran, K., Iqbal, A., Rao, Z. U. R., & Ali, A. (2017). Effects of Terms of Trade on Economic Growth of Pakistan. Foreign Trade Review, 53(1), 1–11.

6. Lee, S. Y. T., Gholami, R., & Tong, T. (2005). Time Series Analysis in the Assessment of ICT Impact at the Aggregate Level – Lessons and Implications in the New Economy. Information & Management, 42, 1009–1022. doi:10.1016/j.im.2004.11.005

7. Kim D. (2011) Trade, growth, and income. J. Int. Trade Eco Dev., 20 (5) (2011), pp. 677-709

8. Ngwenyama, O., Andoh-Baidoo, F. K., Bollou, F., & Morawczynski, O. (2006). An Empirical Analysis of five West African Countries from 1997-2003. Journal of Information Systems for Developing Country, 23(5), 1–11.

9. Niebel, T. (2018). ICT and economic growth–Comparing developing, emerging and developed countries. World Development, 104, 197-211

10. Pradhan, R.P.; Mallik, G.; Bagchi, T.P. (2018) Information communication technology (ICT) infrastructure and economic growth: A causality evinced by cross-country panel data. IIMB Manag. ,30, 91–103.

11. Susic, I., Stojanovic-Trivanovic, M., & Susic, M. (2017). Foreign direct investments and their impact on the economic development of Bosnia and Herzegovina. In IOP Conference Series: Materials Science and Engineering (Vol. 200, No. 1, p. 012019). IOP Publishing.

12. Toader, E., Firtescu, B. N., Roman, A., & Anton, S. G. (2018). Impact of information and communication technology infrastructure on economic growth: An empirical assessment for the EU countries. Sustainability, 10(10), 3750.

13. UNDP (2004). ICT and Human Development: Towards Building a Composite Index for Asia. Realising the Millennium Development Goals, United Nations Development Programme, Technical paper.

14. Were M. (2015) Differential effects of trade on economic growth and investment: A cross-country empirical investigation //Journal of african trade. – Т. 2. – №. 1-2. – С. 71-85.

15. Жуковская Е. А., И. Ишназаров, А. Д. Жуковский (2020) Известия Санкт-Петербургского государственного экономического университета.– № 1(121). – С. 23-30

16. https://review.uz/post/uzbekistan-otsifroviyvaetsya (Дата посещения: 10.11.2021).

17. https://www.statista.com/statistics/1239480/united-states-leading-states-by-tech-contribution-to-gross-product/#:~:text=In%202020%2C%20the%20United%20States,GDP%20has%20remained%20relatively%20consistent. (Дата посещения 10.11.2021).

18. https://www.forbes.ru/newsroom/tehnologii/432297-rossiya-opustilas-na-chetyre-punkta-v-reytinge-stran-po-skorosti (Дата посещения 8.11.2021)

**Все источники данных:** *ссылки, документы и коды доступны в облачном хранилище по ссылке:https://drive.google.com/drive/folders/1MD-Gmk_rUUsCA0Kbysra8b3SJol-MYbO?usp=sharing*

## Роль информационных и коммуникационных технологий в экономическом росте на примере стран Центральной Азии и крупных торговых партнеров

**Одилжон Назаров,**
*старший научный сотрудник*
*Института прогнозирования и*
*макроэкономических исследований*

**Аннотация:** *в исследовании анализируется влияние информационных и коммуникационных технологий (ИКТ) на экономический рост. На основе панельных данных по 10 странам (Центральная Азия и крупные торговые партнёры) за период 2011–2020 годы, определено положительное значимое влияние внедрения ИКТ на экономический рост. В работе также рассматриваются макроэкономические факторы, влияющие на развитие экономики. По результатам исследования выявлено, что улучшение доступа к широкополосному соединению, увеличение количества мобильных абонентов и пользователей интернета на 10% позволит получить дополнительные 0,94%–1,99% к ВВП на душу населения по паритету покупательной способности (ППС) в рассматриваемых странах.*

**Ключевые слова:** *ИКТ, Макроэкономические факторы, Центральная Азия и торговые партнеры, панельные данные, 2011–2020, модель постоянных эффектов.*

## Markaziy Osiyo mamlakatlari va asosiy savdo hamkorlari misolida axborot-kommunikatsiya texnologiyalarining iqtisodiy o'sishdagi o'rni

**Odiljon Nazarov,**
*Prognozlashtirish va makroiqtisodiy tadqiqotlar instituti katta ilmiy xodimi*

**Annotatsiya:** *maqolada axborot-kommunikatsiya texnologiyalarining (AKT) iqtisodiy o'sishga ta'siri tahlil etilgan. 2011-2020 yillar uchun to'plangan 10 ta davlat (Markaziy Osiyo va asosiy savdo hamkorlari) bo'yicha panel ma'lumotlari asosida AKT joriy etilishining iqtisodiy o'sishga ijobiy sezilarli ta'siri aniqlandi. Maqolada iqtisodiy rivojlanishga ta'sir qiluvchi makroiqtisodiy omillar ham o'rganilgan. Izlanish natijalariga ko'ra, yuqori tezlikdagi ulanishlardan foydalanish imkoniyatlarini yaxshilash va internet foydalanuvchilar sonining 10 foizga ko'payishi o'rganilayotgan iqtisodiyotlarda yalpi ichki mahsulotning aholi jon boshiga xarid qilish qobiliyatini nisbatan qo'shimcha 0,94-1,99 foizni tashkil etishi aniqlandi.*

**Kalit so'zlar:** *AKT, Makroiqtisodiy omillar, Markaziy Osiyo va savdo hamkorlari, panel ma'lumotlari, 2011-2020 yillar, doimiy ta'sir (fixed effect) modeli.*

## The role of information and communication technologies in economic growth in case of Central Asian countries and major trading partners

**Odiljon Nazarov,**
*Institute of Forecasting and Macroeconomic Research Senior researcher*

**Abstract:** *the paper analyzes the impact of information and communication technologies (ICT) on economic growth. Based on panel data for 10 countries (Central Asia and major trading partners) for the period of 2011-2020, the positive significant impact of ICT implementation on economic growth is determined. The paper also considers macroeconomic factors affecting economic development. According to the results of the study, it was found that improving access to broadband connections, an increase in the number of mobile subscribers and Internet users by 10% would provide an additional 0.94-1.99% percentage to GDP PPP per capita in the economies studied.*

**Keywords:** *ICT, Macroeconomic factors, Central Asia and trading partners, panel data, 2011-2020, fixed effects model.*

**УЎК: 339.19**

**Зафар АХМЕДОВ,**
*Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги бошқарма бошлиғи,*
*Давлат бошқаруви академияси мустақил изланувчиси,*
**E-mail:zafar.axmedov.82@bk.ru**

# Интернет савдо (электрон тижорат) соҳасини солиққа тортиш ва уни такомиллаштириш масалалари

**Кириш.** Бугунги кунда электрон тижорат дунё миқёсидаги энг тез ривожланаётган иқтисодиёт соҳаларидан бири ҳисобланади. 2019-2021 йиллар мобайнида электрон тижоратнинг халқаро кўлами уч бараварга ўсди ва 2020 йил якуни билан 4,2 трлн. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2021 йилда бутун дунё бўйлаб чакана электрон тижорат савдоси тахминан 4,9 трлн. АҚШ долларига етди. Интернет савдоси чакана савдода тобора муҳим рол ўйнамоқда. 2021 йилда электрон тижорат дунё бўйлаб чакана савдонинг 19,6 фоизини ташкил қилган. Ушбу соҳа айниқса коронавирус пандемияси туфайли жадал ривожланиш босқичига кирди. Хусусан, "Business Insider" ва "e-Marketer" таҳлил компаниялари экспертларининг прогнозларига кўра, ушбу кўрсаткич кейинги тўрт йил ичида 50 фоизга ўсиб, 2025 йилга бориб қарийб 7,4 трлн. долларга етиши, онлайн сегмент жами чакана савдонинг тўртдан бир қисмини ташкил қилиши кутилмоқда [1].

Ўзбекистон Республикасида 2019 йилнинг якуни билан электрон тижоратнинг умумий суммаси 275,3 млрд.сўмни (2018 йилда 40,9 млрд.сўм) ташкил этиб, 2018 йилга нисбатан 2019 йилда 6,7 баробарга ўсган. Ушбу кўрсаткич 2020 йилда 1,0 трлн. сўмни ташкил этиб, 3,6 баробарга ўсган [2].

Электрон савдонинг шиддат билан ўсиб бориши ўз навбатида, электрон битимларни шунингдек уларни рақамли маконда амалга ошираётган шахсларни ҳисобга олиш ва мониторинг қилишнинг механизмини яратишни, электрон тижорат бўйича солиқ солиш жараёнларини соддалаштириш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган электрон тижоратни бошқаришнинг замонавий моделини яратишни тақозо этади ва мазкур масаланинг долзарблигини кўрсатади.

**Адабиётлар шарҳи.** Электрон тижорат соҳасини солиққа тортиш масалалари Туркиянинг Marmara Университетидан Burcu Kuzucu Yapar, Seda Bayrakdar, Истанбул Университетидан Mustafa Yapaгнинг "Электрон тижоратнинг ривожланишида солиққа тортиш муаммоларининг ўрни" (The Role of Taxation Problems on the Development of E-Commerce), Қозоғистондаги Назарбаев университети PhD номзоди Ammar Younasнинг "Марказий Осиёда Электрон савдо ва рақамли бўлимни солиққа тортиш (Taxation of e-commerce and digital divide in central asia: background and proposal)", Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси бошқарма бошлиғи Б.Иргашевнинг "Жаҳонда ва Ўзбекистонда электрон тижорат" номли илмий мақолаларида тадқиқ қилинган.

Хусусан, Туркия университети олимларининг 2015 йилда чоп этилган мақоласида асосий урғу электрон тижоратнинг солиққа тортиш муаммолари электрон тижорат ривожланишига қандай таъсир қилишига қаратилган. Ушбу тадқиқотда электрон тижоратнинг ривожланиши ва электрон тижоратнинг ўсишига таъсир қилувчи омиллар кўриб чиқилган. Жумладан, ҳеч қандай чегарасиз интернет орқали сотиб олиш ва сотиш солиққа тортиш муаммоларини келтириб чиқариши, бунда қайси давлат солиққа тортиш ҳуқуқига эга эканлигини аниқлашдаги қийинчиликлар, жисмоний мавжудлиги сабабли солиққа тортилмаслиги, товарлар ва хизматларни мамлакатлар томонидан турлича баҳолаш, турли хил солиқ сиёсати ва

солиқ ставкаларини қўллаш, икки томонлама солиққа тортиш хавфи солиққа тортиш муаммолари сифатида келтирилган [3].

Солиқларни йўқотиш ва солиқ тўлашдан бўйин товлаш каби номақбул фактларни блокировка қилиш учун мамлакатлар ҳалигача аниқ ечим топмаганлиги, муаммоларни ҳал қилиш бўйича ҳамкорлик ҳам муваффақиятсизликка учраганлиги қайд этилган.

Электрон тижорат даражасига электрон тижоратнинг солиққа тортилиши салбий таъсир кўрсатганлиги, агар солиққа тортиш муаммоларини енгиш учун ечим излаётган мамлакатлар ўртасида келишув ёки ҳамкорлик тузилса ва улар бу борада муваффиқият қозонса, электрон тижоратнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиши ва бизнес ҳамда истеъмолчилар асосан электрон тижорат афзалликларидан фойдаланиши, шунда мамлакатлар солиққа тортилмайдиган электрон тижорат операциялари туфайли солиқ тушумларининг йўқолишига дуч келмасликлари хулоса қилинган.

Ушбу хорижий мақоланинг бизнинг тадқиқотимизга ўхшаш томони солиқларни йўқотиш ва солиқ тўлашдан бўйин товлаш каби жиҳатлари, фарқли томонлари хорижий мақолада фақат товар чегарани кесиб ўтиш жараёнларида қайси мамлакатда солиқ мажбурияти юзага келиши тадқиқ қилинган бўлса, мазкур тадқиқотда асосий жиҳатлар маҳаллий тадбиркорларни солиқ тўловчи сифатида рўйхатга олиш, уларни солиққа тортиш мақсадида ҳисобини юритиш каби масалаларга қаратилган.

Шу каби, Ammar Younasнинг 2020 йил 25 сентябрда чоп этилган мақоласида солиқ имтиёзларини бериш орқали рақамли эътибордан четда қолган ёки рақамли ривожланишдан четда қолган аҳоли орасида Электрон тижоратни тарғиб қилиш зарурлиги (1); Марказий Осиёда рақамли тафовутни камайтирмасдан туриб, рақамлаштириш ва солиққа тортишни рақамлаштириш афзалликларига эриша олмаслиги (2); Сиёсатчилар учун бевосита ташвиш электрон тижоратни солиққа тортиш ўрнига рақамли тафовутни камайтириш орқали электрон тижоратни рағбатлантириш бўлиши кераклиги (3) тўғрисида таклиф ва тавсиялар берилган [4].

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси бошқарма бошлиғи Б.Иргашев томонидан “Жаҳонда ва Ўзбекистонда электрон тижорат” номли мақолада жаҳонда ва Ўзбекистонда электрон тижоратнинг аҳамияти, унинг ўсиш тенденциялари, ушбу соҳа айниқса коронавирус пандемияси даврида жадал ривожланаётганлиги таҳлил қилинган [5].

Фикримизча юқорида келтирилган илмий тадқиқотларда бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бўлган маҳаллий электрон тижорат субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда солиққа тортиш мақсадида электрон тижорат бўйича савдо айланмаси ҳисобини юритиш масалаларига кенг тўхталмаган.

**Асосий қисм.** Ҳозирги вақтда мамлакатда электрон тижоратни тартибга солиш бўйича Ўзбекистон Республикаси “Электрон тижорат тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги “Электрон тижоратни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3724-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 июндаги “Электрон тижоратда битимларни амалга ошириш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 185-сон қарори каби норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тартибга солинади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги “Электрон тижоратни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3724-сон қарорига мувофиқ “Электрон тижорат субъектлари миллий реестри” ишлаб чиқилди ва ишга туширилди.

Бугунги кунда мазкур реестрда электрон савдо майдонларида маҳсулот етказиб бериш, электрон ҳужжат ва хабарларни сақлаш хизматларини кўрсатиш фаолияти билан шуғулланувчи жами 152 та тадбиркорлик субъектлари рўйхатга олинган [6].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 337 ва 467-сонли моддаларига мувофиқ, товар(иш ва хизмат)ларнинг электрон савдосини амалга оширувчи электрон тижорат субъектларининг миллий реестрига киритилган солиқ тўловчилар – 7,5 фоиз фойда солиғини ҳамда 2 фоиз айланма солиғини тўлаши ёки амалдаги солиқ ставкаларига нисбатан 2 баробар камайтирилган ставкаларда тўлаши белгиланган.

Шу билан бирга солиқ тўловчилар, агар кўрсатилган фаолият турларини амалга оширишдан олинган даромадлар жорий ҳисобот (солиқ) даври якунлари бўйича жами даромаднинг камида 90 фоизини ташкил этса, юқорида қайд этилган фоиз миқдоридаги солиқ ставкаларини қўллашга ҳақли.

Мамлакатнинг рақамлаштириш ҳамда электрон тижоратни ривожлантириш борасида олиб борилаётган ислоҳотлари натижасида электрон тижорат тобора ривожланиб бормоқда. Хусусан, 2017 йилда 26 та корхона 12,1 млрд.сўмга электрон тижорат билан шуғулланган бўлса, 2018 йилда корхоналарнинг сони 51 тага етиб, электрон тижорат ҳажми 40,9 млрд.сўмни ташкил этган ёки таққосланадиган нархларда 2,8 баробарга ошган.

2019 йилда 171 та корхона томонидан 275,3 млрд. сўмлик электрон тижорат операциялари амалга оширилган бўлса, 2020 йилга келиб, уларнинг ҳажми 1,0 трлн. сўмдан ошиб, ўсиш суръати 3,2 баробарни ташкил этган. Буни 1-жадвалда ҳам кўришимиз мумкин.

Ҳудудлар кесимида таҳлил қиладиган бўлсак, 2017 йилда электрон тижоратлар Республиканинг 3 та ҳудудида, яъни Тошкент шаҳри (9,1 млрд. сўм), Самарқанд (2,1 млрд.сўм) ҳамда Фарғона (907,6 млн. сўм) вилоятларида амалга оширилган бўлса, 2020 йилга келиб, электрон тижорат операциялари Республиканинг барча ҳудудларини қамраб олди.

Электрон тижорат операцияларининг катта салмоғи Республиканинг Тошкент шаҳри (545,0 млрд. сўм), Андижон (353,4 млрд.сўм) ва Тошкент (52,7 млрд.сўм) вилоятларига тўғри келмоқда.

Хусусан, Тошкент шаҳрида 2020 йилда 545,0 млрд.сўмлик электрон тижорат операциялари амалга оширилиб, 2019 йилга нисбатан таққосланадиган нархларда қарийб 2,3 баробарга ошган.

Андижон вилоятида эса 2020 йилда 353,4 млрд. сўмлик электрон тижорат операциялари амалга оширилиб, 2019 йилдаги 213,4 млн.сўмга нисбатан таққосланадиган нархларда 1457 баробар ўсган.

Электрон тижоратнинг ҳудудлар кесимидаги ривожланиш динамикаси батафсил 2-жадвалда кўриш мумкин.

**Хусусан, 2017 йилда 26 та корхона 12,1 млрд.сўмга электрон тижорат билан шуғулланган бўлса, 2018 йилда корхоналарнинг сони 51 тага етиб, электрон тижорат ҳажми 40,9 млрд. сўмни ташкил этган ёки таққосланадиган нархларда 2,8 баробарга ошган.**

**1-жадвал**

**Электрон тижоратнинг ривожланиш динамикаси (млрд.сўм)**

| Кўрсаткичлар | 2017 й. | | | 2018 й. | | | 2019 й. | | | 2020 й. | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Ҳажми | Корхоналар сони | ўсиш суръати %* | Ҳажми | Корхоналар сони | ўсиш суръати %* | Ҳажми | Корхоналар сони | ўсиш суръати %* | Ҳажми | Корхоналар сони | ўсиш суръати %* |
| **Жами айланма товар** | **147 415,8** | **39 757** | **x** | **194 723,6** | **43 860** | **x** | **259 417,2** | **63 474** | **x** | **319 969,9** | **94 084** | **x** |
| *шу жумладан:* | | | | | | | | | | | | |
| Чакана савдо | 105 229,9 | 27 354 | 101,9 | 133 195,2 | 29 159 | 106,5 | 166 094,4 | 43 897 | 109,8 | 199 518,8 | 63 297 | 105,7 |
| Улгуржи савдо | 42 185,9 | 12 403 | 94,0 | 61 528,5 | 14 701 | 126,8 | 93 322,8 | 19 577 | 128,6 | 120 451,1 | 30 787 | 113,6 |
| | | | | | | | | | | | | |
| **Жами электрон тижорат** | **12,1** | **26** | **183,4** | **40,9** | **51** | **280,0** | **275,3** | **171** | **670,0** | **1 002,5** | **121** | **320,5** |
| *шу жумладан:* | | | | | | | | | | | | |
| Чакана савдо | 3,4 | 10 | 104,6 | 4,2 | 10 | 103,1 | 77,1 | 30 | 1 850,0 | 387,7 | 45 | 442,6 |
| Улгуржи савдо | 8,7 | 16 | 260,0 | 36,7 | 41 | 350,0 | 198,2 | 141 | 540,0 | 614,8 | 76 | 273,0 |

***таққосланадиган нархларда**

**Манба:** *жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди.*

2-жадвал

**Электрон тижоратнинг ҳудудлар бўйича ривожланиш динамикаси (млн. сўм)**

| Кўрсаткичлар | 2017 й. | | 2018 й. | | 2019 й. | | 2020 й. | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Ҳажми | Ўсиш суръати (%)* | Ҳажми | Ўсиш суръати (%)* | Ҳажми | Ўсиш суръати (%)* | Ҳажми | Ўсиш суръати (%)* |
| **Жами электрон тижорат** | **12 123,7** | **183,4** | **40 861,1** | **280,0** | **275 310,7** | **670,0** | **1 002 481,1** | **320,5** |
| Қорақалпоғистон Респ. | 0 | | 0 | | 0 | | 399,1 | - |
| Андижон | 0 | | 0,2 | - | 213,4 | - | 353 385,2 | 145 714,8 |
| Бухоро | 0 | | 0 | | 0 | | 5,8 | |
| Жиззах | 0 | | 0 | | 671,0 | - | 457,8 | 60,1 |
| Қашқадарё | 0 | | 0 | | 1 582,5 | - | 3 313,2 | 184,3 |
| Навоий | 0 | | 0 | | 35,2 | - | 1 874,3 | 4 688,8 |
| Наманган | 0 | | 229,2 | - | 5 177,1 | - | 19 072,5 | 324,2 |
| Самарқанд | 2141,3 | - | 1 104,2 | - | 8 572,5 | - | 18 072,2 | 185,5 |
| Сурхондарё | 0 | | 0 | | 156,8 | - | 0 | 0 |
| Сирдарё | 0 | | 0 | | 218,6 | | 0 | 0 |
| Тошкент | 0 | | 2 359,9 | - | 29 978,3 | - | 52 654,2 | 154,6 |
| Фарғона | 907,6 | - | 315,7 | - | 14 785,4 | - | 8 248,9 | 49,1 |
| Хоразм | 0 | | 116,7 | - | 1 689,4 | - | 0 | 0 |
| Тошкент шаҳри | 9 074,7 | 261,8 | 36 735,1 | 550,0 | 212 230,3 | 1700,0 | 544 998,0 | 226,0 |

*** таққосланадиган нархларда**

**Манба:** *жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди.*

Республикамизда электрон тижорат ривожланиб бориши билан бирга, ушбу операцияларни амалга ошираётган шахслар томонидан солиқларни ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши бўйича бир қанча муаммолар юзага келмоқда.

Хусусан, бугунги кунда "Электрон тижорат субъектлари миллий реестри"га аъзо бўлган тадбиркорлик субъектлари томонидан давлат солиқ органларига электрон савдо орқали топилган ўз даромадлари тўғрисида маълумотлар тақдим этилмаяпти.

Яна бир муаммони таъкидлаш жоизки, амалдаги қонун ҳужжатларида электрон тижорат соҳасини тартибга солиш белгиланган, аммо бирорта ҳужжатларда электрон савдо орқали топилган даромадлар тўғрисида маълумотларни солиқ тизими органларига тақдим этиш белгиланмаган.

Бу эса, электрон тижорат соҳасида операцияларни тўлиқ қамраб олиш ва ушбу соҳада фаолият юритувчи субъектларнинг солиқ солинадиган базасининг тўлиқ аниқланишига тўсқинлик қилмоқда.

Кенг турдаги маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ фаолиятни амалга оширувчи интернет дўконларнинг телеграм каналларига аъзо бўлаётган обуначилар миқдорининг ўсиб бораётгани кузатилмоқда.

Хусусан, tgstat.com сайти маълумотларига кўра, биргина Telegram ижтимоий тармоғи орқали Ўзбекистонда савдо соҳасида жами фойдаланувчилари 2 миллиондан ортиқ бўлган 100 дан ортиқ йирик канал мавжуд [7] бўлиб, бу омиллар давлат рўйхатидан ўтмаган тадбиркорлик субъектларининг (хуфиёна тижорат) ривожланишига таъсир кўрсатади.

Шу билан бирга, республикамизда тадбиркорлар ва рўйхатдан ўтмаган жисмоний шахслар ҳам махсус тижорат сайтлари билан бир қаторда "Telegram", "Instagram", "What's Up", "Facebook" каби ижтимоий тармоқлар орқали электрон тижоратни амалга ошириши фаоллашди. Мазкур соҳада электрон тижорат билан ноқонуний шуғулланувчи шахслар доираси ҳам сезиларли даражада ошиб бормоқда.

Экспертларнинг баҳолаш натижалари ҳамда Давлат солиқ қўмитаси маълумотларига кўра, республикада хуфиёна сектордаги электрон тижорат бозори даражаси 4,9 триллион сўм қилиб баҳоланмоқда [8].

**Таъкидлаш жоизки, электрон савдо ҳамда ижтимоий тармоқлар орқали тижоратни солиққа тортиш маъмурчилигида қуйидаги асосий муаммолар мавжуд:**

электрон савдодан тушган пул ва товар айланмалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли маълумотларнинг мавжуд эмаслиги;

белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтмасдан электрон тижорат (савдо)ни амалга оширишга қарши аниқ чоралар мавжуд эмаслиги;

электрон тижорат соҳасининг солиқ назорати замонавий механизмлари мавжуд эмаслиги.

Электрон тижорат солиқ маъмурчилиги халқаро тажрибаси (АҚШ, Германия, Франция ва Швейцария) электрон тижорат субъектларининг турли тоифаларини идентификация қилиш механизмини кўзда тутади.

АҚШда электрон тижорат билан шуғулланиш истагидаги юридик ва жисмоний шахсларда “сотувчи рухсатномаси” (seller’s permit) каби ҳужжатга эга бўлиши лозим. Сотувчи рухсатномасига эга бўлган тадбиркорлик субъекти солиқ органларидан ҳам рўйхатдан ўтказилади [9].

Шунингдек, АҚШда рухсатнома олиш талаблари бўйича кўмак ва тўлиқ маълумот маҳаллий Савдо-палаталари томонидан амалга оширилади.

**Японияда Миллий солиқ агентлиги ҳузурида махсус солиқ департаменти ташкил этилган бўлиб, унинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:**

- электрон тижорат субъектлари фаолият юритадиган сайтлар мониторинги;
- солиқ органларида рўйхатдан ўтмаган сайтларни аниқлаш;
- интернетда тадбиркорлик фаолиятини юритиш фактларини аниқлаш;
- интернет савдо соҳасида қонунчиликка риоя қилинишини таъминлаш [10].

Бирлашган Араб Амирлигида, электрон тижорат билан шуғулланиш истагидаги маҳаллий жисмоний ва юридик шахслар, ўзини-ўзи банд қилган шахслар “сотувчи лицензияси”(Trader license)ни олиши шарт. Мазкур лицензия БААда Иқтисодий департамент томонидан амалга оширилади [11].

Бунда лицензия учун тўлов қисман давлат бюджетига ва яна маълум қисми Савдо-саноат палатасига аъзолик бадали сифатида тўланади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикасида электрон тижорат соҳаси шаклланиш ва ривожланиш босқичида бўлганлиги сабабли, мазкур соҳани ривожлантириш, хусусан соҳа иштирокчиларини солиққа тортиш тизимини такомиллаштиришда аниқ тамойилларни белгилаб олган ҳолда солиққа тортишнинг рағбатлантириш функциясидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

**Бунда, электрон тижорат бозоридаги норасмий субъектларни тартибга солишда қуйидаги асосий жиҳатларни инобатга олиш муҳим ҳисобланади:**

- электрон тижорат соҳасида давлат рўйхатидан ўтмасдан фаолият юритаётган шахслар аниқланганда биринчи мартасида огоҳлантириш ҳамда улар қонуний равишда фаолият олиб боришлари учун ҳуқуқий ва ташкилий ёрдам бериш;
- биринчи марта аниқланиб огоҳлантирилган шахсларнинг такрорий шу фаолият билан шуғулланишлари аниқланса, сезиларли миқдордаги жаримага тортилишини назарда тутиш.

**Хулоса ва таклифлар**. Интернет-савдо (электрон тижорат) соҳасидаги субъектларни аниқлаш тартибини такомиллаштириш, қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва тўлашни ҳисобга олган ҳолда, солиққа тортиш механизмини ишлаб чиқиш юзасидан қуйидагилар таклиф қилинади:

1. Электрон тижорат соҳасида фаолият олиб бориш истагидаги тадбиркорлик субъектлари учун ваколатли идорадан бизнес сертификат олишни жорий этиш. Бунда сертификат тадбиркорлик субъекти учун айнан электрон тижоратнинг қайси йўналишларида олиб боришига қараб идентификацияланади.

2. Давлат солиқ қўмитаси ҳузурида Электрон тижорат орқали амалга ошириладиган операциялар бўйича маълумотларни қайта ишлаш ягона платформасини яратиш ва уни ваколатли вазирлик ва идоралар билан интеграция қилиш;

3. Интернет тармоғи орқали маҳсулот ёки хизмат харид қилинганда бериладиган чекларда электрон тижорат субъектининг солиқ органларида рўйхатдан ўтганлигини аниқлаш имконини берувчи махсус белгиларни (QR код) акс эттириш орқали электрон тижорат операцияларини қайд этиш тажрибасини жорий қилиш;

4. Электрон тижорат соҳасида тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш бўйича статистика ва солиқ органларига тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган тегишлича молиявий, бухгалтерия ва солиқ ҳисоботлари шаклида э-тижоратдан топилган даромадлар тўғрисидаги молиявий кўрсаткичларни киритишни жорий этиш;

5. Электрон тижорат соҳасида қонуний тадбиркорлик фаолиятини олиб бормоқчи бўлганлар учун Давлат солиқ қўмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (шу жумладан, e-tijorat.uz сайтида) ва Савдо-саноат палатаси расмий веб-сайтларида қонуний фаолиятни йўлга қўйиш бўйича йўриқнома акс этган, онлайн тарзда давлат рўйхатидан ўтиш саҳифасига ҳавола мавжуд бўлган ҳамда ҳуқуқий ва ташкилий консультация имкониятини берувчи рукн ташкил этиш;

6. Электрон тижорат соҳасида солиқ маъмурчилиги юзасидан икки томонлама ёки кўп томонлама давлатлараро солиқ органлари ўртасида ўзаро мувофиқлаштириш тизимини йўлга қўйиш, солиқ хизматларининг халқаро ҳамкорлик йўналишларини ривожлантириш, иккиёқлама солиққа тортишнинг олдини олиш бўйича келишувлар расмийлаштириш.

***Манба ва адабиётлар***

*1. https://www.statista.com/statistics/379046/world wide -retail-e-commerce-sales/*

*2. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумоти.*

*3. Procedia - Social and Behavioral Sciences Volume 195, 3 July 2015, Pages 642-648, https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S1877042815036241*

*4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Малака ошириш маркази "Иқтисодиётни жадал ривожлантиришда солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш масалалари" мавзусидаги республика илмий - амалий конференцияси материаллари тўплами, 25 сентябрь 2020 йил. 292-294-бетлар*

*5. "Правда востока" газетаси № 262 (29492), 2020 йил 16 декабрь*

*6. www.e-tijorat.uz интернет портали*

*7. tgstat.com*

*8. Давлат солиқ қўмитасининг 2021 йил 19 февралдаги 18/2-13948-сонли хатида келтирилган маълумот.*

*9. https://www.bigcommerce.com/blog/online-business-laws/#undefined*

*10. https://www.nta.go.jp/english/Report_pdf/2021e_04.pdf*

*11. https://highlevel.dedcafe.ae/service/e-trader-license/*

**Интернет савдо (электрон тижорат) соҳасини солиққа тортиш ва уни такомиллаштириш масалалари**

**Зафар Ахмедов,**
*Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги бошқарма бошлиғи, Давлат бошқаруви академияси мустақил изланувчиси*

**Аннотация:** *электрон савдонинг шиддат билан ўсиб бориши ўз навбатида, электрон битимларни шунингдек, уларни рақамли маконда амалга ошираётган шахсларни ҳисобга олиш ва мониторинг қилишнинг механизмини яратишни, электрон тижорат маъмуриятчилигининг солиқ мажбуриятларини бажарилишида маъмурий жараёнларни соддалаштириш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган электрон тижоратни бошқаришнинг замонавий моделини яратишни тақозо этади.*

**Калит сўзлар:** *электрон савдо, интернет дўкон, хуфиёна тижорат, электрон тижорат солиқ маъмурчилиги.*

**Вопросы налогообложения и совершенствования интернет-торговли (электронной коммерции)**

**Зафар Ахмедов,**
*Начальник управления Министерства экономического развития и сокращения бедности, соискатель Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан*

**Аннотация:** *стремительный рост электронной коммерции требует создание механизма учета и контроля электронных операций, а также лиц осуществляющих их в цифровом пространстве, упрощение административных процедур при выполнении налоговых обязательств при электронной коммерции, что в свою очередь определяет необходимость в разработке современной модели управления электронной коммерцией, ориентированной на защиту прав потребителей.*

**Ключевые слова:** *электронная коммерция, интернет-магазин, теневая торговля, налоговое администрирование электронной коммерции.*

**Issues of Internet commerce (electronic commerce) taxation and its improvement**

**Zafar Akhmedov,**
*Head of Department of the Ministry of Economic Development and poverty reduction, aspirant for the Academy of State Administration under the President of the Republic of Uzbekistan*

**Abstract:** *the rapid growth of e-commerce, in turn, requires the creation of a mechanism for accounting and monitoring of e-transactions, as well as those who implement them in the digital space, simplify administrative processes in the implementation of tax obligations of e-commerce, create a modern model of  e-commerce management.*

**Keywords:** *e-commerce, online store, shadow trade, e-commerce tax administration.*

**Ижтимоий масалалар, фан, таълим ва камбағалликни қисқартириш /
Социальные вопросы, наука, образование и сокращение бедности /
Science, education poverty reduction, and Social issues**

**УЎК: 332.012**

**Рустам ХАСАНОВ,**
*иқтисодиёт фанлари доктори, профессор,*
*Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти лойиҳа раҳбари,*
**E-mail: r.r.khasanov@mail.ru,**
**Равшанбек ЮСУПОВ,**
*иқтисодиёт фанлари номзоди,*
*Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби бўлим бошлиғи,*
**E-mail: yura-2005@rambler.ru**

# Аҳоли ҳаёт сифати мамлакат ижтимоий хавфсизлигининг меъёри сифатида

**Кириш.** Мамлакат аҳолисининг ҳаёт сифати ва ижтимоий (жамоат) хавфсизлик масалалари энг муҳим вазифалардан бири бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. У ижтимоий соҳада мамлакат ва аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш, жамиятдаги ижтимоий тузилма ва муносабатларнинг ривожланиши, инсонларнинг турмуш ва ижтимоий тизими билан боғлиқ.

Ушбу жиҳатларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармонида ҳам алоҳида аҳамият қаратилган [1].

2022 йил 31 январь куни Президент Шавкат Мирзиёев ҳузурида ўтказилган Тошкент шаҳрида амалга ошириладиган лойиҳалар тақдимоти доирасида “Инсон қадри индекси”ни жорий этиш масаласи муҳокама қилинган. Маълумки, дунёда Инсон тараққиёти индекси мавжуд. У аҳолининг ҳаёт сифати, саводхонлик даражаси ва умри давомийлигини қиёсий баҳолайдиган кўрсаткич. Бу давлатимиз раҳбари илгари сурган “инсон қадрини улуғлаш” ғояси билан ҳамоҳанг.

Инсон қадри индекси маҳаллаларни ўрганиш ва унинг натижаларини таҳлил қилиш асосида ишлаб чиқилади. Хусусан, пойтахтнинг Чилонзор, Учтепа, Сергели ва Юнусобод туманларидан биттадан маҳалла танлаб олиниб, аҳоли ўртасида 56 хил масала бўйича сўровнома ўтказилган. Бу орқали маҳаллада қайси соҳа оқсаётгани, одамларда нималарга талаб борлиги аниқланган.

Тошкентдаги маҳаллалар аҳолиси муаммоларини ўрганиш учун жорий қилинадиган Инсон қадри индексини 8 та кўрсаткич асосида ҳисоблаб чиқиш таклиф этилган. Буларга соғлиқни сақлаш, таълим, хавфсизлик, бандлик, даромад ва бошқа йўналишлар киради.

**Индекс қуйидаги кўрсаткичларни ўз ичига олади:**

- соғлиқни сақлаш: ўртача яшаш умри, аёллар ўлими, эркаклар ўлими, болалар ўлими, сил касаллари сони, ВИЧ инфекциясининг тарқалиши, ногиронга яратилган имкониятлар;
- таълим: мактабгача таълим муассасалари (кейинги ўринларда – МТМ) қамрови, ўрта таълим қамрови, ўрта махсус таълим муассасаларида ўқувчилар сони, тижорат МТМларда тарбияланувчилар сони, тижорат мактабларда ўқувчилар сони, тижорат олийгоҳларда талабалар сони, спортчилар сони, тўгараклар сони;
- хавфсизлик: маҳаллада содир этилган жиноятлар сони, қотиллик даражаси, ўз жонига қасд қилиш сони (аёллар), ўз жонига қасд қилиш сони (эркаклар), адашган ва ёт ғоя таъсирига тушганлар сони;

- бандлик: ёшга доир пенсионерлар сони, норасмий банд бўлганлар сони, ишсизлик даражаси, ёшлар ишсизлик даражаси, заиф банд бўлганлар сони;

- даромад: аҳоли жон бошига реал даромад, аҳоли жон бошига доимий даромади 5 млн сўмдан паст бўлган аҳоли сони;

- ҳаракатчанлик: интернетдан фойдаланувчилар сони, мобиль алоқадан фойдаланувчилар сони, ташқи миграция коэффициенти, ички миграция коэффициенти;

- демография: аҳоли сони, аҳоли зичлиги, аҳолининг ўртача ёши, 65 ёшдан юқори аҳолининг даражаси (жами аҳоли сонига нисбатан), 18-30 ёшдаги аҳоли сони, ажримлар сони;

- ижтимоий-иқтисодий барқарорлик: малакали ишчи кучи даражаси (жами ишчи кучига нисбатан), уйсизлар сони, тадбиркорлар сони, 3 та дафтарда турувчилар сони, маҳалла ободлиги [4].

Ижтимоий соҳа мамлакат миллий хавфсизлиги ва барқарор ривожланишини таъминлашда муҳим роль ўйнайди. У шахс, жамият, оила, шунингдек, синфлар, ижтимоий гуруҳлар ва давлат манфаатларининг ҳақиқий тимсолини топади. Ижтимоий хавфсизлик жамиятдаги кўплаб салбий жараёнларга боғлиқ ва улар билан белгиланади: жиноятчиликнинг ўсиши, турмуш даражасининг пасайиши, ишсизликнинг кўпайиши, эски таълим тизимининг йўқ қилиниши, фан ва техника нуфузининг пасайиши, жамиятнинг бойлар ва камбағалларга табақаланиши, инсонлар ўртасидаги муносабатларнинг ёмонлашиши.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи. Сўнгги йилларда тадқиқотчилар ишларида ижтимоий хавфсизликнинг бир қатор таърифлари таркибий муносабатлар, ижтимоий соҳадаги шарт-шароитлар ва имкониятлар, шахс, турли гуруҳлар мавқеи ва фаровонлиги каби тушунчалар сифатида пайдо бўлди.

Муаллифларнинг биринчи гуруҳи ижтимоий хавфсизлик – ижтимоий соҳада мамлакат ва аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича, жамиятда ижтимоий тузилма ва муносабатларни ривожлантириш, инсонларнинг ҳаётий таъминоти, ижтимоийлашуви тизими ҳамда ҳозирги ва келажак авлодлар эҳтиёжларига мос турмуш тарзини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи, деб ҳисоблайди [5].

Иккинчи гуруҳ муаллифлари (Н.В. Пирумов) нисбатан мустақил гуруҳ сифатида "ижтимоий хавф ва таҳдидларни" ажратиб кўрсатмайди [6].

Учинчи гуруҳ (машҳур олим Г.Силласте) ижтимоий таъминот муаммоларини кичик гуруҳларга (шахснинг қонуний ҳуқуқларининг бузилиши, жиноятчилик, шунингдек, инсонлар саломатлигига путур етказувчи омиллар) ажратади [7].

Муаллифларнинг тўртинчи гуруҳи (академик Л.Абалкин) ижтимоий хавфларни иқтисодий ёки бошқа хавф ва таҳдидлар синфига киритади [8].

Юқоридаги таърифларни таҳлил қилгандан сўнг, шуни таъкидлаш мумкинки, ижтимоий хавфсизлик – жамиятнинг шундай ҳолатики, у барча асосий ишлаб чиқариш соҳаларида ижтимоий шароитлар ва ижтимоий имтиёзларнинг номинал даражасини таъминлайди, шунингдек, бутун жамиятни ҳимоя қилади, ички ва ташқи таҳдидлардан ташқари ҳар бир фуқаронинг ҳаёти ва шахсий ривожланиши учун минимал хавф кафолатланади.

Тадқиқот методологияси. Ижтимоий хавфсизлик (барқарорлик) нинг муҳим омилларидан бири бу мамлакат аҳолисининг ҳаёт сифати ҳисобланади.

"Аҳолининг ҳаёт сифати" тушунчасининг пайдо бўлиши XX асрнинг иккинчи ярмида аҳоли фаровонлиги мезони сифатида турмуш даражасини анъанавий тушунишга хос бўлган чекловларни жамиятнинг англаши билан боғлиқ, чунки даромадларнинг ўсиши ва моддий неъматлар истеъмоли инсонлар ҳаётининг бошқа жабҳалари билан чамбарчас боғлиқ, жумладан, атроф-муҳитнинг ёмонлашуви, жиноятчилик ва касалланишнинг кўпайиши каби муаммолар билан бирга бўлиши мумкин.

Илмий соҳада фаровонлик тушунчасини асослаш бўйича турли хил қарашлар мавжуд. Улардан асосийларини 1-жадвалда кўриб чиқиш мумкин.

**Ижтимоий соҳа мамлакат миллий хавфсизлиги ва барқарор ривожланишини таъминлашда муҳим роль ўйнайди. У шахс, жамият, оила, шунингдек, синфлар, ижтимоий гуруҳлар ва давлат манфаатларининг ҳақиқий тимсолини топади.**

**1-жадвал**

**“Фаровонлик” категориясини тавсифловчи асосий тушунчалар [2]**

| Фаровонлик тушунчасини талқин қилиш | Манба, муаллиф |
|---|---|
| Фаровонлик - (моддий) фаровонлик, бойлик, мол-мулк; тўқлик, бойлик, мамнунлик, етарлилик, бахт | Синонимлар ва иборалар луғати |
| Фаровонлик - ўлчов, инсонларга ҳаёт имтиёзлари, яшаш воситалари. Фаровонлик инсонларнинг турмуш даражасини тавсифлайди | Райзберг Б.А., Лозовский Л.Ш., Стародубцева Е.Б. |
| Фаровонлик - шахснинг, оиланинг, синфнинг ёки ижтимоий гуруҳнинг ва умуман давлатнинг ҳаётий эҳтиёжлар билан таъминланганлиги. Фаровонликнинг асосий таркибий қисми бу аҳолининг даромад даражаси ва табақаланишидир. Шунингдек, фаровонлик эҳтиёжлар ва даромадлар билан бир қаторда яшаш ва меҳнат шароитлари, бўш ва иш вақтининг таркиби ва ҳажми, таълим ва маданий даражадаги кўрсаткичлар, мамлакатдаги экологик ва демографик вазиятни ҳам ўз ичига олади | Business Times |
| Фаровонлик бойлик таъминлайдиган ва қашшоқликни камайтиришга ёрдам берадиган шахсий ва жамоат манфаатларининг ўзаро таъсири сифатида аҳоли ва давлат фаровонлигини оширишга ёрдам беради | “Халқлар бойлигининг табиати ва сабабларини ўрганиш” А.Смит |
| Иқтисодий фаровонлик – товарлар ва хизматларни истеъмол қилиш натижаси бўлган ва пул шаклига эга бўлган қисми. Даромаднинг бир қисмини бойдан камбағалга ўтказиш умумий бойлик миқдорини кўпайтиради, бу чекланган фойда коэффициенти қонунига асосланади | “Фаровонликнинг иқтисодий назарияси” А.Пигу |
| Фаровонликни жамият аъзолари ўртасида ресурслар тенг тақсимланган тақдирдагина амалга ошириш мумкин: фаровонлик - умумий бахтга эришиш, жамиятдаги барча инсонларни тенглаштириш орқали тўла қониқиш ҳосил қилиш. Ушбу ёндошув доирасида ихтиёрий (хайрия) ва мажбурий (солиқ, йиғимлар) механизмлардан фойдаланган ҳолда тенг тақсимланишни таъминлаш таклиф қилинади | Т.Кампанелла, Э.Г.Морелли |
| Фаровонлик ижтимоий ва шахсий нуқтаи назардан кўриб чиқилиши зарур, инглиз иқтисодчиси, ишлаб чиқариш муаммоларининг кўп турларини самарали ҳал қилиш учун давлат аралашувини талаб қиладиган хусусий ва давлат имтиёзлари ўртасидаги тафовутлар мисоллари борлигини таъкидлайди. Бу биринчи навбатда тақсимлаш тизимида, ортиқча даромадлар тенгсизлигида намоён бўлади. Шундай қилиб, яратилган бойликларнинг тенг тақсимланиши умумий бойлик даражасини ва қашшоқликни камайтиришни оширади | Г.Сиджвик |
| Фаровонлик энг мақбул нарсага асосланади: шахснинг фаровонлиги жамиятнинг бошқа аъзоси фаровонлигининг пасайишига олиб келгунга қадар ошади. Бундан ташқари, В.Парето ресурсларнинг мақбул тақсимланишига эришиш идеал иқтисодиёт шароитида кўриб чиқилган ва реал ҳаётда бундай бўлиши деярли имконсиздир, деб ҳисоблайди. | В.Парето |
| Иқтисодий ва маънавий барқарорликни ўрнатиш учун ижтимоий бойлик адолатли равишда тақсимланиши керак. Бундай ҳолда, адолат мезони бу ўлчов билан ўлчанмайдиган, фойда келтирадиган нарсанинг максимал даражасидир | Л.Вальрас |
| Турмуш даражаси ва тоифалари бир-бирига ўхшаш бўлиб, аҳолини зарур моддий ва маънавий имтиёзлар билан таъминлаш, уларнинг истеъмол қилинган даражаси ва одамларнинг ушбу имтиёзларга бўлган эҳтиёжларини қондириш даражаси сифатида белгиланади. | В.Ф.Майер |
| Фаровонлик - бир неча таркибий қисмлар тизими: соғлиқни сақлаш, шу жумладан, демографик шароитлар, озиқ-овқат, кийим-кечак, истеъмол ва жамғарма фондлари; меҳнат шароитлари, бандлик, меҳнатни ташкил этиш; таълим, шу жумладан, саводхонлик; уй; ижтимоий ҳимоя; инсон эркинликлари. Фаровонликни халқаро таққослаш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти “инсон тараққиёти индекси” кўрсаткичидан фойдаланади, шу жумладан, аҳоли жон бошига тўғри келувчи миллий даромад, умр кўриш давомийлиги, таълим | БМТ |



Ҳаёт сифати деганда мамлакат аҳолиси ривожланишининг ҳар бир босқичида унинг ҳаётини таъминловчи шарт-шароитлар мажмуи тушунилади. Ҳаёт сифати тарихий, миллий, географик ва бошқа шароитларга боғлиқ. Шу сабабли, ҳаёт сифатининг универсал стандарти мавжуд эмас, лекин ҳар бир мамлакат илғор жаҳон ютуқлари асосида унинг мақбул параметрларини ишлаб чиқади, уларнинг таъминланиши жамият ижтимоий барқарорлиги ва шу сабабли унинг барқарорлиги учун шартдир [9].




**1-расм. Фаровонликнинг асосий таркибий қисмлари**

**Манба:** *маълумотлар асосида муаллифлар томонидан умумлаштирилган.*

“Аҳолининг ҳаёт сифати” тушунчасига инсон ҳаётининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий, экологик ва бошқа жиҳатлари киради, бу эса ушбу концепция мазмунининг назарий ва услубий асосларини шакллантиришда тизимли ёндашувдан фойдаланишни назарда тутади.

Аҳоли фаровонлигига таъсир этувчи қуйидаги омилларни ажратиб кўрсатиш ва уларни 2-жадвалда умумлаштириш мумкин.

**2-жадвал**

**Фаровонликнинг асосий омиллари [3]**

| Таснифлаш хусусияти | Омил номи | Асосий хусусиятлари |
|---|---|---|
| Намоён бўлиш соҳаси бўйича | иқтисодий | Ишлаб чиқаришнинг ривожланиш даражаси, иқтисодий ўсиш даражаси ва ривожланиш, фойда тақсимоти характери, даромад даражаси, инфляция |
| | ижтимоий | Жамиятнинг ижтимоий тузилиши, аҳолининг миллий хусусиятлари, истеъмолчиларнинг афзал кўришлари |
| | демографик | аҳоли сони, жинси ва ёш таркиби, оиланинг ҳажми ва таркиби |
| | илмий-техникавий ва инновацион | илмий-техникавий тараққиёт ютуқлари, илмий-техникавий ривожланиш даражаси, тадқиқотлар ва ишланмалар ҳажми, инновациялар ва ахборот технологияларини жорий этиш даражаси, илмий-техник фаолият, инновациялар, ахборот технологияларининг натижаларига кириш даражаси |
| | сиёсий | давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг моҳияти, давлатнинг ижтимоий соҳага сарфлаш харажатлари |
| | экологик | атроф-муҳитнинг ифлосланиш даражаси, табиат ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишни таъминлайдиган атроф-муҳитни бошқариш механизмлари |
| | табиий-географик ва иқлимий | Ҳудуднинг табиий-географик ҳолати хусусиятлари, табиий ресурслар мавжудлиги, геосиёсий жойлашув хусусиятлари, иқлим ҳудуди хусусиятлари |
| Таъсир кўрсатиш табиати бўйича | тўғридан-тўғри | Даромадлар даражаси, ишлаб чиқарилган товарлар сони, ишлаб чиқаришни ривожлантириш даражаси, даромадларни тақсимлаш хусусияти, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсати |
| | билвосита | Истеъмолчиларнинг афзал кўришлари |
| Таъсир кўрсатиш йўналиши бўйича | ишлаб чиқариш | Ишлаб чиқаришнинг ривожланиш даражаси |
| | истеъмол | Истеъмолчилар сони, уларнинг хусусиятлари, даромадлари |
| Ҳисоблаш имкониятлари бўйича | миқдор | Даромад даражаси, демографик кўрсаткичлар, ишлаб чиқариш ҳажми, нарх даражаси |
| | сифат | Жамият ижтимоий тузилиши, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсати, ишлаб чиқариш кучларининг ҳолати |
| Боғлиқлиги бўйича | тўғридан-тўғри | Даромадлар даражаси, меҳнат унумдорлиги, бандликни таъминлаш, даромадларнинг адолатли тақсимланиши, соғлиқни сақлаш, таълим, ахборот технологияларидан фойдаланиш даражаси |
| | тескари | Аҳолининг ижтимоий-иқтисодий тенгсизлиги, инфляция, ишсизлик |

**Таҳлил ва натижалар.** Ҳаёт сифати – шахснинг барча муносабатлари тузилишининг ўлчови бўлиб, у унинг фаолияти интенсивлигини, неъматлардан эркин ва самарали фойдаланиш имкониятини, манфаатлар уйғунлигини белгилайди.

Ҳаёт сифатининг шартли миқдорий тавсифи – турмуш даражаси – шахс томонидан неъматлар истеъмолчиси сифатида фойдаланувчи нарсаларнинг умумий миқдори ўлчови. Ҳозирги вақтда иқтисодий адабиётларда "турмуш даражаси" атамасининг аниқ таърифи мавжуд эмас: турли хил муаммоларни ҳал қилишда турли хил талқинлар қўлланилади. Бунинг сабаби шундаки, "турмуш даражаси" тушунчаси мураккаб ва кўп қиррали бўлиб, "халқ фаровонлиги", "турмуш сифати", "аҳолининг аҳволи" ва бошқа тушунчалар билан биргаликда қўлланилади. "Ҳаёт сифати" атамасининг кенг қўлланилиши шундан келиб чиқадики, ҳозирги вақтда у аҳолининг кенг кўламли эҳтиёж ва манфаатлар нуқтаи назаридан ҳаётдан қониқиши деб тушунилади.

Турмуш даражасининг аксарият таърифлари ушбу концепциянинг айрим жиҳатларига қаратилган, аммо бу тушунчага ҳар томонлама баҳо берувчилар ҳам мавжуд. Қуйидаги таърифни бериш мумкин: "Турмуш даражаси – инсонларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш даражасини ифодаловчи мураккаб ижтимоий-иқтисодий категория" [10].

Турмуш даражаси – шаҳар, минтақа, мамлакат ривожланишини баҳолашнинг таркибий қисмларидан бири бўлган тушунча. У кўрсаткичларнинг бутун тизимини ўз ичига олади. Бунга яшаш шароитлари, соғлиқни сақлаш ва таълим ҳолати, табиий яшаш шароитлари киради. Лекин кўпинча турмуш даражаси деганда аҳолининг зарур моддий неъматлар ва хизматлар билан таъминланиши ҳамда улар эришган истеъмол даражаси тушунилади.

**Аҳоли турмуш даражаси ва сифатини баҳолаш вазифалари қуйидагилардан иборат:**

- ҳаётнинг ижтимоий-иқтисодий шароитларини ва аҳоли эҳтиёжларини қондиришнинг умумий ва ҳар томонлама тавсифи;

- турли хил ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий омилларнинг, шу жумладан, давлат ҳокимияти органлари ҳаракатларининг аҳоли турмуш даражаси ва сифатига таъсири хусусияти ва даражасини таҳлил қилиш;

- жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий табақаланиш даражасини, аҳолининг алоҳида ижтимоий, демографик ва бошқа гуруҳлари фаровонлик даражасидаги фарқлар даражасини баҳолаш.

**Ҳаёт сифатини баҳолаш қуйидагиларга имкон беради:**

- муайян минтақа ёки ҳудуддаги турмуш даражасини ҳар томонлама таҳлил қилиш ва уни бошқа минтақалар / ҳудудлардаги вазият билан солиштириш;

- аҳолига кўрсатилаётган давлат хизматлари (соғлиқни сақлаш, таълим, ижтимоий хизматлар) нинг, давлат ва маҳаллий бошқарувни ислоҳ қилиш доирасидаги натижалар тўғрисида нафақат объектив статистик кўрсаткичларини ҳисобга олиш, балки уларнинг сифати тўғрисидаги фуқароларнинг фикрини ҳам ҳисобга олиш, бу эса бошқарув тизимига ўтишда муҳим аҳамиятга эга;

– инсонларга қандай хизматлар ва қандай сифат зарурлигини тушуниш;

– фуқароларнинг муайян ҳудудда ўз ҳаётининг айрим жиҳатларини (хавфсизлик, ҳукуматга ишонч ва ҳ.к.) қандай баҳолашини кўриш;

- ривожланган мамлакатларнинг илғор тажрибалари ва мамлакатда тўпланган тажрибаларга асосланиб, аҳолининг ҳаёт сифатини яхшилашни режалаштириш ҳамда амалга ошириш.

Ҳаёт сифатини баҳолаш тегишли кўрсаткичларнинг қийматларини вақтинчалик (асосан ретроспектив) ёки фазовий (ҳудудлараро ёки гуруҳлараро) жиҳатдан солиштиришни ўз ичига олади. Ҳаёт сифатининг интеграл индекси маълум бир ҳудуд аҳолисининг маълум бир вақтнинг ўзида статик ҳолатини тавсифлайди ва ўлчовлар орасидаги ривожланиш динамикасини акс эттиради. Бундай таққослашлар амалга оширилаётган ўзгаришларнинг минтақа ёки умуман мамлакат аҳолиси ҳаётига таъсирини шахснинг, бир гуруҳ шахсларнинг, ҳудудлар аҳолисининг ҳаёт сифатини тавсифловчи шахсий ва мураккаб кўрсаткичлар тизими асосида баҳолаш имконини беради [11].

**Турмуш даражаси – шаҳар, минтақа, мамлакат ривожланишини баҳолашнинг таркибий қисмларидан бири бўлган тушунча. У кўрсаткичларнинг бутун тизимини ўз ичига олади.**

Аҳоли фаровонлигига таъсир кўрсатувчи асосий жиҳатларни 2-расмда кўриш мумкин.




**2-расм. Аҳоли фаровонлигининг асосий жиҳатлари**

**Манба:** *маълумотлар асосида муаллифлар томонидан умумлаштирилган.*

Турмуш даражасининг энг муҳим умумий кўрсаткичлари (яъни, бутун аҳоли фаровонлигини тавсифловчи кўрсаткичлар) қуйидагилардир: ялпи ички маҳсулот, аҳолининг умумий ва жон бошига ҳисобланган даромадлари; товарлар ва хизматлар истеъмол нархлари индекси; аҳолининг ўртача умр кўриш давомийлиги.

**Турмуш даражасининг хусусий кўрсаткичлари фаровонликнинг маълум жиҳатларини акс эттиради ва қуйидаги гуруҳларни ўз ичига олади:**

– аҳоли даромадлари: номинал, реал; ўртача даромад ва ўртача иш ҳақи; ўртача пенсия, нафақалар, стипендиялар;

– аҳоли истеъмоли ва харажатлари: умумий истеъмол, умумий аҳоли ва аҳоли жон бошига истеъмол харажатлари; ўртача иш ҳақи, ўртача пенсиянинг харид қобилияти;

– аҳоли ижтимоий табақалашуви, камбағаллик даражаси ва чегараси: аҳоли жон бошига ўртача (уй хўжаликлари бўйича ўртача) умумий даромадлари ҳажми бўйича тақсимланиши; истеъмол харажатлари таркиби; даромадлар концентрацияси индекси (Джини коэффициенти), даромадлар ва истеъмол табақалашувининг дециль коэффициентлари; қашшоқлик чегараси, даромадлар тақчиллиги.

Лекин, юқоридаги кўрсаткичларнинг ҳеч бири интеграл кўрсаткич сифатига эга эмас. Турмуш даражасининг ягона интеграл кўрсаткичини яратиш вазифаси долзарблигича қолмоқда. Бирлашган миллатлар ташкилоти Тараққиёт дастурининг бир гуруҳ мутахассислари турмуш даражасининг энг муҳим жиҳатларини акс эттирувчи учта кўрсаткични ўз ичига олган инсон тараққиёти индексини (ИТИ) интеграл кўрсаткич сифатида таклиф қилдилар: туғилишда кутилаётган умр кўриш; эришилган таълим даражаси; аҳоли жон бошига реал ЯИМ (валюталарнинг харид қобилияти паритетидан келиб чиққан ҳолда). Инсон тараққиёти индексини яратишнинг асосий тамойили маълум бир мамлакатнинг 0 дан 1 гача бўлган шкала бўйича инсон тараққиёти мақсадларига эришиш қобилиятига асосланади. Инсон тараққиёти индекси <0,5 бўлган мамлакатлар 0,5 кўрсаткич билан паст даражага, 0,8 – ўртача ва 0,8 дан юқори кўрсаткич билан – юқори даражага эга, деб ҳисобланади [12].

Инсон тараққиёти индекси Ii = (Xi – Xmin) / (Xmax – Xmin) формуласи бўйича ҳисобланган учта кўрсатилган кўрсаткичлар индексларининг ўртача арифметик қиймати сифатида аниқланади, бу ерда Ii – ушбу турдаги кўрсаткичлар индекси; Xi – индикаторнинг ҳақиқий қиймати; Xmax ва Xmin – мос равишда индикаторнинг максимал ва минимал қийматлари ҳисобланади. Туғилганда кутилаётган умр кўриш индекси I1 = (X1 – 25) / (85 – 25) формуласи бўйича ҳисобланади, бу ерда 25 – ёшнинг минимал қиймати; 85 – максимал ёш қиймати. Эришилган таълим даражаси индекси I2 = 2/3 ir + 1/3 id формула бўйича аниқланади, бу ерда ir – 2/3 вазнли коэффициентга эга бўлган катта ёшли аҳоли ўртасидаги саводхонлик индекси; id – 24 ёшгача бўлган бошланғич, ўрта ва олий таълим муассасалари талабалари умумий улушининг 1/3 вазн коэффициенти билан индекси.

Саводхонлик индексини аниқлаш учун 15 ва ундан катта ёшдаги аҳоли катталар ҳисобланади. Чекланган қийматлар (касрларда) қуйидагиларга тенг қабул қилинади: Xmin = 0; Xmax = 1.

Аҳоли жон бошига реал ЯИМ индексини Харид қиймати паритетида ҳисоблашда бутун дунё бўйича аҳоли жон бошига ўртача ЯИМ (Xmax) фаровонликнинг юқори даражаси учун етарли бўлган чегара кўрсаткичи ва минимал қиймат (Xmin) сифатида қабул қилинади ва 100 АҚШ долларига тенг миқдорда олинади. Натижада, бизда: I3 = (X1 – 100) / (X – 100), бу ерда X = Xmax – бутун дунё бўйича аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот-

нинг ўртача қиймати (ҳисоб-китоблар бўйича = 5448 АҚШ доллари). Натижада, ИТИ = (I1+I2+I3) / 3. Аҳоли турмуш даражаси кўрсаткичларининг бутун тизими каби инсон тараққиёти индексини ҳисоблаш методологияси доимий равишда такомиллаштирилмоқда [13].

**Хулоса ва таклифлар.** Сўнгги йилларда мамлакатимизда маҳалла тизими аҳоли ҳаёт сифатини яхшилашда ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётда эгаллаган ўрни жиҳатидан катта ўзгаришларга юз тутмоқда. Қишлоқ ва маҳаллаларни обод қилиш, аҳоли ҳаёт сифатини ошириш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбари бу долзарб масалага алоҳида эътибор қаратиб, аҳоли ҳаёт сифатини яхшилаш, ҳудудларни обод қилиш, инсонларга муносиб турмуш шароити яратиш бўйича аҳамиятли вазифаларни белгилаб бердилар. Хусусан, қишлоқ жойларда аҳоли ҳаёт сифати учун зарур шарт-шароитлар яратиб бериш, аҳоли турмуш даражаси ва яшаш шароитини яхшилаш, йўллар, ижтимоий объектлар, мактаб, боғча ва поликлиникаларни таъмирлаш каби масалалар халқимизнинг узоқ кутилган орзу-умидларини рўёбга чиқариш, инсон қадрини улуғлашга замин яратди.

**Инсон тараққиёти индекси Ii = (Xi – Xmin) / (Xmax – Xmin) формуласи бўйича ҳисобланган учта кўрсатилган кўрсаткичлар индексларининг ўртача арифметик қиймати сифатида аниқланади, бу ерда Ii – ушбу турдаги кўрсаткичлар индекси; Xi – индикаторнинг ҳақиқий қиймати; Xmax ва Xmin – мос равишда индикаторнинг максимал ва минимал қийматлари ҳисобланади.**

**Юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазаларга асосланиб, мамлакатда аҳоли ҳаёт сифатини ошириш бўйича тавсиявий характердаги қуйидаги илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқдик:**

- аҳоли ҳаёт сифатини яхшилаш учун миллий даромаднинг аҳоли жон бошига улуши, аҳоли даромадлари ва харажатлари каби кўрсаткичлардан ташқари, аҳолининг турар-жой, бошқа моддий бойликлар билан таъминланганлик даражаси, яшаш қиймати, натурал даромадлар, давлат томонидан ижтимоий соҳани қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар билан боғлиқ бошқа кўрсаткичларни ҳам киритиш зарур. Бунинг учун миллий хусусиятларни ҳисобга олган аҳоли ҳаёт сифатини аниқлаш медологиясини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш зарур;
- аҳоли саломатлиги жамият бойлиги ҳисобланади. Шу сабабли аҳолига сифатли ва арзон тиббий хизматлар кўрсатиш, ногиронлиги бор инсонларга уларга мос иш топишга кўмаклашиш, имтиёзлар бериш;
- ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламини манзилли равишда қўллаб-қувватлаш;
- инсонларни ўз қизиқишлари бўйича даромад топишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;
- аҳолининг маълумот даражасини, касбий-малака даражасини ошириш бўйича масофавий (online) таълимни ривожлантириш;
- аҳолининг тадбиркорлик қобилиятини ошириш, мулкдорлик ҳиссини уйғотиш, мақсадли йўналишларда уларга имтиёзли кредитлар ва солиқ имтиёзлари бериш;
- аҳолининг мавжуд имкониятларидан (қишлоқ жойларида томорқа ерларидан) самарали фойдаланмаслиги учун жавобгарликни кучайтириш;
- аҳоли ўртасида анъанага айланган дабдабали тўйлар, тадбирлар учун харажатларни қисқартириш ва бунинг учун жавобгарликни ошириш;
- аҳолини тадбиркорликка қизиқтириш, ўқитиш, уларнинг тадбиркорлик соҳасидаги билимларини ошириш мақсадида ўз соҳасида муваффақиятларга эришган етакчи тадбиркорлар орқали мастер-класслар ва суҳбатлар ташкил этиш, тадбиркорликни тарғиб қилувчи фильмларни кўпроқ намойиш этиш ва бошқалар.

Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини

ривожлантиришнинг муҳим шартларидан бири бу жамиятни рақамлаштириш ҳисобланади. Бу, ўз навбатида, барча тармоқ ва соҳаларга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишни талаб этади.

Аҳолининг ҳаёт сифати, инвестиция иқлими, ишчанлик муҳитини яхшилаш ва бизнесни ривожлантириш мақсадида давлат хизматларини электрон шаклда кўрсатиш тизими изчиллик билан такомиллаштирилиб, модернизация жараёнларини чуқурлаштириш ҳамда уларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, давлат хизматларини рақамлаштириш соҳасидаги қонунчиликни янада такомиллаштириш, давлат органларида ахборот тизимлари, ресурслари ва маълумотлар базаларининг идоралараро интеграция қилинишини таъминлаш, электрон ҳукумат ва давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш аҳолининг ҳаёт сифатини янада юксалтиришга хизмат қилади.

***Манба ва адабиётлар***

*1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги ПФ-60-сон Фармони.*

*2. Климонова А.Н. Благосостояние населения как целевой ориентир деятельности государства: сущность, элементы, факторы благосостояния. Журнал “Социально-экономические явления и процессы” Т. 11, №12, 2016.*

*3. Гатауллин Р.Ф., Юлдашева Г.Р. Благосостояние населения: закономерности и динамика // Вестник ВЭГУ. №2 (34).*

*4. https://www.gazeta.uz сайти маълумотлари.*

*5. Серебрянников В., Хлопьев А. Социальная безопасность России. М., 1996. 352 с.*

*6. Пирумов В. Методология комплексного исследования проблем безопасности. – М., 1994.*

*7. Безопасность: информационный сборник фонда национальной и международной безопасности. М., 1994. №3/19.*

*8. Абалкин Л. Экономическая безопасность России: угрозы и их отражение // Вопросы экономики. 1994. №12. С. 4–13.*

*9. Дворянков В.А. Экономическая безопасность – теория и реальность угроз. М.: МО МАНПО, 2000. 222 с.*

*10. Ефимова М.Р., Бычкова С.Г. Социальная статистика: учебное пособие. М.: Финансы и статистика, 2003. 560 с.*

*11. Аралбаева Г.Г. Экономические проблемы регионов и отраслевых комплексов // Проблемы современной экономики. 2008. № 3 (27). С. 58-64.*

*12. Бобков В.Н. Методологический подход всероссийского центра уровня жизни к изучению и оценке качества и уровня жизни населения // Вестник ВГУ. Серия «Экономика и управление». 2009. №2. С. 26-36.*

*13. Человеческое развитие: новое измерение социально-экономического прогресса: учеб. пособие / под общ. ред. В.П. Колесова. 2-е изд., доп. и перераб. М., 2000. 156 с.*

## Аҳоли ҳаёт сифати мамлакат ижтимоий хавфсизлигининг меъёри сифатида

**Рустам Хасанов,**
*иқтисодиёт фанлари доктори, профессор,*
*Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий*
*тадқиқотлар институти*
*лойиҳа раҳбари,*
**Равшанбек Юсупов,**
*иқтисодиёт фанлари номзоди,*
*Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби*
*бўлим бошлиғи*

**Аннотация:** *мақола мамлакат аҳолисининг ижтимоий хавфсизлигини таъминлаш масалаларига бағишланган. Аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини баҳолаш учун фойдаланилувчи асосий кўрсаткичлар таҳлил қилинган. Мақолада фаровонлик тушунчаси аҳоли умумий фаровонлигининг ушбу ижтимоий-иқтисодий тоифасига кирувчи таркибий қисмлар тизими нуқтаи-назаридан кўриб чиқилади. Аҳоли фаровонлиги даражасининг яхшиланиши иқтисодий ривожланиш натижаси бўлиб, тадбиркорлик ривожланишини рағбатлантирувчи ва натижада, умуман жамият фаровонлиги ошишига олиб келувчи истеъмол талабининг ўсиши омили ҳисобланади. Мақола доирасида тадқиқотнинг мавзуси фаровонлик давлат фаолиятининг мақсадли белгиси сифатида, шунингдек фаровонликнинг таркибий қисмлари ҳисобланади. Мақолада аҳоли фаровонлигига таъсир қилувчи асосий омиллар аниқланган, уларнинг асосий хусусиятлари тавсифланган.*

**Калит сўзлар:** *фаровонлик, фаровонлик элементлари, ижтимоий-иқтисодий тенгсизлик, давлат фаолияти, ижтимоий таъминот, ҳаёт сифати, турмуш даражаси, инсон тараққиёти индекси.*

## Качество жизни как норма социальной безопасности государства

**Рустам Хасанов,**
*доктор экономических наук, профессор,*
*Руководитель проекта Института прогнозирования и макроэкономических исследований,*
**Равшанбек Юсупов,**
*кандидат экономических наук, доцент,*
*Началник отдела Высшей школы бизнеса и предпринимательства*

**Аннотация:** *статья посвящена вопросам социального обеспечения населения страны. Проанализированы основные показатели, используемые для оценки уровня жизни и качества жизни населения. В статье понятие благосостояния рассматривается через призму системы элементов, входящих в данную социально-экономическую категорию всеобщего благосостояния граждан. Повышение уровня благосостояния – результат развития экономики, фактор роста потребительского спроса, который стимулирует развитие предпринимательства и в конечном итоге приводит к повышению уровня благосостояния общества в целом. Предметом исследования в рамках статьи является благосостояние как целевой ориентир деятельности государства, а также элементы благосостояния. Автором выделены основные факторы, влияющие на благосостояние населения, описаны их основные характеристики.*

**Ключевые слова:** *благосостояние, элементы благосостояния, социально-экономическое неравенство, деятельность государства, социальная защищенность, качество жизни, уровень жизни, индекс человеческого развития.*

## Quality of life as a state social security standard

**Rustam Khasanov,**
*Doctor of Economics, Professor,*
*Project Manager of the Institute for Forecasting and Macroeconomic Research,*
**Ravshanbek Yusupov,**
*Philosophy Doctor, Docent,*
*Head of Department of the Graduate School of Business and Entrepreneurship*

**Abstract:** *the article is devoted to the issues of social security of the population of the country. The main indicators used to assess the standard of living and quality of life of the population are analyzed. In article the concept of welfare is considered through a prism of system of the elements entering this social and economic category of general welfare of citizens. Increase in welfare – result of development of economy, a factor of growth of the consumer demand which stimulates development of an entrepreneurship and finally leads to increase in welfare of society in general. An object of research within article is the welfare as a target reference point of working of the state, and also welfare elements.*

**Keywords:** *welfare, welfare elements, social and economic inequality, activities of the state, social security, quality of life, standard of living, human development index.*

**УЎК: 316.334.2**

**Abdimalik IBRAGIMOV,**
*iqtisodiyot fanlari nomzodi, dotsent,*
*A.Avloniy nomidagi xalq ta'limi muammolarini o'rganish va istiqbollarini belgilash ilmiy-tadqiqot instituti bo'lim mudiri,*
**Ikrom MURADOV,**
*A.Avloniy nomidagi xalq ta'limi muammolarini o'rganish va istiqbollarini belgilash ilmiy-tadqiqot instituti kichik ilmiy xodimi,*
**E-mail: muradov_ikrom@mail.ru**

# Xorij tajribalari asosida O'zbekistonda pedagog kadrlar tayyorlashni takomillashtirish masalalari

**Kirish.** Jahonda inson omili va kapitali, qobiliyati va salohiyatidan innovatsiyalarni, raqamli boshqaruv tizimi va axborot kommunikatsiya vositalarini joriy qilish asosida samarali foydalanish keng tadbiq etilayotgan bugungi kunda, pedagog kadrlar tayyorlashdagi muammolar inson kapitali sifati o'sishining susayishiga sabab bo'lmoqda. Pedagogika oliygohi bitiruvchisi, nafaqat fuqarolarni bilimli qilib tayyorlash va mamlakat inson kapitalini shakllantirish, shu bilan birga mavjud o'qituvchilik qadriyatlarini asrab-avaylash, rivojlantirish va keyingi avlodga uzatishda ham muhim bo'g'in hisoblanadi.

Shu bilan birga ohirgi yillarda dunyoning qator mamlakatlarida (iqtisodiy taraqqiy etgan mamlakatlarda ham) ta'lim tizimining barcha bosqichlarida yuqori malakali pedagog kadrlar tanqisligi kuzatilmoqda. Respublikamizda ham kadrlar bo'shlig'ini to'ldirish, shu jumladan, umumta'lim maktablarida pedagog kadrlarga bo'lgan ehtiyojlarni qondirish ob'ektiv zarurat. Ushbu masalalarni hal qilish mexanizmlarini ilg'or horijiy tajribalar asosida ishlab chiqish zarurati tadqiqotning dolzarbligini belgilaydi va ushbu ishning tadqiqot mavzusi sifatida tanlanishiga asos bo'ldi.

Ta'limda ixtisoslashtirishning ilmiy asoslangan tizimi joriy qilinmaganligi, ta'lim tarmoqlarida moddiy-texnik va innovatsiya tizimining talab darajasida emasligi, oliy ma'lumotli professional pedagog kadrlar tayyorlaydigan Oliy ta'lim muassasalari (OTM)ning malaka oshirish va qayta tayyorlash muassasalari bilan integratsion munosabatlaridagi muayyan muammolarning yuzaga kelishi natijasida xalq ta'limi tizimida ayrim fanlar (boshlang'ich ta'lim, rus tili va adabiyoti, ingliz tili, matematika, informatika va axborot texnologiyalari, kimyo, fizika va astranomiya) bo'yicha o'qituvchilarga bo'lgan ehtiyoj qondirilmay qolmoqda.

**Adabiyotlar sharhi.** Pedagogik kadrlar tayyorlash va pedagogik faoliyat bilan bog'liq ta'limotlar eramizgacha yaratilgan asarlarda ham o'z aksini topgan va Sharqda zardushtiylik ta'limotining manbai "Avesto [1]" (eramizgacha I asr) da, Islom dinining muqaddas kitobi "Qur'oni Karim" (VII asr) va "Hadisi sharif" (Imom al-Buxoriy "Al-jome' as-sahih", IX asr) da, O'rta Osiyo uyg'onish davri mutafakkirlaridan Abu Nasr al-Farobiy ("Fozil odamlar shahri", 20-asrning 70-80-yillari), Abu Ali Ibn Sino ("Donishnoma", XI asr), Burxoniddin Zarnudjiy (Ta'lum al-Mutaalallim, XII asr,), Muslihiddin Sa'diy Sheroziy ("Bo'ston", 1257, "Guliston", 1258), Alisher Navoiy ("Mukammal asarlar to'plami" 20 jildlik [2], 1987-2003) larning badiiy – falsafiy asarlarida, G'arbda Qadimgi Yunoniston va Rimda Demokrit [3], Suqrot [4], Aflotun [5], Arastu [6], Mark Fabiy Kvintilian [7], Yan Amos Komenskiy [8], Adolf Distegverg [9] kabi buyuk faylasuf, pedagog, mutafakkirlarning ta'limotlarida, ma'rifiy-axloqiy asar tarzida maydonga kelib, pedagogik faoliyat va uning mazmuni to'g'risida qimmatli fikrlarni ifodalagan.

Shuningdek, ijtimoiy–iqtisodiy va madaniy hayot taraqqiyoti sharoitida pedagogik jarayonga "Onalar maktabi"(1632), "Buyuk didaktika" (Yan Amos Komenskiy, 1632), "O'qituvchilar uchun 33 qoida" (Adolf Disterverg, 1956), "O'qituvchiga ta'lim yo'lida o'quv qo'llanma"(1150), "O'rtoq, o'qituvchi, fan tanlash haqida"(1206) (Burhoniddin Zarnudjiy),

“Nozik iboralar” (Az-Zamaxshariy, 1992), “Qutadg‘u bilig” (Yusuf Xos Hojib, 1439) kabi pedagogik asarlar paydo bo‘lgan. Bu esa o‘z navbatida ijtimoiy-iqtisodiy hayotda diniy va dunyoviy bilimlarni o‘rgatuvchilarga qo‘llanma sifatida tavsiya etilgan. Natijada pedagogik faoliyat yuzaga kelgan.

Pedagoglar tayyorlash hamma davrda aniq tarixiy tavsifga ega va shunday bo‘lib qoladi. Keyingi davr Sharq va O‘rta Osiyo allomalari, ma’naviyat va ma’rifat darg‘alari pedagog kasbi mohiyati, uning ijtimoiy-iqtisodiy tavsifi to‘g‘risida qimmatli so‘zlarni aytganlar. Buni biz Abdulla Avloniy, Oybek, G‘afur G‘ulom, Abdullo Oripov va kenja avlod ta’limotida yaqqol ko‘ramiz.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 27-fevraldagi “Pedagogik ta’lim sohasini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-4623-son Qarorida [10] pedagogik ta’lim sohasini yanada takomillashtirish, zamonaviy bilim va pedagogik texnologiyalarni qo‘llash ko‘nikmalariga ega, mamlakatimizni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishda munosib hissa qo‘shuvchi yuqori malakali mutaxassislar tayyorlash uchun professional pedagog kadrlar yetkazib berish, sohaga ilg‘or ta’lim texnologiyalarini joriy qilish kerakliligi asosiy maqsad ekanligi qayd etilgan.

“2022-2026-yillarga mo‘ljallangan O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi”da [11] ham ushbu mavzu yuzasidan fikrlar yuritilib, bir qancha ustuvor vazifalar belgilab berilgan.

**Tahlil va natijalar muhokamasi.** Ushbu maqolada o‘qituvchilar uchun o‘quv, ijtimoiy va kasbiy qo‘llab-quvvatlash tizimini rivojlantirish istiqbollarini belgilashda mamlakatimiz uchun ham, umuman jahon hamjamiyati uchun ham katta qiziqish uyg‘otayotgan ayrim fanlar bo‘yicha o‘qituvchilarga bo‘lgan ehtiyojlarni o‘rganish asosida pedagog xodimlarni tayyorlash va ular bilan samarali ishlash tufayli yuqori pedagogik ta’lim jarayonlariga erishgan mamlakatlar tajribasi tahlil etiladi.

Ma’lumki, hozirgi kunda mamlakatimizda ta’lim tizimini, xususan, pedagogikani jamiyatning yangi talablariga muvofiq, tez o‘zgaruvchan ijtimoiy-iqtisodiy shart-sharoitlar, umuman ta’lim paradigmasining o‘zgarishi bilan isloh qilishga katta ahamiyat berilmoqda.

O‘zbekistonda salohiyatli pedagogik ta’lim tizimi azaldan mavjud. Shu bilan birga o‘zbek pedagogik ta’lim tizimining ijobiy jihatlaridan biri, O‘zbekiston iqtisodiyoti rivojlanayotgan va mehnat bozorining barqaror bo‘lmagan sharoitida pedagogika ta’lim yurti bitiruvchisi o‘z kasbi bo‘yicha faoliyat yuritmasa ham, shu diplom bilan boshqa sohada o‘z faoliyatini davom ettira olish imkoniyati kengligidir.

Chet el universitetlarida, shu jumladan, Amerika pedagogika oliy o‘quv yurtlari bitiruvchilarining tor doiradagi mutaxasislari mehnat bozori ehtiyojlari va o‘zgarishlariga moslashuvida hamda ayrim fanlar bo‘yicha o‘qituvchi-mutaxasislarni tayyorlashda muammolar paydo bo‘lmoqda. Shunga ko‘ra, O‘zbekistonda pedagogika ta’lim yurtlari bitiruvchilarining umumiy va kasbiy malakasi yuqoriligi o‘tish davri iqtisodiyoti uchun qulay bo‘ldi.

Yevropa mamlakatlarida maxsus pedagogika oliy ta’lim muassasalari yo‘q, biroq pedagogika institutlarini o‘z ichiga olgan yirik universitetlar faoliyat yuritadi. Yevropa standartlariga ko‘ra, ta’lim doirasida turli tarmoqlar va kasblar o‘rtasida harakatlanishga imkoniyat ko‘plab oliy o‘quv yurtidan keyingi ta’lim dasturlari orqali ta’minlanadi va ular bo‘lajak o‘qituvchiga yetarli darajadagi malaka beradi.

Finlyandiyaning o‘qituvchi-pedagoglar tayyorlash tizimi ko‘p mamlakatlar uchun na’muna bo‘lib xizmat qiladi. O‘tgan asrning oxirida o‘qituvchilar uchun magistratura darajasi minimal ta’lim me’yori deb belgilandi (shu jumladan, boshlang‘ich sinf o‘qituvchilari uchun ham), bu esa qaysidir darajada mamlakatdagi o‘qituvchilar hurmatini va ijtimoiy maqomini oshirish uchun muhim hissa qo‘shdi.

Finlyandiyada maktab o‘qituvchisi bo‘lish uchun juda qattiq tanlovdan o‘tish zarur: pedagogika mutaxassisliklarining eng yaxshi talaba-bitiruvchilari 12% atrofida maktablarga ishga olinadi. Finlyandiya ta’lim tizimining yana bir ijobiy jihati, kichik guruhlarda o‘qitishga ustuvorlik berilishi. Bu shubhasiz, ta’limning yuqori sifatda bo‘lishiga olib keladi. Mamlakatda maktab ta’limining muvaffaqiyati maktab o‘quvchilarini qo‘llab-quvvatlash tizimi bilan ham bog‘liq. Finlyandiyada jami iqtisodiyotda bandlar ulushida ijtimoiy ishchilar va psixologlar soni jihatidan, barcha Yevropa mamlakatlari orasida yetakchi o‘rinlardan birini egallaydi.

Buyuk Britaniyada ham o‘qituvchilarni tayyorlash va qayta tayyorlash tizimini takomillashtirish uchun qulay shart-sharoitlar yaratilgan. Malakali o‘qituvchi maqomini olish uchun muqobil ta’lim dasturlari ishlab chiqilgan va amalga oshirilmoqda. Bular maktab bazasida o‘qituvchilarni tayyorlash (School Centered Initial Teacher Training), “tezkor yo‘l” (The Fast Track Programs) deb ataluvchi dasturlar va boshqalardir.

Bugungi kunda ta'lim sohasida yetakchi o'rinni "aqlli maktablar, ziyoli millat" strategik dasturida o'z aksini topgan mavjud imkoniyatlarni amalga oshirish paradigmasiga ega bo'lgan Singapur egallaydi. Ushbu strategiyaning asosiy g'oyasi "umrbo'yi ta'lim" g'oyasi bo'lib, u bilan mamlakat kelajagi uzviy bog'liq. Singapurda Finlandiyadagi kabi o'qituvchilik kasbi ijodkorlik hisoblanib, o'qituvchi kasbi ijobiy va jamiyatda sharafli hisoblanadi, shuning uchun, o'qituvchi kasbiga talabgor nomzodlar eng yaxshi deb tan olinishi uchun yetarlicha uzoq va murakkab tanlov jarayonidan o'tadilar.

Xitoy dunyoda eng katta aholi soniga ega bo'lgan davlat bo'lganligi sababli ham hukumat qashshoqlikni kamaytirish maqsadida ta'lim tizimini rivojlantirish dasturini ishlab chiqqan. Olib borilgan islohotlar natijasida keyingi 10 yilliklarda Xitoy ta'lim tizimi katta yutuqlarga erishdi. XX asrning o'rtalariga qadar Xitoy iqtisodiyoti asosan qishloq xo'jaligiga ixtisoslashgan bo'lib, qo'l mehnatiga tayangan dehqonchilik bilan shug'ullanishgan. Aholining katta qismi qishloqlarda istiqomat qilgan va ta'limda ko'proq gumanitar fanlar falsafa, tarix va ijtimoiy sohalarga ustuvorlik berilgan.

Xitoy ta'lim tizimi asosan maktabgacha ta'lim, boshlang'ich ta'lim, o'rta ta'lim va oliy ta'limdan iborat. Xitoy Xalq Respublikasining "Majburiy ta'lim to'g'risida"gi qonunining qabul qilinishi barcha uchun majburiy o'rta ta'lim tizimini shakllantirdi. Yangi qonunga ko'ra 9 yillik ta'lim majburiy va bepul qilib belgilandi.

Xitoyda pedagogik ta'lim hozirda xalqaro darajaga etib bormoqda. Rossiya, Yaponiya va AQSh tajribasidan kelib chiqib, milliy an'analarning o'ziga xos xususiyatlarini hisobga olgan holda o'z tizimi yaratilmoqda. So'nggi o'n yilliklarda Xitoyda pedagogik kadrlar tayyorlash tizimning rivojlanishi boshqa mamlakatlarga nisbatan ancha tez va jadallashgan. Yo'naltiruvchi g'oyalardan biri kasbiy pedagogik kadrlar tayyorlashning iqtisodiyot va umuman jamiyat bilan aloqasini mustahkamlashga, urbanizatsiya va sanoatlashtirishga qaratildi. Mamlakatda pedagogik kadrlar tayyorlash ochiqligini oshirishga intilmoqda: mavjud ta'lim muassasalari negizida boshqa oliy o'quv yurtlari ishtirokidagi pedagogik ta'lim tizimi bosqichma-bosqich shakllanmoqda.



**2021-yilda Xitoyda ta'lim tizimini yanada isloh qilish rejalashtirilgan hamda quyidagi tamoyillar asosida amalga oshirilmoqda:** uzluksiz ta'limning mukammal tizimini yaratish, katta sonli aholini mehnat bozoriga tayyorlash uchun yuqori malakali pedagog kadrlarni tayyorlash, ta'lim va ilmiy-texnik yangiliklar o'rtasida uzviy bog'liqlikni shakllantirish, mamlakat tomonidan ta'lim tizimini modernizatsiya qilish uchun zarur intellektual qo'llab-quvvatlash.

Xitoy yoshlari uchun pedagogik oliy o'quv yurtlariga qabul qilishning jozibali jihatlaridan biri bepul ta'lim olishning joriy etilishi bo'ldi. Bu bepul ta'lim uchun talabalar OTMni bitirganidan so'ng qishloq maktablarida ikki yil davomida ishlab berishi kerak va keyin boshlang'ich yoki o'rta maktablarda yana o'n yil ishlashlari lozim. Biroq, bunday qat'iy sharoitlarning o'zi o'qituvchilik kasbini olishga bo'lgan qiziqishni oshirish uchun etarli emas. Shuning uchun o'qituvchilar uchun ijtimoiy imtiyozlar va ish haqini yuqori darajaga oshishi doimiy ko'zda tutilgan.

Tahlillar ko'rsatganidek, ko'pgina mamlakatlarda pedagog kadrlar tayyorlashning asosiy maqsadi o'z amaliyotini rivojlantirish va butun hayoti davomida mustaqil o'rganishga qodir bo'lgan o'qituvchini tayyorlashdir.

Amerika, Yevropa va Osiyoning bir qator mamlakatlarida pedagog kadrlar tayyorlashdagi umumiy tendensiya o'qituvchilik kasbining nufuzini oshirish, kasbiy malakali o'qituvchini ish bilan ta'minlash va saqlab qolish, kadrlar siyosatini takomillashtirish, o'qituvchilarni o'z ustida ishlashga jalb etish, professional jamoalarni, zamonaviy pedagogik texnologiyalarni rivojlantirish orqali kasbiy kompetentlikni oshirish bo'yicha sa'y-harakatlarni yo'naltirishdan iboratdir.

Angliya va AQSh universitetlarida bo'lajak o'qituvchilarni kasbiy tayyorlash tizimi ko'p darajali-bakalavr, magistraturadan iborat. Qozog'iston va

Rossiyada bakalavr, mutaxassis, magistr sifatida bo‘lajak o‘qituvchilarni kasbiy tayyorlash tizimi shakllangan. Ta’lim muddati 4 yildan 11 yilgacha belgilangan. Aksariyat o‘qituvchilar ta’lim sohasida gumanitar fanlar magistri yoki aniq fanlar magistri darajasi bilan universitetlarni bitirib chiqadilar. O‘rta hisobda ma’lum bir mutaxassislik bo‘yicha magistr darajasini olgan talabalar 4-5 yil davomida o‘qiydi. Hozirgi kunda Angliyadagi davlat maktablarida ta’limning barcha darajalarida (maktabgacha, boshlang‘ich, shu jumladan tayyorlov va o‘rta ta’lim sinflarida) dars berish uchun malakali o‘qituvchi maqomiga ega bo‘lish lozim.

O‘zbekistonda ta’lim tizimidagi islohotlarning navbatdagi bosqichi ilg‘or xorijiy tajriba asosida tor doiradagi mutaxasis-pedagoglarni tayyorlashga o‘tish hisoblanadi. Bu esa o‘z navbatida tayyorlanadigan pedagog kadrlarni har bir yo‘nalish bo‘yicha aniq ehtiyojlarni aniqlash asosida amalga oshirishni ob’ektiv zaruratga aylantiradi. I.D.Fruminning fikriga ko‘ra, xorijiy mamlakatlarning muvaffaqiyatli tajribasidan foydalanish yoki pedagogik kadrlar tayyorlash va malakasini oshirishning pedagogik tizimini rivojlantirishning o‘ziga xos usulini izlash kerak [12].

**Mamlakatdata’lim-tarbiyatiziminiyangibosqichga ko‘tarish, pedagog kadrlar tayyorlash sifatini ilg‘or xalqaro standartlar asosida takomillashtirish va oliy pedagogik ta’lim bilan qamrov darajasini oshirish zarurati quyidagi omillar bilan bog‘liq:**

- o‘rta hisobda yiliga 800 mingdan ortiq chaqaloq tug‘ilishi (kelajakda ularni sifatli ta’lim olish imkoniyatlarini kengaytirish uchun yil sayin umumta’lim maktablarida o‘quvchi o‘rinlarini kengaytirish hamda o‘qituvchilar sonini oshirib borishni taqozo qiladi [13] (1-2-rasmlar);
- innovatsion iqtisodiyotga o‘tish sharoitida mahalliy hamda jahon mehnat bozorida mutahassislarning malaka va ko‘nikmalariga bo‘lgan talablarining oshib borishi;
- so‘nggi yillarda jamiyatda o‘qituvchi kasbi obro‘sining pasayishi hamda o‘qituvchilikka nomzodlarning pasayish tendensiyasi;
- bugungi kunda umumta’lim maktablarida faoliyat yuritayotgan o‘qituvchilarning aksariyati bilim sifati va pedagogik mahorati zamon talabiga javob bermasligi.

Ushbu muammolarni hal qilish borasida sohada amalga oshirilayotgan islohotlar doirasida izchil chora-tadbirlar amalga oshirib kelinmoqda.

Jumladan, maktabgacha ta’lim qamrovining oshishi, 11 yillik umumiy o‘rta ta’lim tizimining qayta joriy qilinishi hamda oliy ma’lumotli kadrlar tayyorlash ko‘lamining kengayishi munosabati bilan yuqori malakali mutaxassislarga nisbatan yuzaga kelayotgan ehtiyojni o‘z vaqtida ta’minlash maqsadida so‘nggi yillarda pedagog kadrlar tayyorlashga ixtisoslashgan xorijiy va mahalliy oliy ta’lim muassasalari faoliyati kengaytirildi, mazkur ta’lim sohasi bo‘yicha xorijiy davlatlar bilan qo‘shma ta’lim dasturlari tashkil etildi.




**1-rasm. O’zbekiston Respublikasi umumta’lim muassasalari dinamikasi , dona**

**Manba:** *O‘zbekiston Respubliksi Davlat statistika qo‘mitasi ma’lumotlari asosida muallif ishlanmasi.*

Bugungi kunda umumiy o‘rta ta’lim maktablari soni 1990-1991-o‘quv yiliga nisbatan 1797 taga ko‘payib, 21,6 foizga oshgan.

Shundan, shahar joylardagi umumiy o‘rta ta’lim maktablari soni yillar davomida o‘sib borib, 1990-1991-o‘quv yiliga nisbatan 2188 taga ko‘payib, 1,3 barobar oshgan. Qishloq joylarda umumiy o‘rta ta’lim maktablari soni 5,1 foizga kamayish tendensiyasi urbanizatsiya jarayoni ta’sirida qishloqlarni shaharga aylantirilishi hisobiga sodir bo‘lgan.




**2-rasm. O’zbekiston Respublikasi umumta’lim muassasalari o’quvchilar soni xaqida ma’lumot, ming o‘quvchi**

**Manba:** *O‘zbekiston Respubliksi Davlat statistika qo‘mitasi ma’lumotlari asosida muallif ishlanmasi.*

O‘quvchilar soni dinamikasining tahlil natijalari shuni ko‘rsatmoqdaki, 2000-2001 o‘quv yiliga nisbatan 199 500 taga ko‘payib 3,3 foizga oshgan.

O‘zbekiston Respublikasida 2000-2001 o‘quv yilida 6 083 700 o‘quvchi ta’lim olgan bo‘lsa, 2010-2011 o‘quv yilida 4 695 300 o‘quvchi, 2020-2021 o‘quv yilida esa 6 283 200 nafar o‘quvchi ta’lim olgan. Tahlillar natijasiga ko‘ra, o‘n yil davomida o‘rtacha 19,3 foizga o‘quvchilar soni oshib borsa, 2030-yilga kelib O‘zbekiston Respublikasida o‘quvchilar soni 7 495 858 dan, ya’ni bir yilda 749 585 nafar o‘quvchidan oshib ketishi prognoz qilinmoqda.

Shuningdek, 2009-2010 o‘quv yilida o‘rtacha har bir maktabda 501 o‘quvchi o‘qigan bo‘lsa, 2019-2020 o‘quv yilida esa o‘rtacha har bir maktabda 611 nafar o‘quvchi ta’lim olgan. O‘tgan o‘n yil davomida maktab qurilishining orqada qolayotganligi sababli, har bir maktabga bir yilda qo‘shimcha ravishda o‘rtacha 110 o‘quvchi qabul qilishiga to‘g‘ri kelmoqda. Maktablarda o‘quvchilarni qabul qilish sig‘imi, har bir sinfdagi o‘quvchilar soni me’yori, maktablarning moddiy-texnika bazasi ta’minoti va holati, asosiy va qo‘shimcha o‘quv adabiyotlari bilan ta’minlanganligi, o‘tiladigan fanlarni malakali mutaxassis o‘qituvchilar bilan qamrab olinganligi kabi dolzarb masalalar ta’lim tizimining keyingi muammolari ekanligi ma’lum bo‘lib qolmoqda.




**3-rasm. O’zbekiston Respublikasi umumta’lim muassasalari o‘qituvchilari soni o‘sish dinamikasi, kishi**

**Manba:** *O‘zbekiston Respubliksi Davlat statistika qo‘mitasi ma’lumotlari asosida muallif ishlanmasi.*

Tahlil natijasi shuni ko‘rsatadiki, o‘qituvchilar soni 1990-1991 o‘quv yiliga nisbatan 142164 taga ko‘payib, 38,9% ga ortgan. Jumladan, shahar joylardagi o‘qituvchilar soni dinamikasiga qarasak, yillar davomida o‘sib borib, 1990-1991 o‘quv yiliga nisbatan 131 786 taga ko‘payib, 2,2 barobar oshgan. Qishloq joylardagi o‘qituvchilar soni dinamikasi yillar davomida beqaror bo‘lib, 1990-1991 o‘quv yiliga nisbatan 10 378 taga ko‘payib, 4,0% ga ortgan.

O‘qituvchilar son jihatdan ortgan bo‘lsada, biroq maktablar soniga nisbatan solishtirilganda 2016-2017 o‘quv yiligacha -6,2%ga pasayib ketgan. Ohirgi yillarda o‘qituvchilarning maktablarga qaytishi sabab ushbu ko‘rsatkich 15,2%ga oshgan. Bitta umumiy o‘rta ta’lim maktabiga to‘g‘ri keladigan o‘qituvchilar soni o‘rganilganda, o‘rtacha ko‘rsatkich 2016-2017 o‘quv yiligacha kamayib kelayotgan edi. Umumiy o‘rta ta’lim bosqichining 11 yillik bo‘lishi sababli ushbu o‘rtacha ko‘rsatkich 9 nafarga oshgan.

Tahlillar shuni ko‘rsatmoqdaki, shahar joylarda o‘qituvchilar soni 2,2 barobarga ortgan bo‘lsa, qishloq joylarda 4,0%ga oshgan xolos. Sababi yuqori bilimli kadrlar shahar joylarda qolishmoqda.




**4-rasm. Bir o‘qituvchiga to‘g‘ri keladigan o‘quvchilar soni dinamikasi, kishi**

**Manba:** *O‘zbekiston Respubliksi Davlat statistika qo‘mitasi ma’lumotlari asosida muallif ishlanmasi.*

Bitta o‘qituvchiga to‘g‘ri keladigan o‘quvchilar soni dinamikasi o‘rganilganda, o‘rtacha ko‘rsatkich 2010-2011 o‘quv yiligacha -2,4 nafargacha kamayib kelayotgan edi. 1 ta maktabga to‘g‘ri keladigan o‘qituvchi soni yillar mobaynida o‘sib borib 2016-2017 o‘quv yiliga nisbatan 9 nafarga ya’ni 22,0% ga oshgan.

Umumiy o‘rta ta’lim maktablariga o‘qituvchilarining qaytishi, so‘nggi yillarda mamlakatimizda ta’lim tizimida amalga oshirilayotgan islohotlar, ta’lim sohasining barcha bosqichlarini zamonaviy talablar asosida tashkil etish bo‘yicha amaliy ishlarning amalga oshirilishi, jumladan moddiy va ma’naviy rag‘batlantirishlarning muntazam ravishda oshib borayotganligi sababli ushbu o‘rtacha ko‘rsatkich oshib bormoqda.

Yuqorida keltirilgan holatlarni ob’ektiv baholash uchun TALIS-2018 tadqiqotining uslubiyati asosida O‘zbekistonda A.Avloniy nomidagi xalq ta’limi

muammolarini o‘rganish va istiqbollarini belgilash ilmiy-tadqiqot instituti rahbar va xodimlari tomonidan 2021-yilda ichki tadqiqotlar o‘tkazdi [14]. Tadqiqot namunasi mamlakatimizning 14 ta hududining 4000 umumiy ta’lim tashkilotlaridagi 12446 nafar respondentlardan so‘rovlar olingan bo‘lib, shundan 349 nafari maktab direktorlari, 1090 nafari direktor o‘rinbosarlari, 10544 nafari o‘qituvchilar va 463 nafari xalq ta’limi tizimidagi boshqa lavozimlarda ishlovchilardir. Tadqiqotlar xalq ta’limi tizimining 18 fanini o‘z ichiga olgan bo‘lib, “Ayrim fanlar bo‘yicha malakali o‘qituvchilarning yetishmasligi maktab direktori yoki o‘qituvchi sifatidagi samaradorligingizga qay darajada ta’sir qiladi?” degan savol bilan respondentlarga murojaat qilinganda, ta’siri yo‘q – 2340 (18,8%), ma’lum darajada ta’sir qiladi – 2885 (23,2%), sezilarli darajada ta’sir qiladi – 4676 (37,6%), yuqori darajada ta’sir qiladi – 2545 (20,4%) deb javob berishdi. Tahlillardan ma’lumki, ayrim fanlar bo‘yicha malakali o‘qituvchilarning yetishmasligi sezilarli darajada – 4676 (37,6%) maktab direktori yoki o‘qituvchi sifatidagi faoliyati samaradorligiga ta’sir qilar ekan.

Shuningdek, 2021-yil may-iyun oylarida ayrim fanlar (boshlang‘ich ta’lim, rus tili va adabiyoti, ingliz tili, matematika, informatika va axborot texnologiyalari, kimyo, fizika va astranomiya) bo‘yicha kadrlarga bo‘lgan ehtiyojlar o‘rganilganda shu jihat ma’lum bo‘ldiki, xalq ta’limi tizimidagi 5 ta hudud (Qoraqalpog‘iston Respublikasi, Buxoro, Farg‘ona, Navoiy viloyatlari va Toshkent shahri)da olib borilgan “umumiy o‘rta ta’lim muassasalarida faoliyat yuritayotgan o‘qituvchilar va mavjud ehtiyojlar” nomli tajriba-sinov natijasida umumiy 1354 nafar o‘qituvchiga bo‘lgan ehtiyoj aniqlangan. Ushbu ehtiyoj umumiy kadrlarga (5 ta hudud bo‘yicha) nisbatan 1,6% ni tashkil etadi.

Fanlar kesimida ehtiyojni tahlil qilsak, eng yuqori talab “Informatika va axborot texnologiyalari” (3,5%) va “Rus tili va adabiyoti” (3,4%) o‘qituvchilariga, eng quyi talab esa “Boshlang‘ich ta’lim” o‘qituvchilariga (0,4%) ekanligi ma’lum bo‘ldi.

Ushbu holatlarni bartaraf qilish maqsadida O‘zbekiston Respublikasi Xalq ta’limi vazirligi hamda Rossiya Federatsiyasi Maorif vazirligi o‘rtasida “O‘zbekiston Respublikasi maktablarida rus tili fanini va umumta’lim fanlarini rus tilida o‘qitish sifatini oshirish" loyihasi amalga oshirilishi belgilandi.

Mazkur loyiha doirasida O‘zbekistonda faoliyat olib boradigan A.I.Gersen nomidagi Rossiya davlat pedagogika universitetining mutaxassislari Respublikamizning barcha hududlariga taqsimlangan holda umumta’lim maktablarida rus tili fani va umumta’lim fanlarini rus tilida o‘qitish sifatini oshirish bo‘yicha mahalliy o‘qituvchilar bilan birgalikda faoliyat olib borishadi.

**Xulosa va takliflar.** Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, xalq ta’limi tizimida ayrim fanlar bo‘yicha o‘qituvchilarga bo‘lgan ehtiyojlarni o‘rganish asosida pedagog kadrlar buyurtmasini shakllantirish mexanizmlarini takomillashtirish asosida tarmoq samaradorligini oshirishda to‘planib qolgan yuqoridagi muammolarni hal etish bo‘yicha ilmiy jihatdan asoslangan va amaliy ahamiyatga molik bo‘lgan fikr mulohazalar, taklif va tavsiyalarni ishlab chiqish bugungi kunning eng dolzarb masalalaridan biri bo‘lib qoladi. Umumta’lim maktablarini ehtiyoj yuqori bo‘lgan fan o‘qituvchilari bilan ta’minlash uchun pedagogika yo‘nalishidagi OTMlar talaba va maktab o‘rtasida 3 tomonlama shartnoma asosida qabul kvotalarini shakllantirish zarur.

***Manba va adabiyotlar***

*1. Avesto. Asqar Mahkam o‘zbekcha tarjima. -T.:2001. 56-bet*

*2. https://n.ziyouz.com/kutubxona/durdona-to-plamlar/alisher-navoiy-mukammal-asarlar-to-plami-20-jildlik-1987-2003*

*3. F. K. Voros (1975) DEMOCRITUS’ EDUCATIONAL THOUGHT, Paedagogica Historica, 15:2, 457-470, DOI: 10.1080/0030923750150206*

*4. Brickhouse, Thomas C. (2000). The Philosophy of Socrates. Westview Press.*

*5. Lodge R. C. Plato's theory of education. – Routledge, 2014.*

*6. Arastu «Mantiq» eramizgacha 384-322 yy.*

*7. Arthur E. Walzer (2003) Quntilian's “Vir Bonus” and the stoic wise man, Rhetoric Society Quarterly, 33:4, 25-41, DOI: 10.1080/02773940309391266*

*8. Karimjonov A., Jabborova O. YAN AMOS KOMENSKY'S VIEWS ON EDUCATION //Ekonomika i sotsium. – 2021. – №. 5-2. – S. 977-983.*

*9. Zunnunov A. Pedagogika tarixi. «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi Bosh tahririyati, 2004-yil.*

*1. https://lex.uz/docs/-4749364*

*11. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-yanvardagi “2022-2026-yillarga mo‘ljallangan O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi Farmonida.*

*12. И.Д.Фрумин. За что в ответе? Компетентностный подход как эстественный этап обновления содержания образования. //Учительская газета. – 2002 – № 36 – С. 38–39.*

*13. www.stat.uz/rasmiy statitika/demography-2 (tug'ilganlar soni) O'zbekiston Respubliksi Davlat statistika qo'mitasining oxirgi 5 yildagi ma'lumotlari bo'yicha.*

*14. A.Radjiyev, F.Karimov, A.Ibragimov, M.Axmedov. TALIS-2018 xalqaro tadqiqotlari talablari asosida o'tkazilgan so'rovnoma va tadqiqotning hisoboti. TALIS-2023 xalqaro tadqiqotiga O'zbekistondagi maktab o'qituvchilari va direktorlarini tayyorlash. 1-qism. T.: 2021. 72 bet.*

## Xorij tajribalari asosida O'zbekistonda pedagog kadrlar tayyorlashni takomillashtirish masalalari

**Abdimalik Ibragimov,**
*iqtisodiyot fanlari nomzodi, dotsent,*
*A.Avloniy nomidagi xalq ta'limi muammolarini o'rganish va istiqbollarini belgilash ilmiy-tadqiqot instituti bo'lim mudiri,*
**Ikrom Muradov,**
*A.Avloniy nomidagi xalq ta'limi muammolarini o'rganish va istiqbollarini belgilash ilmiy-tadqiqot instituti kichik ilmiy xodimi*

**Annotatsiya:** *ushbu maqolada o'qituvchilar uchun o'quv, ijtimoiy va kasbiy qo'llab-quvvatlash tizimini rivojlantirish istiqbollarini belgilashda mamlakatimiz uchun ham, umuman jahon hamjamiyati uchun ham katta qiziqish uyg'otayotgan ayrim fanlar* bo'yicha o'qituvchilarga bo'lgan ehtiyojlarni o'rganish asosida pedagog xodimlarni tayyorlash va ular bilan samarali ishlash tufayli yuqori pedagogik ta'lim jarayonlariga erishgan mamlakatlar tajribasi tahlil etiladi.*

**Kalit so'zlar:** *pedagog kadr, sivilizatsiya, o'qituvchi, standartlar, ta'lim dasturlari, strategiya, tizim, tarkibiy o'zgarishlar, dolzarblik.*

## Вопросы совершенствования подготовки педагогов в Узбекистане на основе зарубежного опыта

**Абдималик Ибрагимов,**
*кандидат экономических наук, доцент,*
*Заведующий отделом научно-исследовательского института изучения проблем и перспектив народного образования им. А. Авлони,*
**Икром Мурадов,**
*младший научный сотрудник научно-исследовательского института изучения проблем и перспектив народного образования им. А. Авлони*

**Аннотация:** *в данной статье рассматривается потребность на учителей по некоторым дисциплинам, представляющим большой интерес как для нашей страны, так и для мирового сообщества в определении перспектив развития системы образовательной, социальной и профессиональной поддержки учителей. В исследовании анализируется опыт стран, добившихся высоких процессов педагогического образования за счет подготовки педагогических кадров и эффективной работы с ними.*

**Ключевые слова:** *педагогический коллектив, цивилизация, педагог, стандарты, образовательные программы, стратегия, система, структурные изменения, актуальность.*

## Issues of improving the training of teachers in Uzbekistan on the basis of foreign experience

**Abdimalik Ibragimov,**
*PhD (in Economics), docent,*
*Head of the Department of the Research Institute for the Study of Problems and Prospects of Public Education named after A. Avloni,*
**Ikrom Muradov,**
*Junior researcher of the Research Institute for the Study of Problems and Prospects of Public Education named after A. Avloni*

**Abstract:** *this article discusses the needs of teachers in some disciplines, which are of great interest for both our country and the world community in determining the prospects for the development of the system of educational, social and professional support for teachers. The study analyzes the experience of countries that have achieved high pedagogical education processes due to the training of pedagogical staff and effective work with them.*

**Keywords:** *pedagogical staff, civilization, teacher, standards, educational programs, strategy, system, structural changes, relevance.*

---

**Ayrim fanlar bu – boshlang'ich ta'lim, rus tili va adabiyoti, ingliz tili, matematika, informatika va axborot texnologiyalari, kimyo, fizika va astranomiya fanlari.*

**УЎК: 316.334.2**

**Шаҳзод ҲАМДАМОВ,**
*Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти таянч докторанти,*
**E-mail: ilhom_hamdamov@mail.ru**

# Камбағалликни қисқартиришда маҳаллаларда аёллар бандлигини таъминлашнинг янги механизмларини шакллантириш

**Кириш.** Ҳаммамизга маълумки, коронавирус пандемияси меҳнат бозорига, меҳнат муносабатлари ва аҳоли бандлигига кўмаклашишда ҳамда ташқи чегаралар ёпилиши муносабати билан ишсизларни айниқса, аёллар бандлигини таъминлаш бўйича кечиктириб бўлмас зарурий чоралар кўрилишини тақозо этди. Шундай экан, маҳаллаларда аёллар бандлигини таъминлаш ва уларнинг жамият ҳаётидаги ўрнини такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб масаласидир. Давлатимиз томонидан жамият ҳаётида аёллар мавқеини мустаҳкамлаш ва ижтимой қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-2660 сонли ижтимоийй кам таъминланган аёлларга моддий кўмак бериш кўзда тутилган қарори бу борада ташланган катта қадамлардан бири ҳисобланади. Мазкур қарорга асосан оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзанд(лар)ини тўлиқсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож хотин-қизларга ўз уйларига эга бўлишлари учун имтиёзли кредитлар бериш белгиланган. Демак, бу қарор ижросини таминлаш орқали эхтиёжманд хотин-қизларнинг энг асосий муаммолардан бири ҳал этилади. Навбатдаги масала бу – уларни иш билан таъминлаш масаласидир.

Ўзбекистон Республикаси бандлик ва мехнат муносабатлари вазирлиги маълумотларига асосан 2021 йилнинг январь-сентябрь ойларида меҳнат ресурслари сони 19,3 млн кишини ташкил этиб, 2020 йилнинг шу даврига нисбатан 1,1 фоизга ёки 201,4 минг кишига ошган.

Ишга муҳтож бўлганларнинг умумий сони 1,4 млн кишини, ишсизлик даражаси иқтисодий фаол аҳоли орасида 9,4 фоизни ташкил этди. 16-30 ёшгача бўлганлар орасида ишсизлик даражаси – 14,9 фоиз, аёллар орасида ишсизлик даражаси 12,8 фоиз бўлди[1].

Аёлларни иш билан банд қилиш масаласи замирида, биринчи навбатда, уларни ортиқча турмуш ташвишларидан озод қилиш масалалари ётади. Маълумки ўзбек халқи кўп фарзандли халқ ҳисобланади. Шундай экан, аксарият аёллар меҳнатга қобилиятли умрининг маълум қисмини бола тарбиясига бағишлайди. Айниқса кичик ёшдаги болаларга, яъни 1 ёшдан 7 ёшгача бўлган болаларга кўпроқ мехнат ва вақт сарфланади. Кўпчилик аёллар, айниқса қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи аёллар аксарият ҳолларда болалар тарбияси билан, баъзилари эса кексалар ёки беморларга ғамхўрлик қилиш билан чекланишади. Бу муаммоларнинг бир қанча сабабларини келтириб ўтамиз:

**биринчидан,** ўша ҳудудда давлат мактабгача таълим муассасасида болаларнинг қабул қилиш имконияти чекланганлиги;

**иккинчидан,** болаларнинг таълим ва сифатли озиқ-овқат билан таъминланаётганлигига ишончсизлик;

**учинчидан,** ҳудудларда хусусий мактабгача таълим муассасалари етарли эмаслиги ва мавжудларида эса тўловнинг давлат боғчаларидан бир неча баробар қимматлиги;

**тўртинчидан,** кексалар ёки беморларга вақтинчалик ғамхўрлик қилувчи нодавлат ташкилотларнинг мавжуд эмаслиги.

Демак, юқорида айтиб ўтилган муаммоларни қандай ҳал қилиш мумкин?

1 Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари.

Бир қатор ривожланган давлатлар тажрибасига кўра, меҳнатга лаёқатли аёлларни иш билан таъминлашнинг ўзига хос усуллари ишлаб чиқилган. Жумладан, жаҳоннинг етакчи олимлари томонидан “Аёлларнинг бандлигини таъминлашдан олдин уларни ортиқча турмуш ташвишларидан халос этиш зарур” деган ғоя илгари сурилган ва бу борадаги илк тажрибалар Аргентина, Бразилия, Боливия каби давлатлар мисолида ўрганилган. Кейинчалик Хитой Халқ Республикасида ҳам кенг ўрганилган ва ҳаётга тадбиқ этилган. Дунё олимларининг фикрича, аёлларни ортиқча турмуш ташвишларидан халос этишнинг энг самарали усули бу – давлат томонидан нодавлат ташкилотларнинг эркин фаолият юритишлари учун кенг имкониятлар яратишдир. Жумладан, ҳудудларда хусусий мактабгача таълим муассасалари сонини кўпайтириш, кексалар учун ижтимоий хизмат кўрсатиш марказлари, ногиронларга вақтинчалик ғамхўрлик қилувчи муассасалар фаолиятини ташкиллаштириш керак бўлади.

Бугунги кунда Республикамизда меҳнатга лаёқатли ёшдаги аёллар сони 9433 минг нафарни ташкил этмоқда. Яъни, бу кўрсаткич ичидан меҳнатга лаёқатсиз аёлларни чиқариб ҳисоблаганда умумий аҳолининг деярли 25 %ини ташкил этмоқда. Биргина шу кўрсаткичнинг ўзиёқ, меҳнатга лаёқатли ёшдаги аёлларнинг жамиятимиз, қолаверса, миллий иқтисодиётимиздаги ўрни нақадар муҳимлигини кўрсатиб беради. Қуйидаги жадвалда меҳнатга лаёқатли ёшдаги аёлларнинг сони йиллар кесимида келтириб ўтилган (1-жадвал1).

**1-жадвал.**

**Аҳолининг меҳнатга лаёқатли ёшдаги аёллар таркиби бўйича тақсимланиши**

| Жами | **2010** | **2015** | **2019** | **2020** | **2021** |
|---|---|---|---|---|---|
| **20-24** | 1 508 527 | 1 589 644 | 1 458 301 | 1 411 642 | 1 346 265 |
| **25-29** | 1 241 621 | 1 516 943 | 1 574 430 | 1 577 807 | 1 579 860 |
| **30-34** | 1 045 120 | 1 255 470 | 1 482 564 | 1 504 692 | 1 521 367 |
| **35-39** | 938 383 | 1 064 176 | 1 196 682 | 1 243 874 | 1 307 739 |
| **40-44** | 825 995 | 958 490 | 1 021 883 | 1 052 571 | 1 078 351 |
| **45-49** | 805 603 | 843 379 | 920 069 | 945 260 | 961 346 |
| **50-54** | 636 614 | 815 935 | 828 886 | 826 815 | 838 744 |
| **55-59** | 440 189 | 636 782 | 773 940 | 790 524 | 799 969 |
| Жами | **7 442 052** | **8 680 819** | **9 256 755** | **9 353 185** | **9 433 641** |

**Манба:** *Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.*

**2-жадвал**

**Меҳнатга лаёқатли ёшдаги аёлларнинг умумий аҳолига нисбатан улуши (фоизда)**




**Манба:** *Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан қайта ишланган.*

Юқоридаги жадвалларда меҳнатга лаёқатли ёшдаги аёллар сони ва уларнинг ўсиш кўрсаткичи келтириб ўтилган. Жадвал маълумотлари шуни кўрсатмоқдаки, ушбу тоифадага аёллар сони сўнгги ўн йилликда деярли ўзгаришсиз қолган. Демак, Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотларига кўра бугунги кунда меҳнатга лаёқатли ёшдаги аёлларнинг сони 14.7 фоиз этиб белгиланганлигини ҳисобга олсак, Республикамиз миқёсида деярли 1.4 млн аёл ишсиз эканлигини кўришимиз мумкин[2].

Бу кўрсаткичлар аёллар бандлигини оширишнинг нақадар аҳамиятли эканини келтириб чиқармоқда.

**Демак, бу муаммони қандай ҳал қилиш мумкин?**

Юқорида айтиб ўтганимиздек, аёлларни ортиқча турмуш ташвишларидан озод қилиш масаласи муаммонинг асосий ечимларидан биридир. Негаки, аёллар кун давомида кичик ёшдаги фарзандларига қараш, кекса ота-онаси ёки қайнона-қайнотасининг хизматини қилиш, ногирон ёки беморлари бор оилалардаги аёллар эса, бемор яқинларига ғамхўрлик қилиш масъулиятини зиммасига олиб юришади. Шунинг учун, уларни бу каби масъулиятдан озод қилиш учун давлат томонидан қуйидаги тадбирлар амалга оширилиши зарур.

Камбағалликни қисқартиришнинг ностандарт усулларидан бири бўлиб хизмат қилиши кўзда ту-

2 Ўзбекистон Республикаси бандлик ва мехнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари ва Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

тилган, кексалар учун ижтимоий хизмат кўрсатиш марказлари ташкил этишни тадбиқ этиш керак. Таклиф этилаётган кексалар учун ижтимоий хизмат кўрсатиш марказларида кексаларни вақтинчалик (яъни келини ёки қизи ишдан қайтгунига қадар) вақтини мазмунли ўтказиши учун барча шароитлар яратилади. Хусусан, сифатли нонушта ва тушлик, шахмат заллари, кутубхона, кино зали, ҳаммом, массажхона, кир ювиш хонаси ва албатта тиббий хизмат хоналари билан таъминланади. Табиийки, кексаларга хизмат кўрсатиш болаларга хизмат кўрсатишдан бир мунча қимматроққа тушиши мумкин. Бироқ, кексалар болалардан фарқли ўлароқ ўз даромад манбаларига эгадирлар ва кексаларда ижтимоий хизмат кўрсатиш марказлари учун тўловни пенсияларидан тўлаш имкони мавжуд. Бу тадбир орқали ҳам аёлларнинг икки томонлама муаммолари ечилади:

- аёллар учун янги иш ўринлари пайдо бўлади;
- кексаларга хизмат қилиш масъулияти қисқаради.

**3-жадвал**

**Аҳолининг ёши катталар таркиби тақсимланиши (киши)**

| Жами | 2010 | 2015 | 2019 | 2020 | 2021 |
|---|---|---|---|---|---|
| **60-64** | 465 667 | 814 101 | 1 067 433 | 1 148 734 | 1 226 095 |
| **65-69** | 345 010 | 428 067 | 670 718 | 726 291 | 762 473 |
| **70-74** | 360 463 | 290 080 | 310 630 | 359 506 | 468 735 |
| **75-79** | 208 723 | 270 106 | 249 254 | 216 230 | 246 064 |
| **80-84** | 141 831 | 126 568 | 156 913 | 172 456 | 148 712 |
| **85 ёш ва катталар** | 103 061 | 131 327 | 136 978 | 139 280 | 72 546 |
| **Жами** | **1 624 755** | **2 060 249** | **2 591 926** | **2 762 497** | **2 924 625** |

**Манба:** *Давлат сататистика қўмитаси маълумотлари.*

Юқоридаги жадвал маълумотларига асосан бугунги кунда 60 ёшдан катталар сони 2924625 нафарни ташкил этмоқда. Шу кўрсаткичнинг ўзиёқ юқоридаги таклифнинг аҳамиятини кўрсатиб беради. Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг маълумотларига кўра, бугунги кунда 2 870 862 нафар Ўзбекистон Республикаси фуқароси ёшга доир пенсия билан таъминланади. Демак, бу каби ижтимоий хизмат кўрсатиш марказларини ташкил этиш ва шунча одамга хизмат кўрсатиш учун банд қилинадиган меҳнат ресурсларининг ортиши миллий иқтисодиётимизга ҳам сезиларли фойда келтиради.

**Маълумот ўрнида, кексалар учун бундай ижтимоий хизмат кўрсатиш марказлари МДҲ давлатлари орасида ҳам оммалашиб бормоқда. Хусусан, Россия Федерациясида ва қўшни Қозоғистонда ҳам мавжуд. Айниқса Москва ва Алмати шаҳарларида сўнгги йилларда жуда оммалашиб бормоқда. Москвадаги ижтимоий хизмат кўрсатиш марказларидаги кексаларга жадвал бўйича хизмат кўрсатилади. Масалан, кексалар вақтларини қуйидаги график асосида мароқли ўтказишлари белгиланган. Жумладан:**

- Эрталаб кўзлар учун гимнастика;
- Машқлар билан даволаш;
- Бассейн;
- Китоб ўқиш ва стол ўйинлари;
- Тушликдан кейин эса каштадўзлик ва тўқувчилик тўгаракларига ташриф буюриш;
- Концертлар;
- Спорт мусобақаларида иштирок этиш;
- Тоза ҳавода сайр қилиш ва доривор ўсимликларни кузатиш ёки экскурсияга бориш.

Москвадаги ижтимоий хизмат кўрсатиш марказлари асосан эрталаб 9:00 дан 20:00га қадар бир ойда 22 иш кунида фаолият юритишади. Бундан ташқари, кексалар ушбу марказларда кунлик иссиқ овқат билан таъминланади. Шу билан бирга кексалар маданий тадбирларга ташриф буюришади. Хусусан, концертлар, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, полиция ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармалари, ижроия ҳокимияти, маданият арбоблари билан маърузалар ташкил этилади. Москва шаҳридаги музей ва монастирларга бепул экскурсиялар уюштирилади ва ҳар деярли хар куни марказда концертлар, танловлар ва викториналар уюштирилади.



**Москвадаги «Марьино» ижтимоий хизмат кўрсатиш марказидан фото лавҳалар**

Демак, агар ҳудудларда ҳудди шундай нодавлат ижтимоий ҳизмат кўрсатиш марказлари ташкил этилса, уларнинг хизмат кўрсатиш механизми ва самарадорлиги қандай бўлиши ва энг асосийси ҳудудларда аёллар бандлигини оширишга қанчалик таъсир этиши қуйида кўрсатиб ўтилган.

**4-жадвал**

**Кексаларга ижтимоий хизмат кўрсатиш марказининг қишлоқ шароитида умумий хизмат кўрсатиш самарадорлигининг тахминий ҳисоби**

| Бир ойда битта марказ бўйича | | | | |
|---|---|---|---|---|
| **Хизмат тури** | **Ишчилар сони** | **Ишчиларнинг жинси** | **Ойлиги (сўмда)** | **Умумий сўммаси (сўмда)** |
| Ошпаз | 1 та | Аёл | 1200000 | 1200000 |
| Ошпаз ёрдамчиси | 2та | Аёл | 800000 | 1600000 |
| Врач ёки фельдшер | 1 та | Эркак/Аёл | 2000000 | 2000000 |
| Ҳамшира | 2 та | Аёл | 800000 | 1600000 |
| Спорт мураббийи | 1 та | Эркак/Аёл | 600000 | 600000 |
| Ҳисобчи | 1 та | Эркак/Аёл | 1000000 | 1000000 |
| Қоровул | 2та | Эркак | 800000 | 800000 |
| Фаррош | 2та | Аёл | 500000 | 1000000 |
| Жами: | **12** | **-** | **-** | **9 800 000** |

Юқоридаги жадвалда кексаларга ижтимоий хизмат кўрсатиш марказининг қишлоқ шароитида умумий хизмат кўрсатиш самарадорлиги тахминий ҳисоблаб чиқилди. Лекин, жадвалда белгиланган ишчиларнинг сони ва маоши ҳудудлардаги яшаш қиймати ва шароитига қараб ўзгариши мумкин. Демак, жадвалдаги ҳисоб китобларга кўра битта ҳудди шундай ижтимоий хизмат кўрсатиш марказини ташкил этиш орқали камида 12 кишилик янги иш ўрни яратилади (шундан камида 7 тадан 10 тагача аёллар).

Агар бир туман доирасида шундай марказлардан тахминан 40 та ташкил этилса, Республика бўйича тахминий ишчилар сони қуйидагича кўриниш олиши мумкин.

**5-жадвал**

**Республика бўйича яратиладиган тахминий янги иш ўринлари сони**

| Битта марказдаги ишчилар сони | Битта тумандаги марказлар сони | Битта тумандаги ишчилар сони | Республикадаги туманлар сони | Республика бўйича яратиладиган янги иш ўринлари |
|---|---|---|---|---|
| 12 та | 40 та | 480 та | 157 та | 75360 та |

Кексалар учун мазкур ижтимоий хизмат кўрсатиш марказлари жамиятнинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётидаги янги истиқболли йўналиш ҳисобланади.

Шу сабабдан, агар Республикамиз миқёсида амалга ошириш тўғри йўлга қўйиладиган бўлса, юқоридаги жадвалда кўрсатиб ўтилганидек камида 75 мингдан зиёдроқ янги иш ўринлари яратилади.

**Мазкур марказларни ташкил этиш нафақат аёллар бандлигини оширишга, балки кексаларнинг ҳаётига қуйидагича таъсир кўрсатиши кўзда тутилган:**

*биринчидан,* оиладаги аёлларга қарамлик камаяди ва уларнинг ишлаш учун имконияти ортади;

*иккинчидан,* кексаларнинг турмуш фаровонлиги ортади;

*учинчидан,* кексаларнинг соғлиги доимий назорат остида бўлади;

*тўртинчидан,* кексаларнинг ўртача умр кўриш имконияти ортади;

*бешинчидан,* кекса тенгкурлар орасида оқибат мустахкамланади ва ҳоказо.

Шунингдек бундай ижтимоий хизмат кўрсатиш марказлари орқали кексаларга хизмат кўрсатиш механизми қуйидагича ташкил этилади.

**6-жадвал**

**Ижтимоий хизмат кўрсатиш марказлари мижозларига яратилиши керак бўлган шароитлар ва хизматлар**

**Ижтимоий хизмат кўрсатиш марказлари мижозлари учун**




**Манба:** *муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.*

**Табиийки савол туғилади, бундай марказларни ташкил этиш тадбиркорга қандай даромад келтиради?!**

Бундай марказлар ҳудди болалар боғчалари каби пуллик хизмат кўрсатишини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги жадвалда мазкур ижтимоий хизмат кўрсатувчи марказ ташкил этмоқчи бўлган тадбиркорнинг тахминий даромади ҳисоблаб чиқилган.

**7-жадвал**

**Ижтимоий хизмат кўрсатувчи марказ ташкил этмоқчи бўлган тадбиркорнинг тахминий даромади**

| Ўртача битта марказдаги кексалар сони | Ўртача битта марказдаги бир ойлик кексаларга хизмат кўрсатиш нархи (сўмда) | Ўртача ойлик тушум (сўмда) | Ўртача тадбиркор томонидан жами талаб қилинадиган харажат (сўмда) | Ўртача тадбиркорнинг ойлик даромади (сўмда) |
|---|---|---|---|---|
| **50 та** | **600 000** | **30 000 000** | **20 000 000** | **10 000 000** |

***Манба:*** *муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.*

Демак, битта тадбиркор битта шундай марказни ишга тушириш орқали ойлик 10 млн сўм соф фойда олиши мумкин. Хизмат кўрсатиш кўлами ошгани сари тадбиркорнинг даромади ҳам ошиши мумкин. Бундан ташқари, хизмат кўрсатиш нархи ҳудуддаги яшаш қиймати ва шароитига қараб ўзгариши мумкин.

**Хулоса ва таклифлар.** Хулоса қилиб айтганда, таклиф этилаётган ижтимоий хизмат кўрсатиш марказлари ташкил этилиши, бир томондан аёллар бандлигининг ошишида муҳим роль ўйнаса, бошқа томондан кексаларнинг турмуш фаровонлигининг юксалиши ва узоқ умр кўриш имкониятларини кенгайтиради. Хусусан, аёллар бандлигини шакллантиришнинг янги механизмларини шакллантириш бевосита маҳаллаларда камбағаллик даражасининг қисқаришига сезиларли таъсир кўрсатиши сабабли бу борада амалга оширилаётган амалий тадбирлар ва ёндашувларнинг нечоғлик аҳамиятли эканини кўрсатиб беради. Шу жумладан, маҳаллаларда аёллар бандлигини таъминлашда Давлат-хусусий шериклик механизмини такомиллаштириш катта самара бериши кутилмоқда. Бундан ташқари, маҳаллаларда аёллар бандлигини таъминлашнинг янги механизмларини шакллантириш учун қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди.

**Биринчидан,** хусусий мактабгача таълим муассасаларини ташкил этиш механизмини такомиллаштириш ва мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шерикчиликни қўллаб-қувватлаш орқали мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини янада кенгайтириш ҳамда болаларнинг мактабгача таълим билан кенгроқ қамраб олиниш замирида аёлларни турмуш ташвишларидан бироз халос қилиш;

**Иккинчидан,** кексалар учун ижтимоий хизмат кўрсатиш марказлари  ташкил этиш орқали жамиятнинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётида янги истиқболли йўналиш очиш;

**Учинчидан,** ногирони ёки бемори бор оилалар аъзоларига вақтинчалик ғамхўрлик қилиш орқали хизмат кўрсатувчи муассасалар ташкил этиш;

**Тўртинчидан,** томорқа хўжалигини ташкил этиш ва ундан фойдаланиш механизмини такомиллаштириш орқали аёллар банлигига кўмаклашиш;

**Бешинчидан,** маҳаллардаги меҳнатга лаёқатли аёлларнинг умумий ижтимоий-иқтисодий портретини шакллантириш;

**Олтинчидан,** аёлларни касбга ўқитиш, салоҳиятини юксалтириш ва иш билан таъминлаш механизмларини тизимли ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади.





*Манба ва адабиётлар*

*1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 08.05.2019 йилдаги ПҚ-4312 сонли қарори.*

*2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мактабгача таълим соҳасида Давлат-хусусий шерикликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 30.01.2020 йил ПҚ-4581 сонли қарори.*

*3. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари.*

*4. Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.*

*5. Мактабгача таълим вазирлигининг маълумотлари.*

*6. Юлдуз Ходжаева “Мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шериклик фаолиятини жорий этиш механизмлари”. Тошкент “Зилол булоқ” нашриёти 2021 йил.*

*7. https://regnum.ru*

## Камбағалликни қисқартиришда маҳаллаларда аёллар бандлигини таъминлашнинг янги механизмларини шакллантириш

**Шаҳзод Ҳамдамов,**
*Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти таянч докторанти*

**Аннотация:** *мақолада маҳаллаларда аёллар бандлигини таъминлашнинг янги механизмларини шакллантириш орқали Республикамиз миқёсида камбағалликни қисқартириш йўллари очиб берилган. Шунингдек, ушбу мақолада мамлакатимиздаги аёллар бандлигининг умумий ҳолати, аёллар орасида ишсизлик даражаси ва аёлларни иш билан банд қилиш масаласи замирида, биринчи навбатда, уларни ортиқча турмуш ташвишларидан озод қилиш масалалари таҳлил қилинган. Бундан ташқари, камбағалликни қисқартиришнинг ностандарт усулларидан бири - кексалар учун ижтимоий хизмат кўрсатиш марказларини ташкил этиш ва бу орқали маҳаллаларда аёллар бандлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини ишлаб чиқиш юзасидан таклиф ва тавсиялар берилган.*

**Калит сўзлар:** *камбағаллик, аёллар бандлиги, ишсизлик, камбағалликни қисқартириш, ижтимоий хизмат кўрсатиш марказлари, ишсизлик даражаси.*

## Формирование новых механизмов обеспечения занятости женщин махаллях для снижения бедности

**Шахзод Хамдамов,**
*базовый докторант Института прогнозирования и макроэкономических исследований*

**Аннотация:** *в статье раскрыты пути снижения бедности за счет формирования новых механизмов занятости женщин в Республике, а также анализируется общая ситуация занятости женщин в стране, уровень безработицы среди женщин и проблемы занятости женщин. Внесены предложения и рекомендации по созданию центров социальных услуг для пожилых людей, разработка организационно-экономических механизмов, что является одним из нестандартных способов сокращения бедности, а также для увеличения занятости женщин в махаллях.*

**Ключевые слова:** *бедность, занятость женщин, безработица, сокращение бедности, центры социального обслуживания, уровень безработицы.*

## Formation of new mechanisms to provide women's employment in community to reduce poverty

**Shahzod Hamdamov,**
*doctoral student, Institute for Forecasting and Macroeconomic Research*

**Abstract:** *the article reveals ways to reduce poverty in the country through the formation of a new mechanism for women's employment in the community. The article also analyzes the general situation of women's employment in the country, the level of unemployment among women and the issue of women's employment, primarily to free them from the worries of excessive life. In addition, suggestions and recommendations were made on the establishment of social service centers for the elderly, one of the non-standard ways to reduce poverty, and thus the development of organizational and economic mechanisms to increase women's employment in the community.*

**Keywords:** *poverty, women's employment, unemployment, poverty reduction, social service centers, unemployment rate.*

УЎК: 331.5:314 (575.1)

**Муҳаббат АХМЕДОВА,**
*Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти катта илмий ходими,*
**E-mail: amuhabbat@inbox.ru**

# Ёшларнинг меҳнат бозорида иштирок этишига таъсир этувчи омилларни аниқлаш (Жиззах вилояти мисолида)

**Кириш.** Ёшлар орасида ишсизликнинг кучайиши бугунги кундаги дунё меҳнат бозорининг асосий муаммоларидан бири бўлиб келмоқда. 15 ёшдан 24 ёшгача бўлган ишсиз ёшлар сони сўнгги ўн йил ичида барқарор ўсиб бормоқда. Дунёдаги барча ишсизларнинг ярмини ёшлар ташкил этади. Бу тенденция, айниқса, меҳнат ресурсларининг катта қисмини ёшлар ташкил этувчи мамлакатларда яққол кўзга ташланади. Ёшлар меҳнат бозорига киришда турли қийинчиликларга дуч келишади. Бунинг асосий сабабларидан бири уларда касбий тажрибанинг етишмаслиги ва олаётган билимларининг сифати пастлиги ҳисобланади. Ўзбекистонда аҳоли бандлигини таъминлаш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш устувор вазифалардан бирига айланган. Бунда асосий урғу ёшлар ва аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларни барқарор иш ўринлари билан таъминлашга қаратилган.

Бугунги кунда республика аҳолисининг 18%ини 15-29 ёшдагилар ташкил этади, уларнинг 41,6%и аёллар. Бутун дунёда бўлгани каби, Ўзбекистонда ҳам ёшлар орасидаги ишсизлик даражаси умумий ишсизлик даражасига нисбатан анча юқори. Хусусан 2021 йилда ушбу кўрсаткич 17,1% ни ташкил этган (умумий ишсизлик даражаси 9,2%). Шу сабаб ёшларнинг иқтидорини намоён этиш, уларни қайта касб-ҳунарга ўқитиш, ёшлар орасида тадбиркорлик фаолиятини кенг ривожлантириш ва бандлигини таъминлаш масаласи жуда долзарб бўлиб қолмоқда.

**Асосий қисм.** 2021 йилда Жиззах вилоятида жами 1,4 миллион аҳоли истиқомат қилган, улардан 43,7%и иқтисодий фаол аҳоли, бандлик даражаси 90%, бандларнинг 47,6%и норасмий секторда ишлайди, хорижда ишлаётганлар сони 37,8 минг кишини ташкил этади.

**Жиззах вилояти аҳолисининг 2,8%ини (378 мингта) 16-30 ёшлилар ташкил этади. Сўровномада иштирок этган ёшларнинг оилавий ҳолати бўйича тақсимланиши қуйидагича:**

- 54,6% ни турмуш қурмаганлар;
- 43,9% ни оилалилар;
- 1,5% ни ажрашганлар ташкил этади.

Сўровда иштирок этган ёшларнинг катта қисми, яъни 53%ни ўрта-махсус ва бор йўғи 7,4%ни олий маълумотга эга бўлганлар ташкил этди. Аёл ва эркаклар орасидаги таълим даражаси бўйича озроқ фарқлар мавжуд (1-расм). Олий маълумотли эркаклар сони аёлларга нисбатан анча кўпроқ, лекин ўрта-махсус касб ҳунарга эга бўлган аёллар улуши эркакларникидан юқорироқ.

**Бугунги кунда республика аҳолисининг 18%ини 15-29 ёшдагилар ташкил этади, уларнинг 41,6%и аёллар. Бутун дунёда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам ёшлар орасидаги ишсизлик даражаси умумий ишсизлик даражасига нисбатан анча юқори. Хусусан 2021 йилда ушбу кўрсаткич 17,1% ни ташкил этган (умумий ишсизлик даражаси 9,2%).**




**1-расм. Жиззах вилояти туманларида 16-30 ёшлиларнинг маълумот даражаси (сўровнома натижалари, декабр 2021 йил)**

**Манба:** *муаллиф томонидан ўрганилган сўровнома натижалари.*

Иш билан банд бўлганлар. Сўровда қатнашган ёшларнинг 42,6%и иқтисодиётда банд, уларнинг катта қисми қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва саноатга тўғри келади (2-расм). Рақамлаштириш шароитида муҳим ўрин тутувчи алоқа ва ахборот тизимида бор йўғи 1%, меҳнат унумдорлиги паст ва норасмий бандлик ривожланган тармоқларда (улгуржи ва чакана савдо, умумий овқатланиш хизматлари) 9% ёшлар банд. Эркакларнинг катта қисми қишлоқ хўжалиги (22,1%) ва бошқарув тизимида (20,0%), аёллар эса асосан енгил саноатда (26,9%) ва таълимда (23,8%) меҳнат қилади (2-расм).




**2-расм. Иқтисодиётда банд бўлганларнинг тармоқлар кесимида тақсимланиши (сўровнома натижалари, декабр 2021 йил)**

**Манба:** *муаллиф томонидан ўрганилган сўровнома натижалари.*

Сўровномада иштирок этган ёшларнинг маълумот даражасига қараб олаётган маошларининг тақсимоти қуйидаги хулосаларни кўрсатди: олий маълумотга эга бўлган ёшларнинг 22,2% ҳар ой 1,5 миллионгача, 54,4% – 1,5-3 миллионгача ва 24,4% – 3 миллиондан ошиқ даромад топадилар (3-расм).

**Маълумот учун:**
*Корреляцион таҳлил* натижаларига кўра таълим даражаси ва даромадлар орасидаги боғлиқлик **0,34** га тенг бўлиб, ўзаро боғлиқлик даражаси юқори.




**3-расм. Сўровда иштирок этганларнинг маълумот даражаси бўйича олаётган маоши (сўровнома натижалари, декабр 2021 йил)**

**Манба:** *муаллиф томонидан ўрганилган сўровнома натижалари.*

**Ишсизлар.** Сўровнома натижаларига кўра Жиззах вилояти бўйича ёшлар орасидаги ишсизлик даражаси 17,6% ни ташкил этди, шундан 9,1% расмий ишсиз, 2,9% ўз ихтиёрига кўра ишламайди, қолганлари уй бекаси, 3 ёшгача бола парвариши билан банд ва бошқалар, яъни иқтисодий нофаол аҳоли. Жами ишсиз ёшларнинг 84,5%и фаол иш қидирмоқдаман деб жавоб берган, 90,1% иш топилса, дарҳол ишлашни бошлашини билдирган. Ишламаслик сабаблари сўралганда 59,2% иш ўринлари йўқлиги, 11,3% иш хақи пастлиги, 7,1% соғлиғи тўғри келмаслиги, 7,1 уй ишлари (томорқа) билан банд эканлигини таъкидлаган. Шунингдек аёллар орасида иш тажрибаси етмаслиги, касбга эга эмаслиги ва турмуш ўртоғи рухсат бермаслиги (7,7%) ҳам ишсизлик сабабларидан эканлиги маълум бўлди (4-расм).

**Кўникмалар.** Сўровномада қатнашган ишсиз ёшлар орасида бор йўғи 38.8% (28 та) маълум бир кўникмаларга эга. Жумладан, қурувчилик 35,7%, тикувчилик 14,3%, деҳқончилик 10,7% ва транспортни бошқариш кўникмаларига 10,7% ёшлар эга.




**Расм-4. Ишсизлар орасида ишламасликнинг асосий сабаблари (сўровнома натижалари, декабр 2021 йил)**

**Манба:** *муаллиф томонидан ўрганилган сўровнома натижалари.*

Маҳалла аҳолисини касб-ҳунарга ўқитиш масканлари билан бир қаторда “Ишга марҳамат” мономарказлари, “Касб-ҳунарга ўқитиш марказлари”да ишсиз фуқароларни замонавий касб-ҳунар ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиш ишлари амалга оширилмоқда. Жиззах вилоятида 1 та "Ишга марҳамат" моно маркази, 2 та касб-ҳунарга ўқитиш маркази ва 5 та туманда касб-ҳунарга ўқитиш масканлари ташкил этилган. Лекин шунга қарамай, ёшлар орасида касбий малакаларга эга бўлганлар сони жуда кам. Бундан кўриниб турибдики, ушбу ўқув марказларининг фаолияти қониқарли эмас. Бунинг асосий сабаби, ўқув масканлари аҳоли турар жойларидан йироқда жойлашган, ёшлар орасида ўқув масканлари ҳақида маълумотлар етарли эмас, меҳнат бозорини чуқур ўрганмаган ҳолда курсларни ташкил этилишида (яъни талаб кам бўлган ўқув курслари ташкил этилган).

**Эмпирик таҳлил.** Сўровнома натижалари асосида Жиззах вилояти мисолида ёшларнинг меҳнат бозорида иштирок этишига таъсир қилувчи омилларнинг эмпирик таҳлили қилинди, яъни, таълим даражаси, ёши, жинси, оилавий аҳволи, маоши, уй хўжалигининг фаровонлик даражаси, иш тажрибаси, шаҳар ёки қишлоқда истиқомат қилиши Жиззах ёшларининг ишлаш ёки ишламаслигига қанчалик кучли таъсир қилиши (Логит модели ёрдамида[1]) баҳоланди (4-илова). Моделнинг тенгламаси қуйидагича кўринишга эга:

$$P\,(бандлик = 1|\,x) = \beta 0 + \beta 1 \cdot ёшлар + \beta \cdot x'$$

**1-жадвал**

**Логит модели натижалари**

| **Ўзгарувчилар** | **16-30 ёшлилар орасида ишлаш ёки ишламаслик тенгламаси** | **шу жумладан** | | **Умумий ишлаш ёки ишламаслик тенгламаси** |
|---|---|---|---|---|
| | | **аёллар орасида** | **эркаклар орасида** | |
| Респондентларнинг жинси | - 1.27*** | - | - | - 1.40*** |
| Ёши | 0.24*** | 0.15*** | - | - 0.009*** |
| Маълумот даражаси | 0.21** | 0.41** | 0.60*** | 0.31*** |
| Оилавий аҳволи | - 1.099*** | - 1.75*** | - | 0.24** |
| Уй хўжалигининг фаровонлик даражаси | - | - | - | 1.07*** |
| Иш тажрибаси | - | - | 0.27** | - |
| Шаҳар ёки қишлоқда истиқомат қилиши | - | - | - | - 0.18** |
| *Константа* | - 4.33 | - 5.13 | 7.27 | 2.18 |
| *Кузатувлар сони* | 711 | 341 | 198 | 2090 |
| ***, **, *** – статистик аҳамиятга эгалик 1, 5, 10%** | | | | |

Омилларни тенгламаларга қўйишдан аввал улар орасидаги корреляция коэффициентлари аниқланди (3-илова). Модел натижаларига кўра Жиззах вилояти мисолида ёшларнинг меҳнат бозорида иштирок этишига уларнинг ёши, жинси, таълим даражаси, иш тажрибаси ва оилавий аҳволи таъсир қилиши аниқланди. Айтиб ўтиш жоизки, ёшларнинг меҳнат бозорида иштирок этишига қишлоқ ёки шаҳарда истиқомат қилиши таъсир кўрсатмасада, умумий бандлар орасида ушбу кўрсаткичнинг таъсири борлиги аниқланди.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, ёш аёлларнинг меҳнат бозорида иштирок этиш эҳтимоли улар турмушга чиққан бўлса камаяр экан. Ўзбекистонда аёллар учун бу табиий ҳол бўлиб, оила курган аёллар турмушиниг дастлабки 4 йили мобайнида меҳнат бозоридан чиқиб кетиш эҳтимоли юқори. Шунингдек, ёшларнинг маълумот дараж а-

1. Логит модели эконометрик модел бўлиб, уни таҳлил қилиш учун одатий регрессия таҳлил усуллари қўлланилмайди. Унинг фарқи шундаки, унда таъсир қилувчи ўзгарувчи фақат чекланган миқдордаги қийматларни қабул қилиши мумкин, энг оддий ҳолатда, 0 ёки 1.

си ҳам уларнинг меҳнат бозорида иштирок этишига таъсир қилиши исботланди, ёш эркаклар учун бу омилнинг таъсири аёлларникига нисбатан бир оз юқори. Учинчи таъсир этувчи омил – респондентларнинг ёши, яъни ёш ўтган сари иш топиш эҳтимоли пасаяр экан. Ёш эркакларнинг меҳнат бозорида иштирок этишига уларнинг иш тажрибаси ҳам ижобий таъсир қилиши аниқланди, шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, ушбу омил умумий бандликка ва ёш аёллар бандлигига таъсир қилмас экан.

**Маълумот учун:** Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти томонидан олиб борилган социологик тадқиқот натижаларига кўра ОТМни тугатиб ишга кираётган ёш мутахассисларнинг касбий тайёргарлик даражаси, малака ва кўникмаси иш берувчиларни қониқтирмайди. Иш берувчиларнинг 61,2%и битирувчиларнинг касбий тайёргарлик даражасидан қисман қониқишини маълум қилган.

Шундай қилиб, олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра Жиззах вилояти мисолида ёшларнинг меҳнат бозорида иштирок этишига таъсир қилувчи энг биринчи омил уларнинг маълумот даражаси, кейингилари оилавий аҳволи, ёши, жинси, иш тажрибаси эканлиги маълум бўлди. Ушбу таҳлил натижалари ёшлар бандлигини оширишга қаратилган сиёсатни такомиллаштириш бўйича муҳим хулоса бўлиб хизмат қилади. Буларни эътиборга олган ҳолда ёшлар орасида ишсизлик даражасини пасайтириш мақсадида сифатли таълим олиш ва иш тажрибасига эга бўлишлари учун зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқиш талаб этилади.

**Хулоса ва таклифлар.**

**Юқорида келтирилган хулосаларга асосланиб Жиззах вилоятида ишсиз ёшларни иш билан таъминлаш бўйича қуйидаги чора-тадбирлар таклиф этилади:**

узоқ қишлоқ ҳудудларда янги иш ўринлари ташкил этиш учун имтиёзлар бериш, яъни янги иш ўринлари ташкил этаётган тадбиркорлар учун солиқлар ва кредитлар бўйича имтиёзлар бериш (мисол учун янги иш ўрни ташкил этган тадбиркорни маълум муддатга ер ёки мол-мулк солиғидан озод этиш);

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан ҳар ой меҳнат бозорида талаб юқори бўлган кадрларни аниқлаш бўйича иш берувчилар ора-



сида сўровнома ўтказиш, сўровнома натижаларини кенг оммага тақдим этиш ва ушбу ҳисоботлар натижалари асосида қисқа ва узоқ муддатли прогнозларни ишлаб чиқиш;

**Маълумот учун:** Миллий иқтисодиётнинг меҳнат ресурсларига бўлган эҳтиёжларини прогнозлашда хорижий тажрибада бир қатор усуллар қўлланилади: АҚШ, Австралия, Германияда норматив-ҳуқуқий усул (технологик); иш берувчилар орасида сўровнома ўтказиш усули; меҳнат бозорида талаб этиладиган янги компетенцияларни ҳисобга олувчи миқдорий усул; Финляндияда эса бандлик барометри ва иш берувчилар билан суҳбат асосида қисқа муддатли прогнозлаштириш усули.

“Ишга марҳамат” мономарказлари ҳамда касб-ҳунарга ўқитиш марказларининг фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш, мазкур марказлар битирувчилари бандлиги таъминлангани юзасидан тизимли мониторинг олиб боришни тўлиқ рақамлаштириш;

Ёшлар орасида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш мақсадида, уларга берилаётган кредитлар бўйича енгилликлар киритиш (кредит олиш талабларини енгиллаштириш, имтиёзларни кенгайтириш) ва вилоятда фаолият кўрсатаётган етук тадбиркорларни ёшлар учун тренинглар ташкил этишга жалб этиш, ушбу тренингларда фаол иштирок этган тадбиркорларга солиқлар бўйича имтиёзлар бериш;

Олий ўқув юртлари ва ўқув муассасаларида “Касб марказлари” ни ташкил этиш, талабаларга мавжуд бўш иш ўринлари ҳақида маълумотлар бериш ва илғор хорижий тажриба асосида резюмеларни сифатли тўлдириш ва иш берувчилар билан интервьюларда ўзини тутиш бўйича психологик дарсларни ташкиллаштириш;

**Маълумот учун:** Канадада ҳар бир коллежда ва университетда Карьера марказлари фаолият олиб боради. Улар ўз ўрнида талабаларнинг ихтисослигидан келиб чиққан ҳолда ўқиш давомида амалиёт ва стажировкаларни ташкиллаштирадилар. Карьера марказлари доимий равишда ташкилотларнинг бўш иш ўринлари бўйича ярмаркалар ташкил этади. Шунингдек, ушбу марказлар талаба битирувидан сўнг энг қисқа вақт ичида иш топиши учун Канада стандартларига мувофиқ резюме ёзиш ва бошқа тегишли ёрдам кўрсатади.

Ишсиз фуқаролар, айниқса, ёшлар, хотин-қизлар, хориждан қайтиб келган меҳнат мигрантларини маҳалла даражасида касб-ҳунарга, тадбиркорликка ўқитиш кўламини кенгайтириш, ўқитиш масканларини зарурий жиҳозлар билан таъминлаш;

Мавжуд бўш иш ўринлари тўғрисидаги маълумотларни ахборот воситалари, ҳамда ижтимоий тармоқлар орқали оммага тарқатиб бориш тизимини жорий этиш, ҳар бир маҳалла ва туманлар кесимида бўш иш ўринлари ярмаркаларини ҳар ой ташкиллаштириш;

**Маълумот учун:** Жахон Банкининг Ўзбекистонда олиб борган “Ўзбекистонда ёшлар бандлиги: имкониятлар ва қийинчиликлар” мавзусидаги тадқиқот натижаларига кўра фокус-гуруҳ муҳокамаларида қатнашган ёшлар орасида бор йўғи 2-3 киши mehnat.uz портали ҳақида маълумотга эга. Суҳбатда иштирок этган мутахассисларнинг фикрига кўра, сайт машҳур эмас, чунки у асосан кам маошли лавозимлар учун бўш иш ўринларини эълон қилади; шунингдек, сайтда қишлоқ жойлардаги бўш иш ўринлари умуман кўрсатилмайди, ва энг асосийси сайтдаги бўш иш ўринларининг асосий қисми олий маълумот талаб этади. Сайтда рўйхатдан ўтиш мураккаб ва барча шахсий маълумотларни талаб этади.

Туманлар ва маҳаллалар кесимида аёллар орасида рақамлаштириш саводхонлигини ошириш мақсадида курслар ташкил этиш, курсларда иш ўринлари қидириш ва масофадан туриб ишлашни ўргатиш бўйича дарслар ташкил этиш;

Республикада мавжуд бўш иш ўринлари ҳақида маълумотлар берувчи ягона вакансиялар базасини яратиш тавсия этилади, ва базани янгилаб бориш тизими камида 1 кунда 1 маротаба амалга оширилиши керак (Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг вакансиялар базаси 1 ойда бир маротаба янгиланади);

Вилоятдаги мавжуд йирик корхоналар базасида оралиқ ва ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича кичик корхоналар ташкил этиш, шунингдек, маҳаллаларни жалб этган ҳолда аёллар учун уй меҳнатини ривожлантириш мақсадида йирик корхоналар билан шартномалар тузиш тизимини такомиллаштириш (бунда зарур жиҳозлар билан таъминлаш йирик корхона ёки маҳаллалар томонидан амалга оширилиши зарур);

Меҳнат қонунчилигининг мослашувчанлигини ошириш мақсадида комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда ёшларни ишга қабул қилиш, ва ишдан бўшатиш тартибларини соддалаштириш;

Бандликни таъминлашга мўлжалланган давлат дастурларида бола парвариши билан уйда ўтир-

ган аёллар ва уй бекалари учун масофадан туриб ишлаш тизими асосида янги иш ўринлар яратишни жадаллаштириш, касбга ўргатиш ҳамда иш берувчилар учун ушбу аёлларни ишга жалб қилишда рағбатлантириш учун чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

Ёшлар орасида рақамлаштириш саводхонлигини ривожлантириш мақсадида мактабларда бошланғич синфлардан бошлаб информатика дарсларини киритиш, ҳамда информатика дарслари соатларини кўпайтириш ва мактаблар қошида текин курслар ташкил этиш;

Мактабгача таълим тизимида ва мактабларда когнитив ва нокогнитив кўникмаларни ривожлантирувчи фанларни жорий этиш.

***Манба ва адабиётлар***

*1. 2020 йилда ёшлар бандлигининг глобал тенденциялари ХМТ, манба: https://www.ilo.org/moscow/news/WCMS_738382/lang--ru/index.htm;*

*1. “Африкадаги ёшлар ишсизлигига таъсир этувчи муаммолар” Уилм Баах-Боатен, Гана Университети, The Economic and Labour Relations Review 1–19 © The Author(s) 2016.*

*2. “Ўзбекистонда нобарқарор бандлик: тенденциялар, муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари” БМТТД 2018 йил, Тошкент;*

*3. ХМТ: мисли кўрилмаган инқироздан қутулиш меҳнат бозори беқарор ва нотекис бўлиши мумкин, манба: https://reliefweb.int/sites/reliefweb.int/files/resources/ILO%20Monitor%20%20COVID19%20and%20the%20world%20of%20work.%20Seventh%20edition%20%5BRU%5D.pdf.*

**Ёшларнинг меҳнат бозорида иштирок этишига таъсир этувчи омилларни аниқлаш (Жиззах вилояти мисолида)**

**Муҳаббат Ахмедова,**
*Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти катта илмий ходими*

**Аннотация:** *ушбу тадқиқотда Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти (ПМТИ) томонидан Жиззах вилоятида олиб борилган сўровнома натижалари таҳлили амалга оширилган. Шунингдек ушбу сўровнома натижасида вилоят мисолида ёшларнинг меҳнат бозорида иштирок этиш ва этмаслигига таъсир этувчи омиллар логит модели ёрдамида аниқланган, олинган тадқиқот натижалари асосида ёшлар орасида ишсизлик даражасини камайтириш ва уларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш бўйича хулоса ва таклифлар тайёрланган.*

**Калит сўзлар:** *ёшлар, меҳнат бозоридаги иштирок, таъсир этувчи омиллар, иш ўринлари, таълим даражаси, логит модели.*

**Оценка факторов влияющих на участие молодежи на рынке труда (на примере Джизакской области)**

**Мухаббат Ахмедова,**
*Старший научный сотрудник Института прогнозирования и макроэкономических исследований*

**Аннотация:** *в статье проанализированы результаты опроса проведенный экспертами ИПМИ в Джизакской области. В ходе исследования также выявлены факторы, влияющие на участие молодежи на рынке труда на примере региона с использованием логит модели, по результатам исследования подготовлены выводы и рекомендации по снижению безработицы среди молодежи и повышению ее экономической активности.*

**Ключевые слова:** *молодежь, участие на рынке труда, влияющие факторы, рабочие места, уровень образования, логит модель.*

**Identification of factors influencing youth participation in the labor market (on the example of Jizzakh region)**

**Mukhabbat Akhmedova,**
*Senior researcher of the Institute of forecasting and macroeconomic research*

**Abstract:** *the analysis of the results of a survey conducted by IFMR in Jizzakh region. The survey also identified the factors influencing the participation of young people in the labor market on the example of the region using the logit model, based on the results of the study prepared conclusions and recommendations to reduce unemployment among young people and increase their economic activity.*

**Keywords:** *youth, labor market participation, influencing factors, jobs, education level, logit model.*

**УЎК: 331.005.6**

**Дилафруз ҚУРБОНОВА,**
*Тошкентдаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти катта ўқитувчиси,*
**E-mail: dkurbonova@mdis.uz**

# Ходимларни рағбатлантиришнинг илғор хорижий мамлакатлар тажрибаси

**Кириш.** Замонавий менежмент тизимида ходимларни рағбатлантириш бошқарув жараёнидаги энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Албатта, ҳар бир менежер ходимларни рағбатлантиришнинг ўзига хос усулини танлайди: кимдир ходимларни рағбатлантиради, кимдир эса қамчи билан қўрқитади. Замонавий ишчини бошқаришнинг энг яхши воситаси нима: ишдан бўшатиш ёки иш ҳақини камайтириш билан таҳдид қилиб, уни рағбатлантириш ёки доимий равишда ушлаб туришми? Ушбу саволга жавобни мотивациянинг мазмун-моҳиятини ва қўлланиладиган дастакларини кенг тадқиқ этибгина бериш мумкин.

Мотивациянинг моҳиятига назар ташлайдиган бўлсак, замонавий маънода мотивация – бу ходимларни ўз хизмат вазифаларини энг самарали, виждонли ва фаол бажаришга ундайдиган шарт-шароитлар яратишга, шунингдек, бу ҳаракатларни етарли даражада рағбатлантиришга (баъзи ҳолларда, танқид қилишга) қаратилган чора-тадбирлар тизими.

**Мотивация** – бу одамни ўз мақсадларига эришиш учун ҳаракат қилишга ундайдиган ички ва ташқи ҳаракатлантирувчи кучлар (мотивлар) мажмуи [1].

**Мотивация** – бу ҳаракатлантирувчи куч, одамнинг бирор нарсага интилиши. Замонавий иқтисодий амалиётда мотивация, одатда, ички ва ташқи кабиларга бўлинади.

**Ички мотивация** – бу одамларга таъсир кўрсатадиган, ўзларини қандайдир йўл тутишга ёки маълум бир йўналишда ҳаракат қилишга мажбурлайдиган ўз-ўзидан яратилган омиллар. Ички мотивация анча мураккаб жараён бўлиб, у шахснинг мотивацион тузилишини шакллантиришни ўз ичига олади. Бундай ҳолда, ходимнинг шахсий фазилатларини кучайтириш ва салбий омилларни сусайтиришнинг психологик усулини топиш керак, масалан, ишнинг монотонлигини пасайтириш ва бошқалар.

**Ташқи мотивация** – бу одамларни рағбатлантириш учун қилинган хатти-ҳаракат ва чора-тадбирлар. Бундай мотивация билан менежер маълум бир ходимни ишни самарали ва ўз вақтида бажаришга нима ундаши мумкинлигини билиши керак: бу оддий иш ҳақи ёки мукофот, оддий мақтов ёки бошқа турдаги маънавий рағбатлантириш бўлиши мумкин.

Ишлаб чиқариш фаолиятида ҳар икки турдаги мотивация ҳам ўзаро таъсир қилади. Ички мотивация асосан ишнинг мазмуни ёки аҳамияти билан белгиланади. Агар бу иш ходимни қизиқтирса, унинг табиий қобилияти ва мойиллигини рўёбга чиқаришга имкон берса, демак, бу ўз -ўзидан фаол меҳнат фаолияти учун энг кучли мотивдир. Шу билан бирга, муҳим ички сабаб, одамнинг муайян фазилатларини ривожлантириш учун ишнинг аҳамияти, шунингдек, ушбу турдаги фаолиятнинг профессионал ишчилар гуруҳи учун фойдалилиги ва бошқалар бўлиши мумкин.

Ходимларни рағбатлантириш жараёнида, одатда, корхона раҳбарияти унинг иккита асосий йўналишига мурожаат қилишади: моддий ва номоддий. Масаланинг моддий томони ҳамма учун аниқ, менежерларнинг аксарияти хато қилиб, буни асосий нарса деб ҳисоблайдилар (яхши маош, мукофот тўлаш ёки сотиш фоизи), аммо ходим ўз иши учун муносиб иш ҳақини эмас, балки қулай иш муҳитини ҳам кутади. Қулай иш шароитларини яратиш корхона раҳбариятининг ўз ходимлари олдидаги ижтимоий масъулияти ҳисобланади

Хорижий ривожланган мамлакатларда малакали ходимни ушлаб туриш ва уни рағбатлантириш мақсадида жуда кўплаб мотивация воситалари қўлланиладики, уларни маълум гуруҳларга ажратган ҳолда ўрганиш талаб этилади.

Муаллиф томонидан мотивациянинг назарий ва амалий жиҳатлари тадқиқ этилиши натижасида мотивациянинг АҚШ ва Япония моделлари фарқланди ва қиёсий таҳлил қилинди. Ушбу моделларни ўрганиш ва қиёсий таҳлил қилиш мамлакатимиз бошқарув соҳасида хорижий мамлакатларнинг энг самарали мотивация моделини қўллаш имкониятини беради. Шу сабабдан ҳам ушбу мавзу долзарб бўлиб, мамлакатимизда кам ўрганилган янги йўналишнинг ривожланишига имконият яратади.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.** Мотивация назариясини тадқиқ этиш бошқарув назарияси билан боғлиқ бўлиб, иқтисодчилар ва руҳшунослар томонидан кенг таҳлилларга сабаб бўлган, бугунги кунда ҳам мунозалар марказида бўлган иқтисодий-психологик мавзудир.

Dale H. Schunk, Maria K. DiBenedetto фикрига кўра, мотивацион жараёнлар - бу шахсий, ички таъсирлар бўлиб, улар танлов, ҳаракат, қатъиятлилик, ютуқ ва атроф -муҳитни тартибга солиш каби натижаларга олиб келади. Мотивация - бу ижтимоий когнитив назариянинг муҳим хусусияти бўлиб, моделлаштиришнинг дастлабки тадқиқотларидан тортиб, замонавий иштирокчи тушунчаларига қадар бўлган даврни ўз ичига олади. Асосий ички мотивацион жараёнлар-бу мақсадлар ва тараққиётни ўзини-ўзи баҳолаш, ижтимоий таққослаш, қадриятлар, кутилган натижалар, атрибутия ва ўз-ўзини бошқариш. Назария дуч келадиган муҳим муаммоларга хилма-хиллик ва маданият, методология ва аралашувларнинг узоқ муддатли таъсири киради [2].

David W. Shwalb, Barbara J. Shwalb, Delwyn L. Harnisch, Martin L. Maehr, Kiyoshi Akabane томонидан олиб борилган тадқиқотларда япониялик ва америкалик ишчилар ўзларини қандай идрок этишлари ўрганилиб, уларни маълум ишга ундайдиган ички ва ташқи омиллар таҳлил қилинади [3].

Никитина В.В. фикрига кўра, мотивацияни қисмларга ажратмаслик керак, чунки унинг моддий ва номоддий компонентлари ҳар доим ягона комплексни ташкил қилади, унинг амалий қўлланилиши компанияга дарҳол ижобий натижалар беради. Бундан ташқари, Ғарбнинг энг яхши раҳбарлари тажрибаси шуни кўрсатадики, ўз қўл остидагилар олдига вазифалар қўйиб, уларни бажаришга ҳар қандай йўл билан эришганлар эмас, балки ходимларни қизиқтириш, ёқиш, компаниянинг топшириқларини бажаришга илҳомлантира оладиганлар муваффақият қозонади [4].

Юқоридан кўриниб турибдики, мотивация назарияси ва амалиёти юзасидан чексиз фикр ва мулоҳазаларни келтириш мумкин. Аммо ушбу фикр-мулоҳаза ва амалиётни қиёслаш, таҳлил қилиш уларнинг қайси бири самарали эканини кўрсатишда аҳамиятли ҳисобланади.

**Тадқиқот методологияси**. Хорижий мамлакатларда ходимларни рағбатлантиришнинг тажрибасини тадқиқ этиш жараёнида назарий тадқиқотлардан илмий абстракциялаш, индукция ва дедукция усуллари қўлланилди.

Илмий мақоланинг асосини амалий таҳлиллар ташкил этганлиги сабабли анализ, синтез ва АҚШ, Японияда ходимларни рағбатлантириш тизимини қиёслаш учун қиёсий таҳлил усулидан фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар.** АҚШ замонавий бошқарув назариясининг ватани бўлиб, ходимларни рағбатлантириш тизимида ҳам ўз мактабига эга. **Жумладан:**

1. Америка бошқаруви шахсга ишчи кучи сифатида ёндашиш, индивидуализмга урғу бериш, расмий ваколатларга асосланган индивидуал қарорлар қабул қилиш ва қисқа муддатли ёллаш билан тавсифланади.
2. Америка бошқарув тизими ходимларни тезкор баҳолаш ва рағбатлантириш, фаолиятнинг ихтисослашуви, ходимларни баҳолашнинг расмий, миқдорий усуллари билан ажралиб туради.
3. Шахс ташкилот мақсадларига эришиш воситаларидан бири сифатида қаралади. Унинг шахсий мақсадлари эътиборга олинмайди.
4. АҚШда ташкилот фаолиятининг мақсадларини амалга оширишнинг асосий стратегик воситаси - моддий манфаатдорлик, шунингдек, кучлиларнинг ғалабасига олиб келадиган рақобатдир.
5. Америкалик ишчилар ўз меҳнатини ҳақ эвазига сотадиган тизимга ўрганиб қолган.

Қўшма Штатларда меҳнатни рағбатлантириш самарасини оширишга ёрдам берадиган асосий дастурлар қуйидагилардир:

1. Ишчиларни ишлаб чиқаришни бошқаришга жалб қилишга қаратилган дастурлар (иштирокчилик бошқаруви).

2. Кадрлар малакасини ошириш дастурлари.

3. Меҳнат жараёнининг ўзини реконструкция қилиш учун мўлжалланган дастурлар (масъулиятлар мажмуасини кенгайтириш, ишчиларнинг ишлаб чиқариш ротацияси ва бошқалар).

4. Маънавий ва моддий рағбатлантириш усуллари ва бошқалар.

XX асрнинг 70-йилларидаёқ, АҚШнинг Рочестер университетидан Эдвард Деси бир қатор тажрибаларда узоқ муддатли мажбурият фақат ички мотивларни келтириб чиқарадиган шарт-шароитларни яратиш орқали ривожланишини кўрсатди. У бир ишга чинакам садоқат бу ишнинг инкор этиб бўлмайдиган аҳамиятига ишонишга боғлиқлигини исботлайди.

Ушбу тамойилларга амал қилган ҳолда, Қўшма Штатлардаги намунали компаниялар меҳнат фаоллигини ошириш ва ходимларнинг меҳнатга бўлган қизиқишини ошириш учун шарт-шароитларни мақсадли равишда яратади, ўз ходимлари учун меҳнатнинг ўзига хос қиймат хусусиятларида ички мотивация манбасини очади.

Америка компанияларида меҳнат мотивациясини кучайтириш иш ҳақининг ҳам молиявий, ҳам номолиявий усулларига асосланади.

Сўнгги йилларда Америка корпорацияларида иш ҳақини тўлаш тизими (PFP) кенг тарқалди, бу ҳар қандай иш ҳақи усулларидан фойдаланишни назарда тутади, бунда ходим томонидан олинадиган иш ҳақи уларнинг фаолиятидаги индивидуал ва гуруҳ фарқларига боғлиқ. Бу мослашувчан иш ҳақи тизимларида, ўзгарувчан иш ҳақи тизимларида ва бошқаларда ифодаланади (1-расм).




**1-расм. Pay for Performance тизими дастаклари**

**Мослашувчан иш ҳақи схемалари қуйидагиларни ўз ичига олади:**

**1. Комиссиялар.** Ушбу схеманинг моҳияти шундан иборатки, ходим харидорлар ундан товар сотиб олаётганда унга тўлайдиган суммаларнинг маълум фоизини олади. Комиссиялар асосий иш ҳақи билан биргаликда ёки ундан мустақил равишда ишлатилиши мумкин.

2. Белгиланган мақсадларга эришиш учун **нақд пул тўловлари** (улардан Америка компанияларининг 61% гача фойдаланилади). Ушбу тўловлар бонусларга мос келади ва ходим олдиндан белгиланган муайян мезонларга (иқтисодий кўрсаткичлар, сифат кўрсаткичлари, бошқа ходимлар томонидан ходимларни баҳолаш) жавоб берганда амалга оширилади.

3. Ходимнинг қадр-қимматини эътироф этиш учун **махсус индивидуал мукофотлар** (ходимларга жорий даврда корхоналар учун зудлик билан зарур бўлган кўникмаларни ўзлаштирганликлари учун тўланадиган махсус бонуслар; компаниянинг "юлдузлари" учун бонуслар; кетиши исталмаган ходимлар учун бонуслар ва бошқалар).

**4. Фойда тақсимоти дастурлари** ҳам кенг тарқалган бўлиб, унда ходимлар компания фойдасининг маълум фоизини ишни аъло даражада бажарганликлари учун индивидуал мукофотлар шаклида ёки барча ходимлар ўртасида тақсимланган фойда шаклида оладилар.

**5. Акциялар ва уларни сотиб олиш имкониятлари.** Бундай ҳолда, ишчилар "нақд" пулни олмайдилар. Компания уларга фақат маълум миқдордаги акцияларни текин олиш имкониятини ёки имтиёзли шартларда акциялар пакетини сотиб олиш ҳуқуқини беради.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, Pay for Performance тизимининг афзалликлари кўпроқ, чунки одатий Pay for Performance дастури ташкилотнинг унумдорлигини 5-49% га, ходимларнинг даромадларини эса 3-29% га оширади.

Сўнгги пайтларда Америка компанияларида рағбатлантириш сифатида "хизматлар тўплами" дан фойдаланиш тенденцияси кузатилди. Бундай ҳолда, ходим маълум миқдордаги мукофотлар, ўзи учун устувор бўлган рағбатлантириш шаклларини танлаш имкониятига эга бўлади [5].

Тадқиқотларга кўра, АҚШ компанияларида 29 фоиз ишчилар ўз иш берувчилари билан чуқур алоқани ҳис қилишади.

**Ёндашувлар тубдан фарқ қиладиган Япония корхоналарида ходимларни рағбатлантириш қуйидаги тизимга эга:**

1. Японияда менежмент амалиёти шахсга йўналтирилган ёндашув билан ажралиб туради. Японялик ишчини индивидуал ишлаши билан эмас, балки унинг жамоа ишига ва корпорациянинг умумий маҳсулдорлигига қўшган ҳиссаси билан баҳолайдилар.

2. Коллектив қарор қабул қилиш (тўлиқ ҳамкорлик, коллективизм). Япония компаниялари эҳтиёткорлик билан ўз ходимларини танлаб, функционал гуруҳларга жалб қиладилар. Бу бир -бири билан максимал таъсир ўтказишни таъминлайди ва натижада энг юқори сифатли иш натижасига олиб келади.

3. Узоқ муддатли (умрбод) бандликни амалга ошириш Япония компанияларининг асосий фарқловчи хусусияти.

4. Япония ташкилоти ҳам босқичма-босқич, секин баҳоланиши ва юксалиши, ходимлар фаолиятини назорат қилишнинг норасмий нозик механизмлари ва ходимларнинг чуқур ихтисослашувининг йўқлиги билан ажралиб туради.

5. Японияда ишлаш мақсадларини амалга оширишнинг асосий стратегик воситаси ташкилот ходимларининг содиқлиги ва бирлиги, уларнинг яқин ва узлуксиз ҳамкорлиги ҳисобланади [6].

Айнан япон бошқарув усуллари “Япония иқтисодий мўъжизаси”нинг энг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. У қуйидаги учта тамойилга асосланади: умрбод ишга қабул қилиш, иш ҳақи ва иш стажининг лавозим кўтарилишидаги асосий ўрни, фирма ичидаги касаба уюшмалари (ёки сифат тўгараклари). Ушбу тизимнинг пайдо бўлишининг аниқ вақти маълум эмас. Баъзи тадқиқотчилар буни Таисе даврининг охирида (1912-1926) ишчилар ҳаракатининг кучайиши даврида пайдо бўлган деб ҳисоблашса, бошқалари эса Иккинчи Жаҳон уруши даврида, давлат томонидан қаттиқ назорат остида бўлган уруш иқтисодиёти шароитида шаклланган деб таъкидлайдилар.

Ҳозирги вақтда кўпчилик мутахассислар умрбод меҳнат амалиёти ва иш стажи тамойили ниҳоят XX асрнинг 50-йиллари бошларида, урушдан кейинги ривожланиш суръатлари бошланишидан олдин кенг тарқалди, деган фикрни илгари суради.

Америка Қўшма Штатларида япон компанияларининг асосий афзалликлари ходимларни бошқариш тизимлари ва усулларида, фирмаларнинг муваффақиятли ишлаши учун уларнинг инсон ресурсларининг алоҳида аҳамиятини англашда эканлиги эътироф этилган. Юқорида тавсифланган учта усулдан ташқари, бир қатор бошқа механизмлар мавжуд.

Кўпгина тадқиқотчиларнинг фикрича, нафақат япон менежерларининг маҳорати япон компанияларида ходимларни бошқаришда, балки японларнинг табиий мероси бўлган фазилатлар ҳам намоён бўлади. Р. Паскал ва А. Атҳос "Япон бошқаруви санъати" китобида шундай ёзади: "Кадрлар сиёсати, инсонлар ва инсонлар гуруҳлари билан ишлаш қобилияти бизникидан тубдан фарқ қиладиган тизимга асосланади. Японлар ўзларини кўпроқ ўзаро боғлиқ деб билишади. Шунинг учун улар ишчиларнинг такомиллашиб бориши ва бир-бирлари билан самарали ишлаш қобилиятини ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатларни амалга оширишга доим тайёр бўлади” [7].

Японияда гуруҳ психологияси устунлик қилади. Японлар ўрнатилган гуруҳ муносабатларини сақлаб қолиш учун ҳар томонлама ҳаракат қилиб, гуруҳга жалб қилинади. Барқарор гуруҳлар психологияси япон корхонасида барча ҳаракатларнинг асосий ҳал қилувчи омилидир. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, жамиятда гуруҳ руҳиятининг ривожланиши мустақил шахснинг шаклланишига тўсқинлик қилади. Шу сабабдан ҳам, мустақил фикрлаш ва хулқатвор психологияси Японияда ривожланмаган.

**Японияда иш ҳақининг тузилиши уч гуруҳга ажратилади:**

1. Асосий иш ҳақи ёки базавий ставка;

2. Қўшимча тўловлар. Бунга фаолият натижаларидан келиб чиққан ҳолдаги мукофотлар киради. Бундай мукофотлар ҳар уч ойда, ярим йилда ёки йиллик натижалар асосида бўлиши мумкин;

3. Ижтимоий эҳтиёжлар учун махсус тўловлар. Булар оилани боқиш учун, уй ижараси учун, тиббий ёки ижтимоий суғурта тўловларини ўз ичига олиши мумкин.

Японияда ишчиларнинг фақат 13 фоизигина ўз иш берувчилари билан чуқур алоқани ҳис қилади. Бу АҚШдан 16 фоиз кам демакдир.

**1-жадвал**

**АҚШ ва Япония компаниядаридаги мотивация воситалари қиёсий таҳлили**

| | **АҚШ** | **Япония** |
|---|---|---|
| **Ходимларни моддий рағбатлантириш** | Комиссиялар, белгиланган мақсадларга эришиш учун накд пул тўловлари , ходимнинг қадр-қимматини эътироф этиш учун махсус индивидуал мукофотлар, фойда тақсимоти дастурлари, акциялар ва уларни сотиб олиш имкониятлари, Pay for Performance тизими | Иш ҳақидан ташқари қўшимча тўлов, комиссия ва устамалар бериш |
| **Ходимларни ижтимоий рағбаталнтириш** | Иш тартиби билан боғлиқ имтиёзлар, ходимлар ўз оила аъзоларини таклиф қилишлари мумкин бўлган муҳим воқеалар ёки байрамларга бағишланган компания миқёсидаги тадбирлар | Компания раҳбарининг қўл остидаги ходимлари билан корпоративлар ва кечалар уюштириши; хизмат уйлари ва автомашинанинг берилиши; компания қошида болалар боғчаси ва мактабнинг мавжудлиги; оилани боқиш учун, уй ижараси учун, тиббий ёки ижтимоий суғурта тўловлар. |
| **Ходимларни психологик рағбатлантириш** | Мукофот – миннатдорчилик, иш жойини ўзгартириш учун воситалар. | Ходимларни гуруҳда раҳбатлантириш, умрбод ишга ёллаш, раҳбар ва ходимларнинг бирга овқатланиши, компания автобусида бирга кетиши, корпоративлар ташкил этиши |

**Манба:** *муаллиф ишланмаси.*

Ходимларни мотивациялашнинг япон модели самарали бўлиши мумкин. Аммо уни Ўзбекистонда қўллаш юқори натижаларни бермайди. Жумладан, мамлакатимизда ходимлар ҳаётининг иш жойига боғланмаганлиги ва компанияга содиқ эмаслиги, гуруҳ бўлиб ишлаш кўникмасининг пастлиги ходимларни ишга умрбод ёллашга ва мотивациянинг япон дастакларидан фойдаланишга тўсқинлик қилади.

1-жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, АҚШда мотивациянинг турли воситалари кенг қўлланилади. Шуни таъкидлаш керакки, юқорида келтирилган мотивация воситаларининг аксарияти Ўзбекистон компаниялари фаолиятида ҳам қўлланилади. Жумладан, корхона фойдасининг ишчилар ўртасида тақсимланиши, корхона акцияларининг ишчиларга бепул берилиши ёки сотилиши, самарали меҳнат фаолиятини олиб борган ва иш жараёнида натижа кўрсатган ходимларга устамалар бериш ва бошқалар. Аммо, мамлакатимизда мотивация амалиётининг унинг назариясидан илгарилаб кетгани, мотивация назариясининг ўзбек олимлари томонидан ягона кўриниш ва тизимга келтирилмаганлиги туфайли, ушбу воситалар амалиётда қўлланилмайди, деган хулоса шаклланган.

**Хулоса ва таклифлар.** Ривожланган хорижий мамлакатлардаги корхоналар ходимларини рағбатлантириш механизмларини маҳаллий билан таққослаш Ўзбекистонда уларни қўллаш имкониятини келтириб чиқаради. Хорижий тажриба мамлакатимиз корхоналарида ходимларни рағбатлантиришнинг ўзига хос услуб ва воситаларини ишлаб чиқиш учун асос бўлиши мумкин.

**Жумладан, жаҳон амалиётидаги қуйидаги мотивация дастакларини Ўзбекистонда қўллаш фойдали бўлиши мумкин:**

- ходим ва унинг оиласи учун йилига бир марта дам олиш жойига бепул парвозлар тақдим этиш;
- шахсий болалар боғчасини (офис ёнида) очиш;
- уйдан Интернетга корпоратив кириш;
- оилани боқиш учун, уй ижараси учун, тиббий ёки ижтимоий суғурта учун тўловларни тўлаш;
- ходимларни раҳбатлантиришнинг психологик ва ижтимоий усулларидан кенг фойдаланиш. Жумладан, ходимнинг ютуқларини жамоа олдида тан олиш, қуйи поғона вакилларига қарор қилиш имкониятини тақдим этиш, иш вақти билан боғлиқ имтиёзлар тақдим этиш.
- ходимни компания ҳисобидан нуфузли МБА дастурлари бўйича ўқитиш ва бошқалар.

Шундай қилиб, ходимларни рағбатлантириш бўйича хорижий тажрибани ўрганиш мавжуд моделларнинг ҳар бири ҳам афзалликларга, ҳам маълум камчиликларга эга эканлигини исботлайди. Ходимларни бошқаришнинг хорижий амалиёти, биринчи навбатда, юқори мотивация ва профессионаллик туфайли юқори натижаларга эришадиган самарали ишлайдиган жамоани шакллантиришга қаратилган. Мамлакатдаги сиёсий ва иқтисодий вазиятнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда хорижий тажрибани маҳаллий корхоналарда қўллашнинг мақсадга мувофиқлигини кўрсатади. Ходимларни рағбатлантиришнинг хорижий моделларини қўллашда, шунингдек, фаолиятнинг ўзига хос хусусиятларини, бизнеснинг ҳажми ва корхонанинг молиявий имкониятларини ҳам ҳисобга олиш керак.

*Манба ва адабиётлар*

1. Федосеев В.Н., Капустин С.Н.// Управление персоналом организации// Учебное пособие М.: Изд. Экзамен, 2003.С. 252.

2. Dale H. Schunk, Maria K. DiBenedetto// Motivation and social cognitive theory// Contemporary Educational Psychology// Volume 60, 2020, https://doi.org/10.1016/j.cedpsych.2019.101832. (https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0361476X19304370)

3. David W. Shwalb, Barbara J. Shwalb, Delwyn L. Harnisch, Martin L. Maehr, Kiyoshi Akabane// Personal investment in Japan and the U.S.A.: A study of worker motivation//International Journal of Intercultural Relations//Volume 16, Issue 1, 1992, Pages 107-123, https://doi.org/10.1016/0147-1767(92)90008-I. (https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/014717679290008I)

4. Никитина Валентина Валерьевна// Зарубежный опыт мотивации персонала и возможность его применения в отечественной практике // Вестник ИрГТУ. 2010. №4 (44). URL: https://cyberleninka.ru/article/n/zarubezhnyy-opyt-motivatsii-personala-i-vozmozhnost-ego-primeneniya-v-otechestvennoy-praktike (дата обращения: 22.10.2021).

5. https://ubo.ru/articles/?cat=107&pub=2794 (дата обращения: 26.10.2021)

6. Журавлев П.В., Кулапов М.Н., Сухарев С.А. Мировой опыт в управлении персоналом. Монография. М.: Изд-во Рос. экон. акад., Екатеринбург: Деловая книга, 1998. С. 76- 143.

7. https://www.pragmatist.ru/motivaciya-truda/yaponskaya-koncepciya-motivacii.html (дата обращения: 24.10.2021)

8. Николаева И.И.//Зарубежный опыт мотивации персонала // Human progress. 2018. Том 4. № 7. URL: http://progress-human.com/images/2018/Tom4_7/Nikolayeva.pdf

9. Каракулин А.Ю. Зарубежный опыт использования и развития человеческих ресурсов // Вестник Алтайской академии экономики и права. – 2019. – № 12-3. – С. 176-182; https://vaael.ru/ru/article/view?id=974 (дата обращения: 26.10.2021).

10. Валова О.С., Софьина В.Н., Галченко С.// Международный опыт мотивации персонала // Современное образование: содержание, технологии, качество. 2019. Т. 1. С. 605-607.

**Ходимларни рағбатлантиришнинг илғор хорижий мамлакатлар тажрибаси**

**Дилафруз Қурбонова,**
*Тошкентдаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти катта ўқитувчиси*

**Аннотация:** *ушбу мақолада замонавий менежмент тизимида ходимларни рағбатлантиришнинг илғор хорижий мамлакатлар ва АҚШ, Япония мактаблари тажрибаси таҳлил қилинди. Олиб борилган тадқиқотлар бошқарув соҳасида хорижий мамлакатларнинг энг самарали мотивация моделини Ўзбекистонда қўллаш имконияти бўйича таклиф ва хулосаларни шакллантириш имконини берди.*

**Калит сўзлар:** *менежмент, ходим, мотивация, ички мотивация, ташқи мотивация, моддий ва номоддий рағбатлантириш, иш ҳақидан ташқари бонуслар, АҚШ, Япония, ишга умрбод ёллаш.*

**Опыт передовых зарубежных стран по мотивации сотрудников**

**Дилафруз Курбонова,**
*старший преподаватель Сингапурского института развития менеджмента в Ташкенте*

**Аннотация:** *в статье анализируется опыт передовых зарубежных стран и школ США, Японии по мотивации сотрудников в современной системе управления. Исследование позволило сформулировать предложения и выводы о возможности применения наиболее эффективной модели мотивации зарубежных стран в сфере менеджмента в Узбекистане.*

**Ключевые слова:** *менеджмент, сотрудник, мотивация, внутренняя мотивация, внешняя мотивация, материальные и нематериальные стимулы, надбавки к работе, США, Япония, пожизненный найм.*

**Experience of advanced foreign countries in motivating employees**

**Dilafruz Kurbonova,**
*Senior Lecturer of Management Development Institute of Singapore in Tashkent*

**Abstract:** *this article analyzes the experience of advanced foreign countries and schools USA, Japan in motivating employees in a modern management system. The research allowed to formulate proposals and conclusions on the possibility of applying the most effective model of motivation of foreign countries in the field of management in Uzbekistan.*

**Keywords:** *management, employee, motivation, internal motivation, external motivation, material and intangible incentives, bonuses in addition to work, USA, Japan, lifelong recruitment.*

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда унинг тизим ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-4653-сон қарорига биноан Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти тузилмасига ўзгартириш киритилди

### ИНСТИТУТИНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ ВА ФАОЛИЯТ ЙЎНАЛИШЛАРИ ЭТИБ ҚУЙИДАГИЛАР БЕЛГИЛАНГАН:

- стратегик режалаштириш, макроиқтисодий ва ташқи иқтисодий фаолият индикаторларни яқин, ўрта ва узоқ муддатда прогнозлаштиришнинг илмий-амалий асосларини ишлаб чиқиш;
- иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлаш, унинг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш, унинг самарадорлигини баҳолаш, ўрта ва узоқ муддатли стратегияни ишлаб чиқиш услублари бўйича илмий таклифлар тайёрлаш;
- иқтисодиётнинг реал (саноат тармоқлари, агросаноат комплекси, инфратузилма ва логистика) секторидаги холатни ва таркибий ўзгаришларни баҳолашнинг замонавий индикаторларини ишлаб чиқиш ва прогнозлаштириш;
- асосий ижтимоий соҳаларни ислоҳ қилиш ва барқарор ривожлантириш, инсон капиталини яхшилашга қаратилган илмий асосланган чора-тадбирлар ишлаб чиқишда қатнашиш;
- камбағалликни қисқартириш ва уни мониторинг қилиш борасида аҳоли турмуш даражасини таҳлил қилиш ва прогнозлаштиришнинг замонавий услубларини амалиётга татбиқ қилишда иштирок этиш;
- худудларнинг табиий-иқтисодий салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда уларнинг нисбий устунликларини аниқлаш, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш, худудлараро табақалашувни камайтириш, урбанизацияни фаоллаштириш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқиш.

### ИНСТИТУТГА ҚУЙИДАГИ ҲУҚУҚЛАР БЕРИЛГАН:

- давлат ва бошқарув органлари мутахассисларини илмий-тадқиқот муассасалари ходимларини, олий ўқув юртлари, шу жумладан халқаро ва хориж ўқув юртлари олимлари ва ўқитувчиларини шартнома асосида, эксперт сифатида тадқиқотларга жалб этиш;
- халқаро ва амалий ҳамкорликни амалга ошириш, олим ва мутахассисларни хорижий мамлакатларга хизмат сафарига юбориш, хорижлик олимлар, халқаро жамоат, молия ва иқтисодиёт ташкилотлари вакилларини, хорижий фирмалар, банклар ва компанияларни таклиф қилиш ва қабул уюштириш;
- иқтисодий йўналишлар бўйича фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражасини берувчи илмий кенгаш фаолиятини юритиш;
- белгиланган тартибда ноширлик ва полиграфия фаолиятини амалга ошириш, даврий нашрлар таъсис этиш;

### ИНСТИТУТДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАДИ:

- макроиқтисодиёт, минтақавий иқтисодиёт ва саноат иқтисодиёти ихтисосликлари бўйича фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини берувчи илмий кенгаш;
- Олий аттестация комиссияси докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган «Иқтисодиёт: таҳлиллар ва прогнозлар» журнали;
- Камбағалликни қисқартириш ва аҳоли фаровонлигини ўрганиш илмий маркази.

IQTISODIYOT: TAHLILLAR VA PROGNOZLAR

100000, Тошкент ш., Ҳадра массиви, 33А
Тел.: (+998 71) 244-01-77. E-mail: info@ifmr.uz